

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЗАМОНАВИЙ ПСИХОДИАГНОСТИКА МУАММОЛАРИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент - 2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: ЎзМУ, “Психология” кафедраси профессори в.б.,  
пс.ф.д., А.Расулов.

Такризчилар: ЎзМУ, “Психология” кафедраси профессори,  
психол. ф.д. Д.Мухамедова

*Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори  
билин нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги № 3 -сонли баённомаси)*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>3</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>19</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>45</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>139</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР ЎЙХАТИ.....</b>	<b>150</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўнималарини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқкан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулининг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** психодиагностикани ривожланишининг замонавий тенденциялари, таълимдаги замонавий психодиагностика муаммолари, шахс ва гурӯҳ, тиббий психологик диагностика, шахс клиник психодиагностикаси, кадрлар

бошқаруvida психодиагностика, спортда замонавий психодиагностика йўналишлари, касбга йўналтириш ва кадрлар саралашда психодиагностика, интеллектуаллик тестларини хорижий психологияда қўллашнинг замонавий босқичи, психодиагностика методикаларини ишлаб чикувчи ва фойдаланувчиларга мөъерий кўрсатмалар, компьютер психодиагностикаси ва Ўзбекистонда психодиагностика: муаммо ва ечимлар ҳақида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг билим, кўникма ва компетенцияларини ошириш.

#### **Модулнинг вазифалари:**

– психодиагностикани ривожланишининг замонавий тенденциялари, таълимдаги замонавий психодиагностика муаммолари, шахс ва гурух, тиббий психологик диагностика, шахс клиник психодиагностикаси, кадрлар бошқаруvida психодиагностика, спортда замонавий психодиагностика йўналишлари, касбга йўналтириш ва кадрлар саралашда психодиагностикаси, интеллектуаллик тестларини хорижий психологияда қўллашнинг замонавий босқичиларини таҳлил қилиш имкониятлари:

– психодиагностика методикаларини ишлаб чикувчи ва фойдаланувчиларга мөъерий кўрсатмалар, компьютер психодиагностикаси ва Ўзбекистонда психодиагностиканинг муаммо ва ечимлари ҳақида назарий ва амалий билимларни, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

#### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

– замонавий воситаларидан фойдаланиб психологик натижаларни статистик таҳлил қилиши;

– психологик тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш, хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларни ишлаб чиқиши **билиши** керак.

– психологик текширув ва тадқиқотларни ташкил этиши;

– психология методлари ва методикаларини классификациясини қўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

– психологик тестларни мослаштириш ва методикаларни қўллаш;

– психологияда ўтказилган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

– психодиагностика ривожланишининг замонавий тенденцияларини таҳлил қилиш;

– амалий психологияда психодиагностикани татбиқ қилиш йўналишларини изоҳлай олиш;

– кадрлар бошқаруvida психодиагностиканинг ўрни ва ролини, спортдаги замонавий психодиагностика йўналишларини тушунтира олиш;

– касбга йўналтириш ва кадрлар саралашда психодиагностика усулларини татбиқ қила олиш;

– интеллектуаллик тестларини хорижий психологияда қўллашнинг замонавий босқичини таҳлил қила олиш **компетенциясига** эга бўлиш лозим.

#### **Модулни ташкил этиши ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модулни ўқитиши маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усусларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Замонавий психодиагностика муаммолари” модули мазмуни ўқув режадаги “Педагогнинг касбий професионаллигини ошириш”, “Амалий тестология муаммолари”, “Таълимда психологик хизмат муаммолари” ва “Татбиқий ижтимоий психология” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида замонавий психодиагностикада қўлланилаётган методикалардан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида замонавий психодиагностика тамойиллари, қонуниятлари ва методикаларидан фойдаланиш ва амалда қўллашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **“Замонавий психодиагностика муаммолари” модули бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модуль мавзулари	Аудитория ўқув юкламаси				
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	жумладан
1.	Психодиагностикани ривожланишининг замонавий тенденциялари.	2	2			
2.	Амалий психологида психодиагностика	2	2			
3.	Таълимдаги замонавий психодиагностика муаммолари. Шахс ва гурух социал-психологик диагностикаси	2		2		
4.	Тиббий психологик диагностика. Шахс клиник психодиагностикаси	2		2		
5.	Кадрлар бошқарувида психодиагностиканинг ўрни ва роли.	2		2		

6.	Спортда замонавий психодиагностика йўналишлари.	2		2	
7.	Касбга йўналтириш ва кадрлар саралашда психодиагностика	2		2	
8.	Интеллектуаллик тестларини хорижий психологияда қўллашнинг замонавий босқичи	2		2	
9.	Компьютер психодиагностикаси	2		2	
10.	Психодиагностика методикаларини ишлаб чикувчи ва фойдалнувчиларга меъёрий қўрсатмалар	2		2	
11.	Ўзбекистонда психодиагностика: муаммо ва ечимлар	4			4
	<b>Жами:</b>	<b>24</b>	<b>4</b>	<b>16</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Психодиагностикани ривожланишининг замонавий тенденциялари. (2 соат).**

- 1.1. Психодиагностиканинг ривожланиш тарихи.
- 1.2. Психодиагностиканинг соҳаларига кўра ривожланиш хусусиятлари
- 1.3. Психодианостиканинг ривожланиш тенденциялари ва унга мувофиқ ҳал қиласидаги вазифалари.

### **2-мавзу. Амалий психологияда психодиагностика (2 соат).**

- 2.1. Психодиагностика амалий фаолият сифатида .
- 2.2. Психодиагностиканинг психологик консультация соҳасида қўллаш.
- 2.3. Психодиагностиканинг психологик ёрдам жараёнида қўллаш.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот. Таълимдаги замонавий психодиагностика муаммолари.**

Шахс ва гурӯҳ социал-психологик диагностикаси (**2 соат**).

**2-амалий машғулот.** Тиббий психологик диагностика ва шахс клиник психодиагностикаси (**2 соат**).

**3-амалий машғулот.** Кадрлар бошқарувида психодиагностиканинг ўрни ва роли. (**2 соат**).

**4-амалий машғулот.** Спортда замонавий психодиагностика йўналишлари (**2 соат**).

**5-амалий машғулот.** Касбга йўналтириш ва кадрлар саралашда психодиагностика (**2 соат**).

**6-амалий машғулот.** Интеллектуаллик тестларини хорижий психологияда қўллашнинг замонавий босқичи (**2 соат**).

**7-амалий машғулот.** Компьютер психодиагностикаси (**2 соат**).

**8-амалий машғулот.** Психодиагностика методикаларини ишлаб чикувчи ва фойдалнувчиларга меъёрий қўрсатмалар. (**2 соат**).

## **КЎЧМА МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

**Кўчма машғулот.** Ўзбекистонда психодиагностика: муаммо ва ечимлар (4 соат)

1. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш психологик-педагогик ташҳич марказидаги иқтидорли болалар диагностикаси, мактаб амалиётчи психологлар фаолиятида психодиагностика методикаларининг шакллантирилганлик ҳолати билан танишиш.

2. Ўзбекистон миллий университетидаги таянч кафедра ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидаги «Психология ўқув-илмий маркази».

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантикий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).


## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг максади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки грухий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна: “Интернетнинг мультимаданий муроқот майдони”** фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## Интернет мультимаданий мулокот майдони



### Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равиша текшириш, баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методиниамалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳакида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”

Тушунча	Хал қилувчи күч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Постиндустриал жамият</i>			
<i>Ахборот жамияти</i>			
<i>Билимларга асосланган иқтисодиёт</i>			
<i>Виртуал жамият</i>			

**Изоҳ:** Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳакида кўшимча маълумот гlosсарийда келтирилган.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниш маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни		

<i>түшүнмадым, изоҳ керак</i>		
<i>“+” бу маълумот мен учун янгилик</i>		
<i>“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршииман?</i>		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“Бумеранг” технологияси**

**Мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустахкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

#### **Амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақика давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .
2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гурӯҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳакқида фикр алмасиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 5 дақика вақт берилади.
3. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларининг хар бири ўқиган маълумот ҳакқида фикр алмасиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 10дақика вақт берилади.
4. Барча дастлаб шаклланган гурӯҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмасинган маълумот юзасидан бошқа гурӯҳларга бериш учун савол шакллантиради.
5. Хар бир гурӯхдан 1 киши савол беради, ва тугри жавоб учун 1-3 гача балл куйилади.
6. Тренер-ўқитувчи барча гурӯхлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гурӯхни эълон қиласи.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**“Бумеранг” технологияси асосида вазифа:** Олинган материални мазмунини тушуниб олишга харакат килинг, сўнг гурухда муҳокама қилинг

<i>1-гурухга вазифа</i>	<p>Мультискрипт бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштирса, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиктирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскриптни тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Видеотасманинг бизни қизиктирган фрагментини кўришни уч йўл билан амалга ошиrsa бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;</li><li>- “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;</li><li>- “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириши орқали</li></ul>
<i>2-гурухга вазифа</i>	<p>Слайд-шоу. Фотолентадан шуниси билан фарқ қиласиди, унда суратлар фотофильм режисимида мустақил равишда варақланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргаликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эфектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган суратлар ёки архив кадрлари, хужатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуralар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиши учун керак.</p>

<p><i>3-зурхага базифа</i></p>	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий журналистиканиң мультимедияйлиги сабаб яратилган фотоиллюстрациялаширишининг синтетик варианти бўлиб, мустақил жсанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни кўйлаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашириётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида мусиқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташки ишовчин, овозли эфект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳуққисатлар, карикатуралар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</p>
<p><i>4-зурхага базифа</i></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Олмавий воқеаларни ёритишда, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишида уларнинг масштабини кўрсатишда актуалдир.</li> <li>- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга маҳсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.</li> </ul>

### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1-МАВЗУ. ПСИХОДИАГНОСТИКАНИ РИВОЖЛАНИШИННИГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.**

**Режа:**

- 1.1. Психодиагностиканинг ривожланиш тарихи.
- 1.2. Психодиагностиканинг соҳаларига кўра ривожланиш хусусиятлари
- 1.3. Психодианостиканинг ривожланиш тенденциялари ва унга мувофиқ ҳал қиласидаги вазифалари.

**Таняч тушунчалар.**

**Психодиагностиканинг ривожланиш тарихи.**

**Тестлаштиришининг тарихий илдизлари<sup>1</sup>.** XIX асрнинг экспериментал психолог Ф.Гальтон индивидуал фарқлар ўлчаш билан шуғулланади. Уларнинг асосий мақсади умумий қоидаларни яратишдан иборат эди

Инсон хусусиятларини диккат хусусиятлари, фарқлар ва ўхшашликлар , идрокнинг индивидуал хусусиятлари тадқиқ этиш эди

Шундай қилиб, хақиқатдан шахсларни бир хил кузатилади , деб оқибатда оғишлар, алоҳида ўзгарувчанлик, умумлашма қилиш учун эмас, балки аниқ ва тахминий хуласаларга келишга эришди. Шахсга бундай ёндашиш ilk илмий лабораторияларда амалга оширилди.

У ўз ишларини Лейпцидаги 1879 йилда ташкил этилган В. Вунд нинг ilk тажрижаларига таяниб олиб борди. Унинг тадқиқот йўналиши ва экспериментал ишларни олиб боришидаги дастлабки босқичда бошқа асосчиларнинг тажрибалари белгиловчи рол ўйнайди. Дастлабки тажрибажалар физика конуниятлари билан алоқадор бўлиб, муаммолар , асосан лабораторияларда визуал, эшитув ва бошқа сезувчанлик, оддий реакция вақтини ўрганишга бағищланган эди. 19-асрда экспериментал психологиясида индивидуал фарқ йўналишини таъсир бошқа жиҳатдан тажриба-синов ривожлантиришга сабаб бўлган иле психологик ёндашув саналади. Тажрибалар каттиқ мониторинг шароитида, кузатувларини ўтказиш . Мисол учун, кўрсатмалар , бизга рухсат мавзу тажрибада реаксия анча ошириш ёки унинг тезлигини камайтириш мумкин . Шунингдек, атрофдаги нур ёрқинлиги ёки визуал сезги фаолиятга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай қилиб, кузатишнинг аҳамияти исботланди. Бу эса кейинчалик стандарт шароитларда синовларни ва тартиб стандартлаштиришни амалга оширишда психологик тестларни яратилишига сабаб бўлди.

Франсис Галтоннинг экспериментал изланишлар олиб борища ўзига хос ҳиссаси бор. Инглиз биолог Сир Франсис Галтон амалий психологияни ривожланишининг асосчиларидан бири эди. Унинг кўп ва хилма-хил тадқиқотлари ирсиятни ўрганишга бағищланган эди. Ирсиятни ўрганиш каби оҳанг , одамлар

<sup>1</sup> Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000. P6-7.

хусусиятларидан ўлчащдан кўпроқ хабардорлиги ишларни амалга оширишига қўл келди. Факат шу йўл билан у ўзини тадқиқот йўналишига эга бўлди. Шунинг учун, ота-оналар ўртасидаги ўхшашикнинг аниқ даражаси ака- укалар, яқинлар ва амакиваччалари ёки эгизакларни

Ўрганишда ҳам ҳисобга олди. Бунинг учун Ф. Галтон антропометрик тажриба-синовларини ўтказди. У шунингдек, жаҳон кўргазмасида 1884 йилда антропометрик лабораторияни ишга туширди ва тажриба-синовларни амалга ошириди. У ерда меҳмонларнинг жисмоний хусусиятлари, кўриш ва эшиши, мушак кучи, реакция вақти учун тестларни татбиқ этди.

Ф. Галтон ўзи энг оддий синовларида ишланган айрим синов воситалари ҳали ҳам мавжуд. Масалан, визуал оғиши, хуштак узунлиги, идрок имкониятларини, кинестетик оғишларни ўлчаш учун серияли топшириклардан фойдаланган.

Ф. Галтон ҳиссий ўзгаришларни аниқлаш тестлар бўлиши мумкин, деб ҳисоблади. Ўз навбатида Гальтон ҳам ақлий нуқсонларни ўрганишга эътибор қаратди. Кейинчалик Гальтон ўз тадқиқотларида К.Пирсоннинг математика усулларини тадбиқ этди.

Жеймс Кеттелл ва унинг < руҳий тестлар >. айниқса психология тарихида ўзига хос ўринга эга . Психологик тест ривожлантиришда ҳисса Америка психолог Жеймс McKeen Кеттелл салмоқли ишини амалга ошириди.

У бу борада маълум асарлар яратган бўлиб, натижасида унинг хизматлари туфайли экспериментал психология пайдо бўлди. Кеттеллнинг тадқиқотларида Вундт ва Гальтоннинг таъсир мавжуд. У ўзининг кейиги тадқиқотларида зеҳн тестларини яратиш ва қўллаш масалаларига йўналтириди. 1890 йилда Ж. Кеттелл томонидан мақолада “Интеллект ва унинг ўлчаш масаласига” бўйича мақола ёзди. Ушбу мақолада

бир қатор тестларни интеллектуал аниқлаш учун қўллаш хусусиятлари ёритилди.

П.Х. Дюбуа (P.H.Dubois, 1966) қадимги хитой задоганларини ишга қабул қилишда психологияк тестлаштиришдан бундан 3000 йилга яқин йилдан олдинроқ амалга оширилганлигини қайд этади. Қадимги греклар тестлаштиришни таълим жараёнининг йўлдоши сифатида қараб, жисмоний ва ақлий кўнимларни ўзлаштиришни баҳолашда тестлардан фойдаланганлар.

Суқрот методи таълим жараёнининг тестлаштириш билан уйғунлашувни ифодалайди. Ўрта аср европа университетлари учун илмий унвон ва даражалар бериш учун имтиҳонлар жорий этилди. Бироқ замонавий психологик тестлаштириш ҳақимда сўз боргандага XIX асрга эътибор қаратишини талаб этади.

Тестлаштиришнинг тарихидан ҳам маълумки, дастлабки диагностик методикалар, хусусан, испан олими Хуан Харт (1530-1589) ва француз олимлари Ж.Эскирол (1772-1840), Э.Сеген (1812-1880), томонидан тақдим этилган диагностик воситалар инсон психологиясининг маълум бир жиҳатларини ёритишига қаратилган бўлса-да, ташхис натижалари сифатини баҳолаш борасида маълум талаблар масалалари хусусида тўхталишга эрта эди. Шундай бўлса-да, Ж.Эскирол ва Э.Сегенлар психик касаллик билан ақлий тараққиётда ортда қолиш ўртасидаги фарқлашни муайян мезонлар орқали ўрганишга киришган эдилар.

Биринчи психологик тестларнинг тўлиқ баёни Ф.Л. Гудинаф (F.L.Goodenough, 1949). Дж.Петерсон (J. Peterson. 1926)нинг ишларида учрайди. Психологик

тестлаштириш тарихи Э.Г. Боринг (E.G. Boring, 1950) ва Г. Мерфи, Дж.К. Ковач (G. Murphy, J.K. Kovach, 1972), П.Х. Дюбуа (P.H. Dubois, 1970)ларнинг асарларида ўз аксини топган<sup>2</sup>.

Психологик тестлаштириш тарихида келтирилган умумий маълумотларга кўра ақлий тараққиётдан ортда қолганлик муаммосининг даволай олмаслик ҳақидаги фикрлар Э. Сеген (E. Seguin, 1907)нинг тажрибаларида узоқ вақт давомида оли борган таълим методларида янги бир ёндашувни жорий этиш имконини берди. Натжада 1837 йилда ақлий тараққиётдан ортда қолган болаларни ўқитиш мактабига асос солинди. 1848 йилда Америкага кетиб, унинг гоялари юқори даражада эътироф эилишга сабаб бўлди. Э.Сегеннинг бир қатор усувлари ҳаракат тестлари ва новербал интеллект тестларни жорий этилишига олиб келди. Бунга Э.Сегеннинг номи билан аталадиган доска шаклини келтириш мумкин. Ушбу доскада индивиддан ҳар хил фигуруларни тезкорлик билан жойлаштиришни талаб этади.

Тестологияда етарлича изланишлар ва методикалар яратилаётган бўлса-да, аммо татбиқ этиш сифати доимо мутахассислар дикқат мараказида бўлиши лозим бўлади. Тестология тарихидан ҳам маълумки, дастлабки диагностик методикалар, хусусан, испан олими Хуан Харт (1530-1589) ва француз олимлари Ж.Эскирол (1772-1840), Э.Сеген (1812-1880), томонидан тақдим этилган диагностик воситалар инсон психологиясининг маълум бир жиҳатларини ёритишга қаратилган бўлса-да, ташхис натижалари сифатини баҳолаш борасида маълум талаблар масалалари хусусида тўхталишга эрта эди. Шундай бўлса-да, Ж.Эскирол ва Э.Сегенлар психик касаллик билан ақлий тараққиётда ортда қолиш ўртасидаги фарқлашни муайян мезонлар орқали ўрганишга киришган эдилар.

Илмий Тестологиянинг таркиб топишида психология фанида эксперимент ва натижарларни ўлчаш фояларининг кириб келганлигини тадқиқот соҳасида кўйилган катта қадам, деб баҳолаш мумкин. Бу борадаги ўринишларни XIX асрнинг 30-йиларида немис олими Вольф томонидан дикқат хусусиятларини аниқлаш борасида узоқ вақт давомида олиб борган изланишларида кузатиш мумкин. Бу тадқиқотларда немис олими “психометрия” тушунчасини биринчилардан бўлиб фанга олиб кирган. Э.Вебер ва Г.Фехнерларнинг (XIX аср ўрталари) психофизик тадқиқотларини ҳам экспериментал психологияда психик ҳодисаларни ўрганишдаги янги йўналиш дейишимиз мумкин. Бу тарздаги тадқиқотларлар кўлами яна бир қатор олимлар томонидан кенгайтирилди. Аммо психологик тадқиқотларда статистик қайта ишлаш усувларини татбиқ этилишини, оламшумул илмий инқиlob, деб қараш мумкин. Ф.Гальтон ўз давридаёқ “корреляция коэффициентини ҳисоблаш” методини (1888 йил) антропометрия ва ирсиятни аниқлашда қўллаган эди. Ф.Гальтон ва унинг издоши К.Пирсонларнинг корреляция коэффициентини аниқлаш усулини, А.Бине ва Т.Симон интеллектни ўлчашда шкалаларга таянгани (1905), В.Л.Штерн томонидан интеллект коэффициенти (IQ)ни фанга киритилганлиги тадқиқотларда сифат ўзгариши юз беришидан далолат беради

Юқорида санаб ўтилган тадқиқотлар психодиагностика соҳасидаги илмий қадамлар ҳисобланади. Аммо бугунги кунда ҳам психодиагностик методикаларни татбиқ этишда сифат масаласига эътибор қаратиш тадқиқотчиларнинг дикқат

<sup>2</sup> Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing -Prentice-Hall International, Inc.2000. P18-19.

марказида бўлиши лозим. Чунки, кўп ҳолатларда тадқиқотчилар томонидан ўрганилаётган муаммонинг баҳолаш аппарати, уларнинг мезонлари ва ёндашувлари мавхум ҳолда бўлади. Натижада тадқиқотдан олинаётган маълумотларда илмий янглишишлар йўл қўйилади, ёки тадқиқот янгилигини изоҳлашга асос бўлмай қолади. Шунинг учун психодиагностик методикаларни татбиқ этиш ёки диагностика сифатини аниқлашда, унинг дараражалари ва жиҳатларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда голланд олими Ян тер Лаакнинг ёндашувини эътиборга олиш лозим. Унинг фикрича, тестологияда сифатни муҳокама қилишдан олдин, тестлар назарияси (классик ва замонавий), муҳит билан тараққиёт борасидаги назарияларни, методика билан тадқиқот муаммосининг мослигини, диагностик жараёнинг боришидаги талабларни яхши билиш муҳим.

Аммо тестологияда сифатни аниқлаш масаласи кенг кўламдаги ишларни бажаришни талаб этади. Бунинг учун психодиагноностик методикалар сифатини белгиловчи асосий жиҳатларга мурожаат этиш ўринли. Психодиагностик методикалар сифатини белгилашда бешта категорияга таянилади: тестларни яратиш мақсади, тестни структуралаштириш, меъёрлар (нормалар), ишончлилик ва валидлик. Бундан кўринадики, тестлар ва сўровномалар яқъол психодиагностик ишланмалар натижаси саналади. Уларни баҳолашнинг эса ўзига хос тизими мавжуд. Баҳолаш тизимидағи етакчи категориялар, яъни ишончлилик ва валидликнинг ўзини ҳам тўғри фарқлай олиш лозим.

Психодиагностик адабиётларда қайд этилган маълумотларга таянганимизда, тест назариялари борасида ўзига хос тажрибалар ва талаблар аниқ белгилаб кўйилганлигининг гувоҳи. Тестлар ва сўровномаларни яратиш, уларни бир муҳитдан иккинчисига мослаштириш ёки янги модификацияларни яратишнинг ўзи улардан муттасил фойдаланиш лозим, деган хulosани бермайди. Тестлар ва сўровномаларнинг ишончли ва валидлигини белгиловчи стандартлар мавжуд. АҚШда ҳар йили объектив кўрсаткичларга эга бўлган тестлар ва сўровномалар ҳақида “Ақлий қобилиятларни ўлчаш йилномасида” маълумотлар бериб борилади. Бундан кўринадики, катор мамлакатларда тестлар ва сўровномалар расмийлаштирилади ва баҳоланиб борилар экан.

Бугунги кунда бизнинг шароитимизда ҳам психодиагностик тадқиқотларда сифат босқичига эришиш учун мавжуд тажрибаларга таяниб, маҳаллий мутахассислар томонидан бир катор масалалар қайта кўриб чиқилиши лозим:

1. Жаҳон психологиясида кўлланилиб келинаётган “Стандартлар”га таяниб, психодиагностик методикалардан фойдаланиш борасида маҳаллий муҳит учун аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқиш.
2. Маҳаллий шароит учун кўлланиши лозим бўлган психодиагностик методикаларни нашр эттириб боришини йўлга қўйиш.
3. Тест ва сўровномалардан фойдаланишнинг илмий-татбиқий асослар бўйича Республика миқёсида анжуман ўtkазиш.
4. Психодиагностик методикалардан фойдаланиш бўйича амалий кўлланмалар ишлаб чиқиш.
5. Мутахассислар тайёрлаш жараёнида психодиагностика ва тестология курслари ўкув дастурларида тест ва уларнинг стандартлари масаласи учун алоҳида машғулот мавзулари ажратиш лозим.

Юқорида санаб ўтилган масалалар бўйича олиб бориладиган чора-тадбирлар Республикамизда ўtkазилган психологик тадқиқотлар сифатини яхшилаш имкониятини беради.

Психологик тестлардан фойдаланишининг тадрижий тараққиётининг бир даври, 20-асрнинг бошларида фаолият олиб борган француз олимлари А.Бине ва Т.Симонларнинг номлари билан боғлиқ. Чунки улар томонидан боланинг мактабга тайёрлигини психологик жиҳатдан аниқлашга қартилган дастлабки уринишларини Ж.Кеттеллнинг интеллект бўйича изланишларининг узвий давоми сифатида қарашга тўғри келади. Улар Франция маориф вазирлиги томонидан берилган топшириқларни амалга ошириш учун олиб борган натижасида психологияда ақлий ёшли аниқлашга эришдилар.

А.Бине<sup>3</sup> ва Т.Симоннинг тадқиқотларига қадар немис олими Г.Эббингаус томонидан олиб борилган изланишлар, айнан уларнинг интеллектула тестларни ишлаб чиқиши учун назарий асос бўлди дейиш мумкин. Чунки, Г.Эббингаус томонидан тақдим этилган хотирани ўрганиш тестлари инсон психологияси борасидаги янги методик изланишлар натижаси эди.

1905 йилда А.Бине ва Т.Симон болани интеллектини ўрганишга қартилган 30 топшириқдан иборат шкала ишлаб чиқдилар. Топшириқлар мураккаблик даражасига кўра тузилган эди. Ушбу топшириқлар ўта «қўпол» усулда тузилган бўлиб, (масалан, 5 ёшли бола 14- топшириқдан юқорисини бажара олмайдиган). Ушбу топшириқларда сенсор-перцептив режадаги масалаларга эътибор берилиши билан бир қаторда, уларнинг асосийсини вербал материаллар ташкил этар эди.

1908 йилда Бине-Симон шкаласининг такомиллаштирилган варианти эълон қилинди. Бу вариантда 59 тест топшириқлари бўлиб, улар ёш гурухига кўра 3 ёшдан 13 ёшгacha мўлжалланган бўлиб, уларнинг ёш хусусиятларига кўра фарқланиши фоиз ҳисобида ажратилар эди. Бунда ёш босқичларини ажратувчи фоизли мезон 67 % дан 75 % диапазон олинган. Берилган топшириқларни кўп миқдорда болалар еча олмасалар бу тест топшириқлари мураккаб, аксинча кўпчилик кисми еча олган ҳолларда енгил тест топшириқлари ҳисобланган.

Тест тарихидаги А.Бине ва Т.Симоннинг тест топшириқлари мисол сифатида келтирилади (1911). Уларнинг илмий изланиш натижалари бир мунча бўлса-да тестларнинг ишлаб чиқишида ўзига хос илмий – назарий асос бўла олган. Уларнинг тест намуналаридаги топшириқлардан келтириб ўтамиз.

7 ёшлилар учун:

1. Ўнг ва чап томонларни фарқлаш.
2. Таклиф этилаётган суратни тафсиллаш.
3. Бер нечта топшириқларни бажариш.
4. Бир неча чақаларни умумий қийматини айтиш.
5. Кўрсатилган тўрта асосий рангларни номини айтиш.

8 ёшлилар учун:

1. Хотирада иккита объектнинг таққослаш. Уларнинг орасидаги ўхшашликни кўрсатиш.

<sup>3</sup> Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000. P10-11.

2. 20 дан 1 га қараб тескари санаш.

3. Одамларни ифодалашда тушириб қолдирилган элементларини топиш (4 та топширик).

4. Кун, сана, ой, йилларни номлаш.

5. Бешта бир хил сонлар қаторини такрорлаш.

Бу тестларнинг мухимлиги шундаки, ҳар бир ёш месъерига кўра нормал болалар уларни тўғри еча олган. Бола ўзининг ёшидаги топшириклар гурухини еча олган бўлса, у нормада деб ҳисобланган. Буни тадқиқотлар боланинг хронологик ёши билан солишириш асосида аниқланадиган ақлий ёш деб ҳисобладилар.

Тестлар тарихида А.Бине ва Т.Симоннинг изланишларини давомида интеллектни мутлоқ эмас, балки нисбий ўлчаш мумикнлигини эътироф этиб, 1912 йилда ИНТЕЛЛЕКТ КОЭФИЦИЕНТИНИ аниқлаш усулини фанга киритди. Унинг қисқартирилган варианти IQ бўлиб, у

$$IQ = \frac{\text{ақлий}}{\text{хронологик}} * 100 .$$

Бине ўзининг шкаласидаги бундай ўзгаришларни кўриб, бунга нисбатан самимий муносабатни билдириб, камчиликларини аниқлаш имконига эга бўлди.

Бине-Симоннинг тестлари қиска вақт оралиғида ер юзига тарқалди. Интеллектни тест орқали ўрганиш борасидаги XX асрнинг дастлабки ўн йиллигига ривожланиш даври Бине-Симоннинг хизмати билан боғлиқ.

Шунингдек, интеллект тестларини статистик таҳлил билан боғлаб тушунтириш концепцияси Чарльз Эдвард Спирмен қарашларида акс этган. Ч.Спирмен изланишлари интеллектнинг икки омилли назариясисни юзага келишига сабаб бўлди. Ушбу назарига кўра интеллект умумий (G-general faktor) ва маҳсус (S –spetial faktor) омилларга ажратилди. Концепцияда ижобий корреляциялар фақат умумий омиллар кучида тушунтирилади. Ушбу факторда тестларнинг чуқур кириб бориши улар орасидаги юқори корреляцияни ифодалади. Маҳсус омиллар ўлчашдаги хатоларни ифодалайди. Шундан келиб чиқиб Ч.Спирмен кўп омилларни тўғри ҳисоблаш лозимлиги тўғрисидаги хулосасига келди.

**Психологик тестлардан фойдаланишининг XX асрнинг бошларида ривожланиши.** Психологик тестларнинг XX асрнинг бошларида ривожланишининг тарихий илдизлари борасидаги дастлабки мулоҳазаларимиз А.Бине ва Т.Симоннинг изланишлари билан бошланган бўлса-да, аммо XX асрнинг бошларида изланишларнинг кўп қисми АҚШда кенг олиб борилди. Дастлаб Бине Симоннинг стандартлаштирилмаган тестларини АҚШда қўллаган тадқиқотчи Генри Годдард ҳисобланади. Бине-Симон тестларини Г.Годдартдан сўнгра американлик олим Льюис Мэдисон Термен Х.Д.Чайльдз билан биргаликда тестларни адаптация қилиш билан шуғуллана бошлади. Кўпгина тошириклар модификация қилинди ва айrim топшириклар эса қўшилди. Терменнинг мулоҳазаларига кўра IQнинг 90 дан 109 кўрсаткичлари ўртача интеллект даражасини, 70 дан пасти эса ақли пастликни, 140 дан юқориси эса даҳоликни ифодалайди. Термен томонидан адаптация ва модификация этилган тест вариантни (Стэнфорд версияси ҳисобланади) АҚШда

ақлий қобиляттарни аниқлашда құлланила бошланди. АҚШда биринчи жағон уруши араfasida кенг күламда тестлаштириш ишлари амалға оширилди.

Биринчи жағон уруши вақтида психологик тестлар инструментарийсінинг ривожланиши ўзига хос ўрин тутди. П.Фресснинг фикрича, «тестларни яратиши» асос солинди. Америкада Бөш Комитет томонидан армияда психологик тадқиқоттар уюштирилди. Комитеттега Дж.Кеттелл, Г.Стенли Холл, Торндайк ва бошқа етакчи психологиялар жалб этилди. Ушбу даврда иккита тест батареяларидан фойдаланила бошланди.

$\alpha$  - тестлар ва  $\beta$ -тестлардан фойдаланила бошланди. Армиядаги 1726 000 нафар аскар тест синовларидан ўтказилди. Улардан 500 000 нафари саводсиз, 8000 нафри эса ақлий заиф сифатида армия сафидан чиқарылди, 20 000 нафари эса маҳсус батальонга хизматта йўналтирилди<sup>4</sup>.

Биринчи жағон урушидан кейин АҚШда Стэнфорд шкаласидан ташқарии Кульман (1922), Йеркс (1923), Геринг (1922), ақлий қобилятни ўрганишга мўлжалланган CAVD (1925) шкаласи (Торндайк раҳбарлигига) ишлаб чиқилди. Европада интеллект диагностикаси борасида Ришар Мейли самарали изланишлар олиб борди. У интеллектнинг аналитик тести (1928), унинг интеллектни тўрт омилли : етарлича мураккаб, пластик, яхлитлик ва равонлиги. Дж.Стенквистон томонидан умумий механистик қобилятни терма тести (1923), Флоренс Лаура Гудинаф Одам расмини чизиш тести (1926) ишлаб чиқди. Бу тестларда олимларни учта муаммо безовта қилди: 1) катта ёшдагиларни интеллектуал тараққиётини белгилаш учун индивидуал фойдаланиш шкалаларнинг мавжуд эмаслиги; 2) гўдакларнинг ақлий тараққиётини аниқлаш учун қулай шкалаларнинг зарурлиги; 3) интеллект ва шахс мухим психологик конструктлар сифатида психологик тестларни ишлаб чиқишининг умумий назариясини яратиш.

Болаларнинг ақлий ривожланиши борасидаги энг эътиборга сазовор ишларни Арнольд Люциус Гезеллнинг (1925) ишларида учратиш мумкин. Бу борада унинг «Мактабгача ёшдаги болаларнинг ақлий тараққиёти» мавзусидаги ишини алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринли. Гезелл болаларнинг хулқ-атворини ўрганиш учун киномотографиядан фойдаланди. Ўзининг кузатишлари асосида «Гўдаклик ва инсон камолоти» (1929) асарида, боланинг ривожланиш ҳолатини З ойликдан 30 ойлик даврини 195 та мезон билан ўлчаш мумкинлигини қайд этиб ўтди.

Интеллект тестларни ишлаб чиқиши билан бир қаторда шахсни нокогнитив соҳасини ўрганишга қаратилган методикалар (шахсни ўрганиш тестлари) ҳам яратилишига эътибор қаратилмоқда. Шахс саволномалари борасида Роберт Сессион Вудвортс (1917) аномал хулқни ўрганишга мўлжалланган тестни ишлаб чиқди. Аммо психологияда шахсни ўрганиш сўровномалари борасида дастлабки саволномаларни биринчи бора, 1909 йилда голландиялик олимлар Г.Хейманс билан Е.Вирсм томонидан ишлаб чиқилган деган мулоҳазалар бор. Улар «Шахсий маълумотлар вароги» тарздаги бир неча саволномаларнинг муаллифлари саналадилар.

Сўнгра шахс саволномалари борасида Флойд ва Гордон Оллпорт шахс фазилатлари рейтингини (1921-22) таклиф этдилар.

<sup>4</sup> Anne Anastasi, Susana Urbina. Psychology Testing.-Prentice-Hall International, Inc.2000. P12-13.

Фолкер томонидан шахсни баҳолаш тести (1921). Шунингдек психодиагностик тестлар борасида Герман Роршахнинг (1921) ва Трумэн Ли Келлининг (1928) хизматларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

#### **Психологик тестларнинг 1930-39 йилларда ривожланиши.**

ХХ асрнинг 30 –йилларида бир қатор тестлар вужудга келди. Уларнинг кўп қисми АҚШда яратилди. Шунингдек, 1936 йилда энг етакчи тестлар сифатида қўйидаги бешта тестлар эътироф этилди: Стэнфорд-Бине, Роршах тести, Бернестейтернинг шахс саволномаси, Сишонинг мусиқий талантни аниқлаш тести, Стронгнинг профессионал қизиқишлиар бланки.

1938 йилда буюк Британияда психологияда кенг қўламда қўлланиладиган Равеннинг прогрессив матрицалар тести ишлаб чиқилди. Унинг муаллифлари Дж.Равен ва Л.Пенрос эди. Улар умумий интеллектни ўрганиш тестига асос солган эдилар.

Интеллектнинг сусайишини ўрганишга эришган Давид Векслер, ўзининг шкаласини яратди. Унда 11 субъест мавжуд бўлиб, интеллектнинг турли қирраларини ўрганишга қаратилган.

Шунингдек, Векслернинг изланишларида ҳам IQнинг янги бир коэффициентини топиш формуласи тақдим этилди.

$$IQ = \frac{\text{Эришилган реалнатаижаси}}{\text{Ёшгурухидәикутилаётгануртасакурсаткич}}$$

1937 йилда Калифорния университетида ақлий етукликини аниқлаш тести эълон қилинди. Унинг муаллифлари Эдвард Ли Торндайк ва Луис Лион Терстоун ҳисобланади. 1938 йилда Терстоун ўзининг бирламчи ақлий қобилият тестларини эълон қилди.

30-йиллардаги яна бир муваффақиятли изланишларни Уристиан Морган ва Генри Александр Мюррей амалга ошириди. Уларнинг 1935 йилда «Шахс тадқиқотлари» китодида психологик проекция тўғрисидаги назарий ғоя хусусида тўхталинган эди. Сўнгра у асосида Тематик апперцепция тести (ТАТ) вужудга келди.

Шунингдек ушбу йилларда проектив методикаларнинг яратилишида туб бурилиш юз берди, дейиш мумкин. Чунки, венгер-швецариялик олим Леопольд Сонди тести психология оламига кириб келди. Унинг тестида 6 серия ҳар хил психик касаллиқдан азобланаётган беморларнинг (ҳар бир серияда 8 тадан портретлар) фотографиялар бўлиб, текширилувчиларга ҳар бир сериядан ўзларига энг кўп ёкувчи ва энг кам ёкувчиларидан иккитасини танлаш тавсия этилган.

#### **40-йилларда психологик тестларнинг ривожланиши.**

1940 йилларда Оскар Буроснинг «Психик ўлчашларнинг йилномаси» нашрида психологик тестлар ҳақида маълумотлар тақдим этила бошланди. Бунда 325 тест шарҳланиб, 200 тест фақат санаб ўтилган эди. Биринчи жаҳон уруши сингари, иккинчи жаҳон уруши арафасида ҳам АҚШда янги тестлар ишлаб чиқила борди. Америкалик олимлар яна асосий эътиборни армия учун зарур гурӯхий тестларни яратишга киришдилар ва Армиянинг умумий классификацияловчи тести-гурӯхий тести яратилди. Унда 10млнга яқин ҳарбий хизматчилар тестдан ўтиказилдилар. Шунингдек, ҳарбийларда Роршах, ТАТнинг қискартирилган варианти, вазиятли тестлар ҳам татбиқ этила бошланди. Буюк Британияда эса

Равеннинг прогрессив матрицалари ҳарбий классификациялашда қўлланила бошланди.

40-йилларда Стэнфорднинг “Эришганлик даражасини аниқлаш” тести, Отиснинг класификоцион тести, Кьюдернинг 168 топширикли саволномаси, шунингдек, Катрин Бригс ва унинг қизи Исабел Майерс томонидан «Майерс-Бриггснинг типлар индикатори» устида ишлар олиб борилиб, 1962 йилдагина ушбу тест эълон килинди.

Ушбу йилларда кўпчиликни эътиборини Миннесотнинг кўп жабҳали шахсни ўрганиш саволномаси (MMPI) ўзига жалб этди. Г.Ю.Айзенкнинг Моудслейск тибиёт саволномаси яратилди. Шунингдек, Гилфорд «Темперамент шархи» деб номланган тестни ишлаб чиқди.

Урушдан сўнгра Саул Розенцвейнинг фрустрацияга реакцияни аниқлаш проектив тести (24 та суратдан иборат) вужудга келди.

50-йилларда Векслернинг катта ёшдагиларни интеллектини ўрганиш шкаласи яратилди. Р.Кеттеллнинг интеллектни аниқлашнинг эркин маданий тести ва 16 факторли шахс саволномаси яратилди (1958).Дж.Тейлорнинг безовталанишнинг намоён бўлишини аниқлаш методикаси (1953) кенг кўламда тадқиқот майдонига кириб келди.

Тест ёрдамида ўтказилган деярли барча тадқиқотларда тест ютуқлари муайян ижтимоий-иктисодий даражага мансуб фанлар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳақидаги хулоса тасдиқланди. Хусусан, тест синовлари бўйича энг юқори балл олган кишилар гурухи ҳар доим ишчилар ва дехқонларнинг болаларидан камроқ болаларни ўз ичига олган ота-оналар ўрта синфга, зиёлиларга тегишли эди. Уша йиллардаги бундай тест синовлари асосида "тальлим номзодлари" деб номланган гурӯхлар аниқланди, улар таълимни давом эттириш бўйича тавсиялар олдилар.

Маълумки, кейин 1936, психодиагностика устида тадқиқот бир неча ўн йиллар давомида чекланди. 60-80-йилларда психодиагностика муаммоларига қизикишнинг янги ҳосиласи кузатилмоқда. Бироқ асосий эътибор тестларни танқид қилишга қаратилган бўлиб, кам даражада янги усуулларни яратиш ишлари олиб борилмоқда. Танқидий таҳлил асосан психодиагностика тестлари билан амалга оширилади (К. М. Гуревич, Д. Б. Элконин, Н. Ф. Талйзина ва бошқалар.). Масалан, Д. Б. Элконин "ўкув фаолияти диагностикаси ва болаларнинг ақлий ривожланиши" тўпламига сўзбошида» (1981) уларнинг камчиликлари аниқ энг муҳим қуидаги эканлигини қайд қилди, психодиагностика тестлари учун асосий даъваларни шакллантиромоқда: "биринчидан, фақат миқдорий жараён сифатида руҳий ривожланиш жараёни тоғаси; иккинчи, бир даврдан бошқасига ўтиш пайтида сифат ўзгаришларни хисобга олмаган ҳолда турли ёш даврларида (мактабгача ва мактаб) ташхис учун умумий схемадан фойдаланиш; учинчидан, ривожланиш даражаси олдиндан ривожланиш даражаси ҳақида асосий тоғаси, охир-оқибатда мерос бўлиб ўтади.; тўртинчидан, бундай диагностика асосида ҳеч қандай коррекцион-педагогик чора-тадбирлар куриш мутлақо мумкин эмас."Психологлар интеллект тестлари тестда намоён бўладиган маданиятга асосан тест шкаласининг танишлик даражасини ўлчайди, деган муҳим хулоса чиқарадилар. Тест нима учун буни бошқасидан кўра кўпроқ даражада бажаришга муваффақ бўлганини кўрсатмайди. Шу билан бирга тест натижасини интеллектни баҳолаш ёки тестда келтирилган маданиятга мавзунинг танишлик даражаси деб аташ бефарқ эмас. Худди шу пайтни ўзида, тест танқиди

туфайли миллий озчиликлар вакиллари томон камситувчи йўналтирилганлигига хорижда ортиб бормоқда, мухожирлар, болалар камбағал оиласлар ва бошқалар. (Л. Кэмин, Ж. Лолер, Ж. Наэм, ва ҳоказо)

Энг муҳим танқид психодиагностика узоқ вақт асос қилиб олинган назарий ва методологик позициялардир. Энг умумий изоҳ бир маданиятда ишлаб чиқилган тестларни бошқасига ўтказмаслик ва натижаларни ўхшаш баҳолаш амалга оширилмаслиги керак эди. Шундай қилиб, психодиагностиканинг қуидаги жиҳатлари кўпинча танқид қилинди: тестларда муайян психологик мазмунни жорий этиш учун назарий асос йўқлиги, психодиагностика учун жуда муҳим бўлган концепциянинг ноаниклиги ва номувофиқлиги, фикрлаш процессуал томонини эътиборсизлик, фақат унинг натижасида эътибор, таълим қобилияти (ривожланиш имкониятлари) ва ривожлантиришда сифатли лаҳзаларга кам эътибор, ишончсизлик психологик тест мазмунни заарига статистик методларни билан тузатиш иш, тест натижаларини баҳолаш учун фақат мумкин мезон сифатида статистик нормалар фойдаланиш ва бошқалар.

Иқтидор - ижодий имконият кўрсаткичи сифатида ҳам алоҳида мезонлар ажратилган. Ушбу йўналишда болаларнинг ижодий имкониятларини баҳолашга мўлжалланган америкалик олим Е.П.Торренс тестиини мисол сифатида келтириш мумкин. Е.П. Торренснинг “Ижодий тафаккур тести” 1990 йилларда 32 тилда таржима қилиниб, 2000 дан ортиқ тадқиқолардан татбиқ қилинган. Е.П.Торренс ижодкорлик (креативлик)ни муаммони ечиш, муаммога нисбатан сезгириликни пайдо бўлиши, муаммони аниқлаш ва уни хусусиятларини ўзлаштириш, муаммони ечиш йўлларини тахмин қилиш, уларни текшириш, ўзгаришлар ёки янгилишишларни аниқлаш, ечимни топиш учун янги тахминларни илгари суриш, ечимни топиш, уни талқин қилиш ва натижаларни маълум қилишдан иборат жараён сифатида қарайди. У томонидан яратилган тест ҳам ушбу гояга асосан ишлаб чиқилган. Тест 5-6 ёшли болалардан бошлаб, юқори синф ўқувчиларнинг креативлик хусусиятларини аниқлашга хизмат қиласи. Тест болаларнинг креативлик хусусиятлари аниқлашга йўналтирилган “Суратни чизинг”, “Фигураларни якунланг”, “Такрорланувчи чизиқлар” субтестларидан иборат. Субтестлар болалар креативлигининг “маҳсулдорлиги” (боланинг ижодий маҳсулдорлик даражаси), “оригиналлиги” (ижодий фаолият натижасининг ноёблиги, ўзига хослиги), “ишлаб чиқилганлик” (ўйлаб топилган гоянинг майдагача ишлаб чиқилганлиги), “гоялар қарама-қаршилиги” (гояларнинг хилма хиллиги ва кашф қилинган янгиликни узоқ вақт давомида сақлаш қобилияти, оригинал гояни яратиш) каби мезонлар бўйича баҳолайди [3].

Иқтидорли болалар диагностикаси соҳасида кўлланилаётган усуулларнинг хилма хиллигини яққол намунаси буюк инсонлар ҳаётини тадқиқ этишининг биография методидир. Ушбу йўналишда Гарвард университети профессори Г.Гарднер буюк инсонларнинг биографиясини ўрганиш асосида фаолият йўналишига кўра интеллект типларини ажратган ва маҳсус тадқиқ этиш анкетасини шакллантирган [4]:

- мантикий-математик интеллект-табиий ва математик (А.Эйнштейн);

- визуал-фазовий интеллеккт- геометрия, рассом, ҳайкалтарош, архитектура, топография, шахмат (П. Пикассо);
  - вербал ёки лингвистик интеллеккт-ёзувчилар, шоирлар, ораторлар (Т.Элиот);
  - тана-кинестетик интеллеккт- ракс, пантомима, спорт, хирургия (М. Грэхэм, М. Марко);
  - мусиқий интеллеккт-бастакорлар, мусиқачилар, раққослар, ашулачилар (И. Стравинский);
  - эмоционал ёки шахслараро интеллеккт-лидерлар, дипломатлар, педагоглар (М.Ганди);
  - экзистенциал ёки маънавий интеллеккт- психологлар, психиатрлар (З.Фрейд).
- Юқорида келтирилган мулоҳазалар реал воқеликда амалга оширилган ва мавжуд хорижий тажрибаларнинг натижаси саналади.

## **ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАРНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ** **(А.И. САВЕНКОВ)**

### **Болалар учун кўрсатма**

Куйида берилган саволларга аниқ жавоб беришга ҳаракат қилинг. Барчаси 35 та савол бўлиб, *сизга ёқмаса “-”, агар ёқса “+”, жуда ёқса “++” белгисини қўйинг.*

### **Ота -оналар учун кўрсатма**

Болангизнинг қобилиятини ривожлантириш учун унинг лаёқатини билиш лозим. Сизга 35 та савол тавсия қилинади. Уларнинг ҳар бирига жавоб беринг. Болангизнинг имкониятини орттириб ҳам, камайтириб ҳам баҳоламанг.

### **Саволлар варажаси**

Ҳамма саволлар «**сизга ёқадими**» тарзида бошланади.

- 1.Саводхонлик ва мантикий топшириқларни ечиш.
- 2.Эртак, ҳикоя, қиссаларни мустақил ўқиш.
- 3.Ашула айтиш.
- 4.Жисмоний тарбия (футбол, волейбол, баскетбол ва ҳ.к.) билан шугулланиш.
- 5.Болалар билан ҳар хил жамоа ўйинларини биргаликда ўйнаш.
- 6.Табиат ҳақидаги ҳикояларни (эшитиш) ўқиш.
- 7.Ошхонада ниманидир бажариш ( идишларни ювиш, овқат тайёрлаш ва ҳ.к.).
- 8.Техник қурилмалар билан ўйнаш.
- 9.Тил ўрганиш, янги нотаниш сўзлардан фойдаланиш.
- 10.Мустақил чизиш.
- 11.Спорт, ҳаракатли ўйинлар ўйнаш.
- 12.Болалар билан ўйнаганда раҳбарлик қилиш.
- 13.Ўрмонда, далада юриш, ўсимлик, ҳайвонларни кузатиш.
- 14.Озиқ-овқат сотиб олиш учун магазинга бориш.
- 15.Техника, машина, космик кема ҳақидаги китобларни ўқиш.
- 16.Сўз топиш ўйинини ўйнаш (шаҳар, ҳайвон ва ҳ.к. номини).
- 17.Эртак, ҳикояларни мустақил тузиш.
- 18.Кун тартибига риоя қилиш.
- 19.Янги нотаниш одамлар билан суҳбатлашиш.
- 20.Ўйда аквариум, куш, ҳайвонларни сақлаш.

21. Ўзи билан китоб, дафтар, ўйинчоқлар олиб юриш.
22. Самолёт ва кемалар чизиш ва ясаш.
23. Тарих билан танишиш.
24. Катталар ёрдамисиз мустақил бадиий ижод билан шуғулланиш.
25. Спорт ҳакидаги китобларни ўқиши, спорт кўрсатувларини кўриш.
26. Ўз фикрини бошқа болаларга ёки кишиларга тушунтира олиш.
27. Уй ўсимликларини парваришиш.
28. Уйни саранжом-саришта тутишга ёрдамлашиш.
29. Мактабда математика билан шуғулланиш.
30. Ижтимоий ҳодиса ва халқаро воқеалар билан танишиш.
31. Спектакллар қўйишда иштирок этиш.
32. Секция ва тўғракларда спорт билан шуғулланиш.
33. Одамларга ёрдам бериш.
34. Боғда ишлаш, полиз ўсимликларини ўстириш.
35. Бичиши-тикиш, кир ювишни мустақил бажариш.

## *Калит*

1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31	32	33	34	35

### **Натижаларни қайта ишләш**

Саволлар бола лаёқатининг етти соҳасини қамраб олган.

- **Математика ва техника**
- **Гуманитар соҳа**
- **Бадиий фаолият**
- **Жисмоний тарбия ва спорт**
- **Коммуникатив қизиқиши**
- **Табиат ва табиатшунослик**
- **Үй юмушлари, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш.**

Вертикал бўйича плюс ва минуслар миқдори ҳисоблаб чиқилади. Қайси йўналишдаги лаёқат бўйича плюс кўп бўлса, ўша лаёқат устун ҳисобланади.

### ***Шахс ва гуруҳ социал-психологик диагностикаси.***

Хозирги кунда шахс психодиагностикасига гуманистик йўналтирилган ёндашувни жорий этиш ва ривожлантириш учун долзарб эҳтиёж мавжуд бўлиб, унинг асосий киймати ҳисобланади. Бундай ёндашув шахсни психологик ташхислаш, коррекциялаш, ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантиришнинг замонавий усулларини амалий психологияда кенг қўллашни таъминлайди. Бундай ёндашув шахсни психологик ташхислаш, коррекциялаш, ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантиришнинг замонавий усулларини амалий психологияда кенг қўллашни таъминлайди. Замонавий психология фанида психодиагностиканинг предмети ва моҳиятини тушуниш ва очиб беришда бир қанча моделлар мавжуд. С. Т. Порохова таъкидлаганидек, муайян шартлилик даражасига эга бўлиб, хозирги вактда куйидаги ёндашувлар ишлаб чиқилди:

- a) инструментал;
- b) лойиҳалаш;
- c) гностик;
- d) ёрдам берувчи шахс;
- e) амалиётга йўналтирилган;
- f) адаптив;
- g) ажралмас.

Психодиагностиканинг бундай хилма-хил моделларининг мавжудлиги кўп сабаблар билан изоҳланади:

- a. ушбу соҳа турли фанларнинг ютуклари: ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқалар таъсири остида ривожланди ва ривожланмоқда.;
- b. психодиагностиканинг фан сифатида умумий назарий асослари йўқ;
- c. психологнинг кўп аспектли касбий фаолияти мавжуд;

d. психодиагностика фанининг имкониятлари ўзи етарли даражада очиб берилмаган.

Жамиятнинг барча амалий жиҳатдан психологик билимларга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда тадқиқот, шахсий ёндашувни қўллаш зарурати туғилди.

Бу эҳтиёж айниқса турли ижтимоий-психологик тадқиқотларда яққол намоён бўлди.

Ташкилий психологлар томонидан ишлаб чиқилган психодиагностика ва кадрларни баҳолашнинг замонавий технологиялари, масалан, "360-даражали баҳолаш", баҳолаш марказлари, шахсни касбий ва шахсий йўналтириш сўровномалари янги авлод мутахассисларига кўпинча сўнгги, хорижий ишланмалар маҳсули сифатида тақдим этилади. Бироқ XX асрнинг 70-йиллари ўрталаридан бошлаб психодиагностика фанининг маҳсус тармоғи-шахснинг ижтимоий-психологик диагностикаси аста-секин ривожланди.

Методологик жиҳатдан инсоншуносликка ҳар томонлама ёндашиш ғояси биринчи навбатда В. М. Бехтерев томонидан илгари сурилиб, аслида рус психологиясида антропологик илмий йўналишни шакллантириди. Ушбу ғоянинг бошқа фалсафий позицияларда ривожланиши Б. Г. Ананьевнинг концептуал тизимида ўз аксини топган

Инсонни психологик билиш мақсадида мураккаб ўрганишни назарий ва методологик асослашда қўлланилди. Н. А. Логинова ҳақли равишда таъкидлаганидек, интеграциялашган ёндашув-бу маҳсус методологик стратегия ва инсоннинг кенг қамровли ва яхлит психологик билимларининг енг етарли воситасидир.

Б. Г. Ананьев комплекс ёндашув асосий тамойили бўлиши, инсон ўрганиш интеграциясини таъминлайди фанлараро тамойилини кўриб чиқилди. Б. Г. Ананьев инсонни ҳар томонлама ўрганиш дастурида учта асосий бўлимни аниқлади, унда дисциплинлераси тамойил:

1. Инсон тараққиётини белгиловчи асосий омиллар ва шарт-шароитлар (ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хуқуқий, мағкуравий, педагогик ва мухитнинг биотик, абиотик омиллари билан тугайдиган) тадқиқ этилади.

2. Инсон тараққиётининг асосий хусусиятлари.

3. Инсоннинг ажралмас тузилишининг асосий таркибий қисмлари (шахснинг муайян ташки таъсирларга бўлган ҳар кандай реакциясини белгиловчи компонентлар ўртасидаги муносабатлар).

Ушбу тадқиқотда белгиловчи, таснифловчи метод ижтимоий психологиянинг классик методига айланган эксперт баҳолашнинг ижтимоий-психологик усули, яъни унинг модификацияси-гурухий шахсни баҳолаш (мақсад) томонидан таклиф этилган. Мақсад инсоннинг касбий фаолиятида, унинг бошқа кишилар билан ўзаро муносабатларида намоён бўладиган шахсий ва психологик сифатларнинг мавжудлиги ва ифодаланганлик даражасини баҳолаш имконини беради. Мақсад шахс-ижтимоий жамоа аъзоси (ҳақиқий гурух) ҳақидаги жамланган гуруҳ фикрини ("умумлашган бошқа") ифодалайди ва гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ҳақидаги ғояларнинг ижтимоий-психологик ҳодисаси бўлиб, мулокот жараёнида кишиларнинг ўзаро бир-бирларини билишлари натижасида юзага келади.

Мураккаб ёндашув ижтимоий-психологик ташхисда устунлик қиласи, лекин у билан бирга киёсий ёндашув — психологиянинг енг қадимги усули, шунингдек,

тасаввурлар усули сифатида ҳам танилган. Бу усул инсоннинг ақлий ташкил топиши ривожланишининг турли босқичларини ва гурухнинг турли ривожланиш даражаларини, яъни бир хил ҳодисанинг турли ривожланиш даражаларини таққослаш имконини беради.

Қиёсий хусусият категорияларига, биринчи навбатда, жинс, ёш, шунингдек, ижтимоий-демографик хусусиятлар: таълим, қасбий мансублик, расмий ҳолат, миллат, яшаш жойи ва бошқалар киради. Қиёсий методни ташкил етишда енг муҳим фоя шундан иборатки, ҳар қандай берилган мезон бўйича фарқ қилувчи гурухлар таққослаш учун танланади.

Фарқловчи хусусият сифатида тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мос келадиган ва таққосланган одамлар ва гурухлар ўртасидаги еҳтимолий фарқларни аниқлайдиганлар танланиши мумкин. Булар инсоннинг ижтимоий, ижтимоий-психологик, психологик, психофизиологик ва бошқа хусусиятлари бўлиши мумкин.

Ушбу ёндашувнинг асосий талаблари:

- a. таққосланган гурухларда бир хил усуллар ва психодиагностик методлардан тўлиқ фойдаланиш керак;
- b. одамлар ва гурухлар ўртасидаги қиёсий таҳлил жинс, ёш, қасб каби ўзига хос мезон асосида амалга оширилади, лекин ўрганилган ҳодиса давомида олинган бир хил кўрсаткичларга кўра.
- i. Қиёсий ёндашув қўйидаги афзалликларни беради;
- c. катта гурухларни таққослаш ва уларнинг фарқларининг асосий детерминантларини аниқлаш;
- d. бир хил ижтимоий, маданий, тарихий ва иқтисодий шароитларда гурухлар ўртасидаги фарқларни аниқлаш;
- e. individual ўзгарувчанликнинг шахс мансуб бўлган гурух кўрсаткичлари билан боғлиқлиги;
- f. танланган усулларни ва муайян тадқиқот услубиётларини комплекс ёндашув тамойилига риоя қилиш учун созлаш ва тозалаш

## **2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. ТИББИЙ ПСИХОЛОГИК ДИАГНОСТИКА ВА ШАХС КЛИНИК ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ.**

### **Режа:**

1. Тиббий психологик диагностиканинг халқаро тажрибаси ва унинг Ўзбекистондаги ҳолати..
2. Ўзбекистонда тиббий психодиагностиканинг ривожлантириш: муаммо ва ечимлар

Психология ўзининг ривожланиш тарихида қатор фанлар билан узвий алоқадорликда кечганилигини аниқ илмий манбаларда ўз ифодасини топган. Бу ҳолат психология билан тиббиёт соҳалари ўртасидаги узвий боғлиқликни четлаб ўтмаган. Жаҳон психологиясининг қатор вакиллари ҳам психологияда юксак илмий фояларни илгари суришларида табиий ва тиббиёт соҳаларида изланишлари билан инсон

руҳиятининг ўзига хос қонуниятларини ўзаро сингдиришга харакатлари туфайлидир. Шу боисдан ҳам Ф.Гальтон [2], З.Фрейд [26], К.Г.Юнг [28], А.Адлер [28], К.Хорни [27], Э.Кречмер [28], Р.Ассаджиоли [28], Р.Мэй [28], В. Франкл [25] ва бошқаларнинг илмий-ижодий фаолиятини мисол сифатида келтириш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда психология фанининг ривожланиши ҳам ўз навбастида жаҳон психологияси эришган ютуқларнинг ажralmas қисми сифатида ҳамда унинг анъаларига ҳамоҳанг тарзда ривожланишини тақозо этмоқда. Шу сабабли ҳам психология фанининг ҳар бир соҳасидаги ўзагришларнинг ўзбек психологиясида ҳам учратиш ва уларнинг ўзаро бирлигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Муаммо бу тарздаги муносабатнинг келтиришнинг ўзига хослигини мамлакатимизда психология фани соҳалари бўйича кадрлар тайёрлаш масаласидаги ўзгаришла билан боғлаш мумкин. Бугунги кунда ЎзМУ, ТДПУ, ЎзХИА, СамДУ, БухДУ, ФарДУ, ҚаршиДУ, Нукус ДУ, ТерДУ, УрДУ, АДУ, ТТАда ва бошқа таълим муассасаларда 5210200-Психология (умумий психология), 5210203-Психология (амалий психология), 5210204-Психология (оила психолоияси), 5210205-Психология (ёшлар психологияси), 5210200-Психология (дин социопсихологияси), 5210200-Психология (спорт) таълим йўналишлари бўйича бакалавр, 5A210201-Психология (фаолият турлари бўйича), 5A210201-Психология (социал психология), 5A210201-Психология (оилавий муносабатлар психологияси), 5A210201-Психология (дин психологияси), 5A510116-Тиббий психология бўйича магистратура мутахассислари тайёрланаётганлигини эътироф этиш мумкин. Маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистонда психология соҳасининг ривожланишига эътибор юқори бўлаётганлигидан далолат беради.

Муаммонинг тадқикот мухокамасига қўйишининг ўзига хос бир жиҳати психология, хусусан, психодиагностика билан тиббиёт соҳаси орасидани муносабат масалаларига аниқлик киритиш учун юқорида келтирилган маълумотларни асос сифатида келтиришга тўғри келмоқда. Биринчи жиҳати психология фанининг ривожланишига эътиборнинг кучайданлиги бўлса, иккинчи жиҳати ўзбек психологиясини жаҳон психологияси муаммолари билан уйғунлаштиришдан иборат. Ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда республикамизда психология фани билан тиббиёт соҳасининг уйғунлигини таъминлашга йўналтиришдан иборат бўлмоқда. Агар жаҳондаги етакчи олий таълим муассасаларига эътибора қаратилса, уларда клиник психология бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёни фаол амалга оширилаётганлигининг гувохи бўламиз (Москва давлат университети, Санктпетербург давлат университети, Жанубий Урал давлат университети, Southern Illinois University Edwardsville (АҚШ), The University of Western Australia (UWA) (Австралия), University of Auckland (Янги Зеландия), Manchester Metropolitan University (Буюк Британия) ва бошқа). Жаҳон психологияси тажрибаларига ҳамоҳанг тарзда инсон психологияси билан организм ўртасидаги боғлиқлик касалликларни олдини олиш ва даволашнинг муҳим шарти эканлиги foясига таянган ҳолда амалга ошириш масаласи майдонга чиқмоқда. Ушбу ҳолатларни хисобга олган ҳолда психология ва тиббиётнинг муносабатини психодиагностика ўлчаш ишлари билан боғлаш мақсадга мувофиқ деган хulosага келдик. Бу эса фанда тиббий психодиагностика муаммолари хисобланади.

Психология фанида олиб борилган изланишларда психикани биологик, ижтимоий ва психологик кўринишлари бирлигига яхлит ўрганиш ғоялари, хусусан

Добавлено примечание ([A1]):

Санкт-Петербург экспериментал ва патологик психология мактабининг ривожланиш даврида узоқ вақтлардан бўён изланишлар амалга оширилмоқда (Бекхтерев В.М., 1907, 1923; Бернштейн А.Н. 1911; Лазурский А.Ф., 1908, 1923; Франк С.Л., 1912; Басов М.Я., 1920). Мазкур гоянинг методологик моҳиятини фақат психологияда тизимли ёндашув ривожланиши билан тўлиқ англаш мумкинлиги таъкидланади Шу сабабли, ҳозирги пайтда психология муаммоларини тизимли кўриб чиқишнинг аниқ услубий ва илмий асосланган методологиясидан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу умуман психология фанига ҳам, унинг алоҳида соҳаларига ҳам тегишли. Хусусан, тиббий психологиянинг тобора мураккаблашиб бораётган табиати билан боғлиқ ҳолда, психологик диагностика каби тиббий психологларнинг касбий фаолиятининг бундай соҳасини йўлга қўйишида фаннинг илғор гоялари ва усулларидан фойдаланиш долзарб бўлиб қолади.

Ўзбекистонда тиббий психодиагностика соҳасида психологик методикаларнинг татбиқ қилиш хусусиятлари масаласи энг долзраб муаммолардан бири дейиш мумкин. Мазкур йўналишда тиббиёт билан психологиянинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда иккита масаланинг ечимини топиш зарурати бор:

Биринчиси, тиббий психодиагностика бўйича психологиядаги методикаларнинг қўллашга хизмат қилувчи назарий-методологик асосларни тизимлаштириш.

Иккинчиси, психодиагностика амалиётида қўлланилаётган методикаларнинг тиббий психодиагностика амалиётида беморларнинг психологик жиҳатларини инобатта олиб, жорий этиш мажмуасини шакллантиришдан иборат.

Мазкур масалаларни ечимини топиш борасидаги маълум аналитик –таҳлилий тадқиқотнинг айрим жиҳатлари ҳақида қуида тўхталамиз.

Илмий манбаларда келтирилишича, Фарбий Европа ва Америкада клиник психодиагностика ривожланишининг асосий босқичлари 19-аср ўрталарида бошланиб, ҳозирги кунда замонавий талабларга мос тузилма ҳосил қилган Масалан, интеллектнинг тест ёрдамида диагностикаси пайдо бўлиш, шахсни ўрганишга биринчи назарий ва услубий ёндашувларнинг пайдо бўлиш босқичи хисобланса-да, психодиагностикада проектив ёндашув методологияси алоҳида ўринга эга. Замонавий психодиагностика усулларининг пайдо бўлиши учун ижтимоий ва илмий заруриятлар таҳлил қилинди. Биринчиси қаторида, хусусан, Биринчи ва Иккинчи Жаҳон уруши пайтида психологик тестларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ўсиши, XX асрнинг иккинчи ярмида кенг гуманистик гояларнинг жамиятда тарқалиши, янги психологик йўналишлари - бихевиоризм, психоанализ, гештальт психологияси, урушдан кейинги йилларда - шахсга йўналтирилган психотерапия назарияси ва амалиёти клиник психологик тадқиқотларнинг ривожланишига хизмат қилган ( А.Анастази, С.Урбина 2001 [2]; Л.Ф.Бурлачук 2002 [6]; В.С.Аванесов, 2004 [1] ва бошқалар).

Ҳаёт тарзининг жадал кечиши сўнгги йилларда тиббий ва психодиагностика воситаларини ривожлантиришнинг етакчи йўналишларидан бири сифатида ўта кучли стресс омиллари ва ўта инкирозли вазиятларга таъсир қилишнинг психологик оқибатларининг аниқлаш ва баҳолаш бўйича ихтисослаштирилган методикаларни яратиш алоҳида таъкидланмоқда.

Бир қатор олимларнинг илмий изланишлари хulosасига кўра ҳозирги вақтда психологик диагностика тиббиёт ва соғликни сақлаш соҳасида ишлайдиган

психологларнинг касбий фаолиятининг асосий шаклларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, тиббий психодиагностиканинг вазифалари нейропсилик ва психосоматик касалликларга чалинган беморларни даволаш ва тиклаш вазифалари билан, касалликларнинг олдини олиш вазифалари билан бир қаторда беморларга психологик маслаҳат бериш, психологик коррекция, психотерапия ва ижтимоий реабилитация вазифалари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги илмий хулосаланган (Л.И.Вассерман [7], О.Ю.Щелкова, 2003 [33]; 2003; В.М.Блейхер [5] ; M. Antony , D Barlow ., 2004 [34]; G. Groth-Martnat , 2005 [35]; M.Roberts, S.Pardi, 1995 [36]).

Ҳар қандай мақсадли касбий фаолият сингари тиббиётдаги психологик диагностика ҳам диагностика жараёнининг барча бўғинларининг ўзаро боғлиқлигига намоён бўладиган яхлит ва интеграл характерга эга. Айнан тиббий психодиагностиканинг табиати шахсни ҳар хил ҳаётий вазиятларда ва ишлаш шароитида унинг индивидуал руҳий кўринишларининг ҳар хиллигига батафсил ўрганишни амалга оширишга имкон берини ўрганилган (Л.И., Вассерман, 1997 [7]; О.Ю.Щелкова, 2003 [33]). Бундан келиб чиқадики, инсон психикасини тизимли ва ўзаро алокадорликда текширишга қаратилган тиббий психодиагностиканинг ўзи инсоннинг энг мураккаб фаолияти бўлиб, уни етарли даражада тавсифлаш ва чукур таҳлил қилиш ўзининг тамойиллари асосида амалга оширилади.

Тиббий психодиагностиканинг ўлчаш воситаларини кўриб чиқишининг долзарблиги ушбу илмий ва амалий соҳада мухим эмпирик материаллар тўпланиб, тадқиқотлар тобора кенгайиб бораётганилиги билан характерланади. Ушбу соҳадаги билимларни тизимлаштириш, тиббиётдаги психодиагностик фаолиятнинг умумий назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Бундан ташқари, XX асрнинг 50-70-йилларида Б.В.Зейгарникнинг патопсихологик мактаби [13], А.Р.Луриянинг нейропсихологик мактаби [18] ва В.Н. Мясищевнинг тиббий психология мактабида ишлаб чиқарилган клиника тадқиқотлар учун мўлжалланган анъанавий психологик тадқиқотлар методологияси сўнгги йилларда сезиларли равишда хорижий ёндашувлар билан тўлдирилди. Шунинг учун тиббий психодиагностиканинг назарий ва услубий яхлитлигини сақлаб қолиш учун унинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб бориш, илм-фаннинг замонавий ривожланиш даражаси, шу жумладан янги ахборот технологияларининг пайдо бўлиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг асосий услубий ёндашувлари ва тамойилларини кўриб чиқиш максадга мувофиқдир. Бунинг учун эса албатта тиббиётда психодиагностика усуулларини татбик қилишда аниқ методологияга таяниш лозим бўлади. Шунинг учун тиббий психодиагностикада методикаларни жорий этишини етарлича ва тўлалигини таъминланишининг йўлга қўйишида кўйидаги ҳолатлар ўринли бўлади:

1. Замонавий илм-фан ва амалиётнинг энг мухим услубий принципларига таяниш.

2. Саломатлик билан касалликларда инсон психикасини ўрганишга яхлит ёндашувнинг мавжуд анъаналарига таяниш.

3. Муаммонинг тадқиқ этишида психологияни мураккаб (Б.Г. Ананьев) ва тизимли (Б.Ф. Ломов) ёндашувлар тамойиллари, психикани ўзаро боғлиқ функциялари, жараёнлари, ҳолатларининг мураккаб тизими сифатида тушуниш (В.Д.Балин [3], Л.М. Веккер [8], А.В. Карпов [15], В. С. Мерлин [19]), шахс -

муносабатлар тизими сифатида (В. Н. Мясищев)даги ғояларини методологик асос сифатида қабул қилиш

5. Психодиагностик фаолиятнинг назарий ва услубий асослари, психологик ташхис қўйиш илми ва амалиёти сифатида психологик диагностика ҳақидаги замонавий ғояларга (А. Анастази [2], С. Н. Костромина [16], В. В. Столин [22], А. Г. Шмелев [30, 31,32] ва бошқа) асосланиш.

6. Психодиагностика методикаларининг беморларнинг касаллик хусусиятларига мос танлаш ва татбиқ қилиш тизимини шакллантириш.

7. Психолог-психодиагност билан тиббиёт ходимининг методикалардан фойдаланиш қўнималари бўйича мутахассисларнинг ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш.

8.Тиббий психодиагностикани жорий қилишда мутахассис фаолиятини тартибга солувчи касбий-этикавий тамоилларини талаблар даражасида татбиқ қилиш.

Юкорида келтирилган асослардан қўринадики, тиббий психодиагностикани ўрганишнинг назарий ва услубий асослари мураккаб динамик объектларни ўрганишда илмий билимларни бирлаштириш ва дифференциялаш бирлиги принциплари, соғлиқни сақлаш ва касалликдаги инсон психикасини ўрганишга бағищланган ёндашувлар билан белгиланди.

Ўзбекистон шароитида тиббий психодиагностикани жорий этиш учун ҳам методологик асос сифатида хизмат қилувчи ёндашувлар ҳамда психодиагностика методиклар базаси учун эҳтиёж бор. Шунинг инобатга олган ҳолда тиббий психодиагностиканинг жорий этишнинг методикалар базаси қандай тартибланиши ва қандай боғлиқликка эга бўлиши лозим? деган савол туғилади. Бунинг учун кўтарилаётган масаланинг ечимини топишга хизмат қилувчи аниқ фаолият йўналишлари лозим. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда бир қатор амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни келтириб ўтамиш.

Тиббий психодиагностикада методикаларнинг қўллаш хусусиятларини текшириш вазифасига мувофик руҳий ва соматик касалликларга чалинган беморларнинг турли хил контингентларини, шунингдек, соглом одамларни эмпирик тадқиқотлар ўтказишида клиник ва экспериментал психологик усулларнинг комплексидан фойдаланишга тўғри келади. Бу эса методикалар мажмuinи тиббий психодиагностиканинг тадқиқот предмети ва йўналишлари тузилишига мос келадиган кўйидаги бандларни ўз ичига олади.

1.Ўзбекистон шароитида тиббий психологик хизматни жорий этилганлиги, психологик хизмат шароитида тиббий психологик диагностика бўйича мутахассисларнинг методикаларни татбиқ қилиш ва таҳлил қилиш бўйича фаолиятинини эксперт баҳолаш тизимига таяниш. Бунинг учун муаммонинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда эксперт баҳолаш картасини шакллантириш лозим бўлади.

2. Когнитив фаолиятни ўрганишда психодиагностика амалиётида қатор методикалар мавжуд. Мавжуд методикаларнинг тиббий психодиагностика мақсадлари билан уйғунлаштириш лозим бўлади. Бунинг учун "Нейропсихологик диагностика техникаси", "Визуал ретенция тести", "Корректура синови тести", "Рақамларни топиш (Шульте жадваллари)", Крепелен жадвали, "Ўнта сўз"

(А.Лурия), "Пиктограммалар" ", "Ортиқча предметни учиринг", " Оддий анология ", "Аналогия" ва бошқа методикаларни татбиқини таъминлаш.

3. Шахснинг психик ҳолатни ўрганишда "Депрессияни баҳолаш шкаласи", "Депрессив ҳолатларнинг анкетаси", "А. Бекнинг депрессивликни баҳолаш сўровномаси", "Вақтнинг семантик дифференциали", "Невротиклик даражаси", "Психопатологик симптомларнинг ифодалангандик даражасини аниклаш сўровномаси" ваа бошқа методикалардан фойдаланиш.

4. Шахснинг эмоционал-мотивацион соҳаси ва иродаливий сифатларини ўрганишда "Субъектив назорат даражаси" тести, "Ўз-ўзини англаш учун кўп факторли сўровнома", "Рухий сўлиш", экспрес-психодиагностика техникаси комплекси: "Ўзини ва атроф-мухитни назорат қилиш онги", "Келажакка хиссий муносабат" тести, "Фрустрацияни ўрганиш" тести ва бошқаларни кўллашни йўлга қўйиш.

5. Беморнинг шахс тузилишини ўрганишда "Шахсни тадқиқ қилишнинг стандартлаштирилган усули", "Шахс дифференциал" тести, " "Шахснинг акцентуациясини аниклаш сўровномаси", "Шахснинг нейротик хусусиятлари", "Катта бешлик" сўровномалари ва бошқаларни клиник амалиётда психодиагностика мақсадари учун жорий этиш.

6. Бемор шахснинг психологик ҳимоя тизимини ишлашини ва унинг мослашув механизмларини ўрганиш усуллари учун "Хаёт тарзининг кўрсаткичи", "Психологик ҳимоя механизмлари динамикаси", "Муаммони ҳал қилишни режалаштириш", "Стресс билан курашиш стратегиясининг кўрсаткичи" ва бошқла методикаларнинг амалий ҳолатини синовдан ўтказиш.

7. Беморларнинг шахсларро муносабат тизимини ўрганиш усуллари тизимини шакллантиришда "Реабилитация картаси", "Тугалланмаган жумлалар", "Ижтимоий фрустрация даражаси", "Q-сараплаш", "Тури касалликларга муносабат типлари", "Хаёт сифати бўйича сўровнома" ва бошқа методикаларини татбиқини ташкиллаштириш.

.Мамлакатимизда тиббий психодиагностикани йўлга қўйиш бўйича кўтарилаётган илмий муаммо ва унинг ечимларига бағтшланган таҳлилий-тадқиқот натижаларига асосланиб, кўйидаги хуносаларни келтириб ўтиши мумкин:

1. Тиббий психодиагностикани маҳаллий шароитга мос тизимини шакллантириш ўз аҳамиятига эга ва бу соҳа мутахассисларининг доимий диккат марказидаги масала ҳамда фаолият йўналиши хисобланади.

2. Тиббий психодиагностикада психологик тадқиқот методикаларини жорий этишнинг назарий-методологик асослари жаҳон психологиясида илгари сурилган ғояларга таяниди ва мазкур йўналиш муаммоларини омилкорани ҳал этишга таянч сифатида хизмат қиласи.

3. Психодиагностика амалиётида методикаларнинг улуши кўп, аммо уларнинг ўрнини белгилаш баҳолаш воситаларини тиббий психодиагностикадаги мақсадларида фойдаланиш имкониятларини аниклаш ва методикалар тизимини шакллантириш луфайли эришилади.

4. Тиббий психодиагностикада методикаларни татбиқ этиш ҳам психологик, ҳам тиббий тадқиқотлар ўртасида илмий алоқаларни шакллантириш ёрламида етарлича таъминланади.

Жаҳонда инсон саломатлигининг таъминлашда психологик омиллар ўрни юқорилиги сабабли тиббиёт психологияси, клиник психология, психотерапия, нейропсихология сингари фанларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлмоқда. Хавотирланиш ва депрессив ҳолатлардан шизофрениянинг оғир шакллари билан якунланган турли хил руҳий аномалликларнинг энг катта улуши дунёдаги ривожланган мамлакатларга тўгри келади. Аввало, бу Европа давлатлари кузатилиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш тизими (ЖССТ) расмий маълумотларига кўра, масалан, Европада яшовчи 870 миллион фуқаро бундай касалликлардан азоб чекишини қайд этмоқда [11]: ”депрессия ва безовталаниш оқибатидаги руҳий бузишлар-100 миллион; сурункали алкоголизм-20 миллиондан ортиқ, Алцгеймер касаллиги ва бошқа ақлий заифлик турлари-8 миллион; шизофрения-4 миллион; биполяр бузишишлар-4 миллион; ваҳима оқибатида пайдо бўлаётган бузишишлар — 4 миллион нафар кишини тақазо этмоқда. Руҳий касалликлар юрак-қон томир касалликларидан кейин иккинчи ўринда туради. Бу шифокорлар доимий ёки даврий кузатувга муҳтож бўлган жуда кўп ногирон фуқаролардир. Бундан ташқари, руҳий касалликлар барча сурункали касалликларнинг 40% ни ташкил қиласди”. Бу эса инсон руҳий саломатлигини таъминлашда психология ва тиббиёт фанининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш долгзарб муаммо сифатида майдонга чиқишига сабаб бўлади.

Дунёда инсон саломатлигини таъминлашда тиббий ва психологик омилларнинг уйғунлаштириш, психологик даво чораларининг самарали йўлларини шакллантириш, организм ва инсон руҳияти ўртасидаги муносабат, жароҳатлар туфайли вужудга келган стрессли бузишишларнинг клиник-психологик ва психосоциал омиллари, ақлий тараккиётдан ортда қолиш ва шизофрения шароитида когнитив функцияларнинг бузишиши, олий ўкув юрти талабаларининг амалий соглом ҳолатида тафаккурда учрайдиган псевдопатологик хусусиятлар, муттасил мия ишемик касалликларнинг илк диагностикаси ва даволашнинг биосоциал омиллари, аутистик бузишиши болалар билан оиласвий муносабатларни ташкил этиш хусусиятлари, шизофрения касалларининг қадрият йўналишлари, саратон касаллигига чалинган беморларга муносабат, тиббиёт ходимлардаги сўлиш синдроми ва эмоционал интеллект хусусиятлари, ўсмир ва ўспиринлардаги психосоматик бузишларнинг психосоциал омиллари, хавотирланиш ва ваҳиманинг кучайиб бориши типологияси, динамикаси ва коррекцияси ва бошқа қатор муаммолар тадқиқот йўналишлари сифатида ўрганилган. Буларнинг ўрганишнинг оптимальлаштиришда тиббий ва психологик диагностика баҳолаш воситаларининг устувор шаклларидан фойдаланиш доимо мутахассисларнинг дикқат марказида бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини таъминлашда хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари, Умуман олганда, мамлакатимизда тиббиёт соҳасининг хусусий сектори фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Конунида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш кўзда тутилганлиги, онкологик хизматни янада ривожлантириш ва онкологик касалликларнинг кечки босқичларини бошидан ўтказаётган беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш

бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги меъёрий хужжатлар тиббиёт ва психология соҳаси мутахассисларининг олдида янги вазифалар кўймоқда. Ушбу талабларга ҳамоҳанг тарзда психология фани ютуқларини тиббий диагностика ва даволаш жараёнларига йўналтириш энг долзарб муаммолардан бирiga айланмоқда.

Юқоридаги мулоҳалардан кўринадики, Ўзбекистонда тиббиёт ва психология фанлари интеграцияси масаласи доирасида ёки фанларнинг ўзаро интеграциясига боғлиқ бўлмаган ҳолда маълум тажрибалар мавжудлиги кузатилади. Мамлакатимизда эса тиббиёт психологияси доирасидаги тадқиқотларнинг якуний ечимлари анчагина кам сонли тадқиқотлар билан чекланаётганлигини гувоҳи бўламиз. Бу борадаги изланишлар сирасига ҳозирги кунда психологлардан F.Шоумаров [10], В.Каримова [7], З.Ибодуллаев [3], Ш.Баратовлар [1] саломатлик психологияси, психофизиология, психогигиена, тиббий психология, турли соҳаларда психологик хизмат масалалари бўйича, шунингдек, М.Карамян [5; 6], Д.И.Илхамова [4], Д.Уразбаева [9], Ф.Фозиева [2] тиббиёт психологиясига доир изланишлари, касалликларнинг келиб чиқиши, кечиши ва даволашда психологик омилларнинг ўрни, бемор психологик ҳолати ва шахсий хусусиятларининг касаллик реабилитациясидаги роли З.Р.Ибодуллаев [3], М.Х.Карамян [5, 6], Ю.К.Нарметова [7] кабиларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Ушбу тадқиқотлар ва яратилаётган илмий адабиётлар тиббиёт ва психология фани ўзаро алоқаларининг дастлабки босқичи дейиш мумкин. Аммо бу ҳолатлар Республикадаги тиббий психодиагностика тажрибаларини йўлга қўйиш учун етарли эмас.

Биз юқоридаги мулоҳазаларга мос равиша Ҳозиринг тиббиёт фанининг ривожлантириш ва мутахассислар касбий салоҳиятини оширишда психология билимлар, хусусан, тиббий психодиагностиканинг ривожлантириш билан боғлиқ қўйидаги муаммолар мавжудлигини қайд этиб ўтмоқчимиз:

психодиагностика психология фани ва амалиётининг ажralmas қисми ҳисобланади. Умумлаштирилган режада унинг моҳияти "ягона" шахснинг ҳолати, хусусиятлари ва имкониятларини ташхислаш, уни тарбиялаш ва ўқитиш, олдини олиш ва даволаш учун ҳар бир шахс билан амалий ёрдам кўрсатишга заруратнинг мавжуд;

психодиагностика инсон психикасининг тизимли механизmlарини, биологик ва психосоциал муносабатларни очиб бериш имкониятини руёбга чиқаришга хизмат қилиши, аммо бу борада Ўзбекистонда етарлича психодиагностик воситларни амалиётда татбиқ этиш амалиётининг етарли эмаслиги;

тиббиёт учун психология фанининг аҳамияти, хусусан, психодиагностиканинг аҳамиятининг ўзига хослиги ҳакида ишонч билан гапириш мумкин бўлиб, у тиббиётда психодиагностика назарияси ва усуллари асосида касаллик этиологияси, патогенези, касалликларни даволаш ва олдини олишда психологик омилларнинг ролини ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қиласи, аммо мамлакатимизда тиббиёт бўйича мутахассисларнинг психологик тайёргарликни таъминлаш бўйича ўкув курслари мавжуд эмас;

умумий тиббий амалиётда нейропсихик касалликлар, психосоматик патология ва соматопсихик касалликларнинг тарқалиши, мия шикастланиши, болалар ва ўсмирларнинг ривожланиш аномалиялари, ўз жонига қасд қилиш ҳатти-ҳаракати ва бошқаларнинг сабабларини аниқлашда психодиагностика

методикаларини тиббиётда қўллаш самарали натижлар бериши мумкинлиги ҳақида сўз боради, аммо унинг тўлақон татбиқ этиш бўйича амалий тизим мавжуд эмас.

турли тиббий муассасаларда тиббий диагностика усуллари билан психолого-диагностика усулларини уйғунликда қўллаш касалликлар сабабларини аниқлаш ва довалаш тадбирларини оқилона ташкил этишга хизмат қиласди. Мазкур ҳолатлар мамлакатимизда психологияда тиббий диагностика йўналишида тадқиқотларга зарурат туғдимоқда. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун куйидаги вазифаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

Ўзбекистонда тиббиёт ва психология фанлари интеграциясига эришиш учун жаҳон амалиёти ўрганиш ҳамда унинг ютуқларини маҳаллий мухитга мос тарзда татбиқ этиш;

Ўзбекистондаги тиббиёт ва психология фанлари интеграциясини таъминлаш мақсадида соҳа мутахассислари ўзаро ҳамкорликда фанлар доирасидаги туташ ихтиносликлар бўйича илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш;

жаҳонда тиббий психодиагностикасининг шаклланганлик ҳолати ва Ўзбекистонда тиббий психологик диагностикани жорий этишга бўлган эҳтиёжнинг аниқлаш механизмини шакллантириш ва илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш;

маҳаллий шароитда қўлланилаётган психодиагностика методикалар тизимлаштириш ва уларнинг тиббий психодиагностика мақсадларида қўллаш имкониятларини аниқлаш;

Тиббиёт соҳасидаги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисларининг касбий тайёргарлик босқичларида касалликларнинг диагностика тадбирлари борасидаги ўқув курсларида тиббий психодиагностика масалаларига доир мавзуларни сингдириб бориш.

Тиббиёт ва психология соҳаларидаги етакчи мутахассисликлари ўзаро ҳамкорлигига тиббий психодиагностика йўналишида ўқув адабиётлари тайёрлаш ва уларни таълим жараённida тақдим этиш.

### **3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. КАДРЛАР БОШҚАРУВИДА ПСИХОДИАГНОСТИКАНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.**

#### **Амалий машғулотни амалга ошириш:**

1. Тақдим этилган материал билан танишинг ва кадрлар бошқарувида психодиагностиканинг ўрни ва аҳамияти ҳақидаги шахсий муносабатингизни ифодаланг.
2. Тақдим этилган методика асосида бошқарув тизимидағи раҳбар шахсига доир холосасинг тақдим этинг.

#### **1.Кадрлар бошқарувида психодиагностиканинг ўрни ва роли.**

Сўнгги ўн йилликлар турли соҳаларни психолглаштирининг ортиши билан белгиланди. Таълимда мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари дастурлари болаларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда албатта тузилганлиги, уларнинг ёши, ижтимоий ахволи, алоҳида эҳтиёжлари ва қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда тузилганлиги кузатилди. Ички ва оиласий муносабатлар соҳасида мутахассисларга (психологларга, психотерапевтларга) мурожаат қилиш тенденцияси мавжуд, масалан, сўнгти 90-йилларда бундай мурожаатлар жуда кам эди. Аммо бугунги кунда ҳам мамлакатимизда айрим кишилар психологик ёрдам ходимларига шубҳа билан қарайдилар. Республикаизда психологга мурожаат қилишдан кўра, унинг хиссий тажрибаларини алмашиш, маслаҳат сўраш учун дўсти ёки яқин кишисига маслаҳатга бориши эҳтимоли кўпроқ. Ахлокий қўллаб-куватлаш, албатта, инсон учун зарур ва муҳим, лекин баъзан профессионал қўллаб-куватлаш ҳам фойдалиdir. Бундай неврозлар, руҳий тушкунлик, локайдлик каби тананинг психологик ҳаддан ташқари оқибатларини олдини олиш учун ёрдам беради.

Психологиллаштириш бошқарув фаолиятини сақлаб қолмаган. Келинг, илгари қандай қилиб одамлар ёлланганини эслайлик: таълим муассасаларидан тарқатиш орқали, тақдим этилган тавсияларга кўра ёки бошқа хусусиятларга асосланган (ёқимли кўриниш, оила ёки дўстона муносабатлар ва бошқалар). Шахсий фазилатларни қандай аниқлаганимизни эсланг: биз ходимни узоқ вақт кузатдик, у қандай фаолият турларини бошқалардан яхшироқ бажариши мумкинлигини аниқладик. Бугунги кунда ушбу процедуралар муайян синов машқлари ёки техникага соддалаштирилган. Бу вақтни тежайди ва ташкилот менежерининг ишини осонлаштиради. Ходимларни бошқариш соҳасидаги бу тенденция маҳсус тайёргарликни талаб килади. Тажрибага эга бўлган менежерлар психодиагностик фаолият учун маҳсус тайёргарликка муҳтоҷ бўлиб, "ходимларни бошқариш" йўналишида таҳсил олаётган замонавий талабалар мазкур методларни университетнинг асосий дастури доирасида кўллаш асослари ва йўлларини ўрганадилар. Масалан, Ўзбекистон Миллий университетида университетида "Умумий психодиагностика" узоқ йиллардан бўён бошқарув тизимида психодиагностиканинг қўллаш истиқболлари масаласи ўқитилади. Фаннинг ўткизишнинг кичик амалиёти асосида шуни қайд этиш мумкинки, замонавий талабалар диагностика турларига фаол қизиқадилар, ўзларини ва ўртокларини

ўрганишга интиладилар. Улар психодиагностикага фақат шахсий тадқиқотларда фойдаланиш учун ҳам қизиқадилар.

Шубҳасиз, бу амалиёт бошқа кишилар, уларнинг ходимларини ўрганишда касбий фаолиятда ҳам ёрдам беради. "Психодиагностика" тушунчасининг келиб чиқишига мурожаат киласлиқ. Психодиагностика ўзининг энг умумий шаклида психологик ташхис қўйиш фани ва амалиётидир.

"Диагностика" атамаси нормал фаолият ёки ривожланишдан ҳар қандай оғишни тан олиш, ҳатто муайян объектнинг (алоҳида шахс, оила, кичик гурух, муайян руҳий функция ёки жараённинг) ҳолатини аниқлаш сифатида тушунила бошланди. "Психодиагностика" тушунчаси ҳам шахслар ва гуруҳларнинг профилактик текширувига ўтди. Мамлакатимизнинг аввалги тажрибасидан келиб чиқиб, замонавий ишбилиармонларга психологик диагностикани бошқаришда билимларни ривожлантириш ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишни маслаҳат берамиз. Психодиагностик методлардан фойдаланувчи ишбилиармонлар ва менежерларга уларнинг ходимлари ҳақида муҳим психологик маълумотлар берилади. Ходимларнинг психологик ҳолатини самарали ташхис қилиш учун иккита асосий тамойилга риоя қилиш керак: ташхиснинг узлуксизлиги ва мураккаблиги. Психодиагностиканинг узлуксизлик тамойили ходимнинг психологик ҳолатини ўрганишда ташхис бирёклама бўлмаслиги, яъни унинг ҳолатини фақат тадқиқот пайтидагина баҳолаб бўлмаслигини назарда тутади. Диагностика қилинган инсонда шахсининг шаклланиши, ўсиши, камолоти ва ўзгариш босқичларини таҳлил қилиш керак. Мураккаблик тамойили ходимнинг ўз ҳаётининг турли соҳаларида, масалан, иш вақтида ҳамкаслари билан муносабатлар, мулокот, бошқарув ва бошқарув кенгаши, жамоадаги мавқеи хусусиятларини ўрганишни ўз ичига олади.

Аммо психодиагностик фаолиятнинг асосий тамойили "зарар етказмаслик!", моҳияти унинг шаклланириш аниқ бўлган. Психодиагностиканинг жуда муҳим томони бу фаолият турини бажариш учун шароит яратишdir. Шахс психодиагностикасини ўтказишнинг энг муҳим шартларидан бири мутахассис томонидан касб этикасига риоя қилиш бўлиб, у ташхис қўйилган шахснинг шахсий қадр-қиммати, хуқуқ ва эркинликларини хурмат қилиш мажбуриятини ўз ичига олади.

#### **Психологик диагностикада асосий ахлоқий тамойиллар:**

1. Масъулиятлилик тамойили: психодиагностик текширишнинг барча босқичларида руҳий ва жисмоний саломатликни, хиссий ва соматик қулийликни ва субъектнинг ижтимоий фаровонлигини сақлаб қолиш учун диагностиканинг жавобгарлиги.

2. Компетентлик тамойили: психодиагностик текширув ҳар доим малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади. Психодиагностика ана шу вазифа ва масалаларни ҳал қилишни ўз зиммасига олади.

3. Конфиденциаллик тамойили: психодиагностик шахснинг шахсий розилигисиз натижаларни ошкор қилмаслик. Психодиагностика тажриба тадқиқотининг бир қисми сифатида илмий мақсадларда амалга оширилганда истисно қилинади, лекин бу ҳолда ҳам адабиётлардаги предметларнинг аниқ номлари ва фамилияларини кўрсатиш тавсия этилмайди. Одатда, диагностик фаолият натижалари ошкорга этилмаслиги керак.

4. Илмий амал қилиш тамойили: психодиагностик методлар асосли ва ишончли бўлиши, яъни тўлиқ ишониш мумкин бўлган шундай натижаларни бериши керак.

5. Шахс хукуқларини ҳимоялаш: психодиагностика натижалари текширилаётган шахсга зарар етказиш учун ҳеч қандай ҳолатда фойдаланилмаслиги керак. Агар психодиагностика рақобатли танлов мақсадида ёки шахсни ишга қабул қилишда амалга оширилса, бу тамойил обектга натижаларнинг очиқлиги тамойили билан биргаликда кўлланилади, бу еса унинг нима ва қандай синовдан ўтиши, унинг текшириш натижалари ҳақида маълумот талаб қиласди.

6. Объективлик (холислик) тамойили: тест натижаларига асосланган хulosалар илмий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши ва тест ўтказаётганларнинг субъектив муносабатларига ҳеч қандай боғлиқ бўлмаслиги керак.

7. Самарадорлик тамойили: психодиагностика асосида берилган тавсиялар, албатта, берилган шахс учун фойдали бўлиши керак.

8. Мураккаб диагностика тамойили-бир хил ақлий хусусиятни ташхислашда турли методик методларни бирлаштириш, шунингдек, тегишли руҳий хусусиятларга қаратилган методларни бирлаштириш, диагностик хulosанинг аниқлигини ошириш тамойили. Бошқа ҳар қандай фанда бўлгани каби психодиагностика ҳам ўзининг методологик асосларига эга.

М. К. Акимованинг фикрича, психодиагностика одатда шахсини –унинг руҳий сифатлари, харакатлари, хусусиятлари ва ҳолатларини ўрганишга қаратилган.

Психодиагностиканинг асосий методлари тестлаштириш ва сўров бўлиб, унинг методологик тимсоли ўз навбатида тест ва сўровномалар бўлиб, улар метод деб ҳам аталади. Усуллар кўйидаги хусусиятларга эга: 1) улар диагностик маълумотларни нисбатан кисқа вақт ичида тўплашга имкон беради; 2) улар инсон ҳақида умуман маълумот бермайди, балки муайян хусусиятлар (ақл, ҳавотирланиш ва бошқалар) ҳақида маълумот беради; 3) ахборот сиз бошқа одамлар билан шахснинг сифатли ва миқдорий таққослаш бериш имконини беради шаклида келади; 4) диагностика техникиси орқали олинган ахборот аралашуви, унинг фаолиятини башорат шунингдек ривожлантириш учун прогноз, алокা, ва шахснинг фаолияти самарадорлиги.нуктаи назаридан фойдалидир,

Психодиагностиканинг энг кенг тарқалган тури тестдир.

Энг машхур диагностика усулларидан бири жавоб варианtlарининг мавжудлиги ва шунинг учун танловдир. Аммо замонавий психодиагностик тестлар ишлашнинг бошқа шаклларини кўзда тутади: расм чизиш, сухбат ва бошқалар.

Тест предметнинг маълум бир фаолиятни бажаришини назарда тутади (бу масалаларни ечиш, расм чизиш, расмдан ҳикоя қилиш ва бошқалар бўлиши мумкин.), яъни муайян синовдан ўтади. Тест натижалари асосида тадқиқотчи предметдаги муайян хусусиятларнинг мавжудлиги, хусусиятлари ва ривожланиш даражаси ҳақида хулоса чиқаради. Индивидуал тестлар стандарт топшириклар тўплами ва баҳолаш учун зарур материални ифодалайди; стандарт-топширикларни тақдим этиш тартиби ва натижаларни баҳолаш тартиби.

## **2.Раҳбар ходимларининг шахсий сифатларини баҳолаш методикаси**

Хурматли респондент! Сизга таклиф этилаётган ушбу тасдиқ-мулоҳазаларни дикқат билан ўқинг ва уларнинг хар бирига қуидаги жавоблар вариантидан мосини танлаб, уни жавоб варақаси катагида белгиланг:

1. Тўлик қўшиламан — 2
2. Қисман қўшиламан — 1
3. Қўшилмайман — 0

Агар тест саволномасида келтирилган тасдиқ-мулоҳазани тўлик эътироф этсангиз, жавоб вараги каттакчасига 2 рақамини, қисман эътироф этсангиз 1 рақамини, агар мазкур фикрга мутлақо қўшилмасангиз 0 рақамини ёзинг.

*Тест саволномаси*

1. Қонунларга сўзсиз риоя қилиш керак.
2. Жамоа манфаати шахсий манфаатлардан юқори бўлиши керак.
3. Ҳозир меҳнат жамоаси муаммони ҳал этиш ҳуқуқига эга эмас.
4. Раҳбарларни сайлаш ўз маъносини йўқотган.
5. Ёшлар орасида норасмий харакатларнинг ривожланишга тўсқинлик қилиш лозим.
6. Иқтисоднинг барча соҳаларида, шунингдек, таълим соҳасида ҳам қатъий тартибга эришиш ҳукumat учун зарур.
7. Хусусий тадбиркорлик иши – соғдил одамлар учун мақбул эмас.
8. Сиёsat борасида шахсий мулоҳаза билдириш анча мураккаб.
9. Ҳаммасини ўзим бажаришга уринганим маъқул.
10. Менга буйруқ беришларини ёқтирумайман.
11. Яхши вариант таклиф қилган ҳолда танқид қилиш мумкин.
12. Ўзинг раҳбарлик қилганингда қарор қабул қилиш шахсий масъулият талаб этмайди.
13. Мен принципларимга тўғри келмайдиган ишни бажара олмайман.
14. Ишсизларга нафақа бериш шарт эмас, чунки бу уларни меҳнатга рағбат уйғотмайди.
15. Ҳар бир киши масъулиятли дамларда фақат ўз кучига ишониши ва ўз йўлидан қайтмаслиги лозим.
16. Ўз раҳбаринг қарорларини доимо қўллаб-кувватлашинг ва бажаришинг лозим.
17. Ҳозирги замон сиёсати шунчалик мураккаб ва серқирраки, у билан фақат профессионаллар шуғулланиши керак.
18. Одамлар кимгадир бўйсуниши керак.
19. Мен каттиқ қўллик билан раҳбарлик қилиш тарафдориман, ана шунда ҳолдагина ўз ғояларининг осонлик билан амалга оширишинг мумкин.
20. Раҳбарнинг очик-ойдин шубҳалари жамоани кучсизлантиради.
21. Мен доимо тўғри қарорлар қабул қиласман.
22. Болалар энг аввало вазиятларга мослаша олишлари лозим.
23. Бутун жамоа манфаталари учун баъзида алоҳида инсонларнинг фарновонлигини эътиборга олмаса ҳам бўлади.
24. Менга нимани ва қандай қилиб бажаришимни доимо кўрсатиб туришларини афзал биламан.
25. Болалар ўқитувчининг хатти-харакатларини танқид қилишлари керак эмас.
26. Нима бўлишидан қатъий назар мен бошбодоқликни ёқтирумайман.
27. Айрим кишилардаги тилёғламалик ва макр-ҳийлани бирдан пайқайман.

28. Кимгадир эътиroz билдиrsанг - ўзинга қўшимча қийинчилик туғдирасан.
29. Тушунмаган нарсанг ҳақида ҳеч қачон гапиришинг керак эмас.
Д.Иванцевич ва А.А.Лобанов(1993) фикрига кўра, кадрларни танлаш мақсади барча иш ўринларига номзодлар заҳирасини яратишдан иборатdir<sup>7</sup>. Яни ходимларни танлашдан аввал ташкилотда кадрларни саралаш бўйича барча имкониятлар ишга солиндими ёки йўқми аниқлаб олиш керак. Кадрларни танлашни амалга ошира туриб ходимларнинг оптималь сонини аниқлашга алоҳида эътибор бериш зарур, яъни ходимлар етишмаса ишлаб чиқариш дастурларини бажаришда узилишлар юзага келиши, ишлаб чиқариш травматизми авж олиши, жамоада низоли вазиятлар вужудга келиш эҳтимоли ортиши кузатилади, бу эса маошларга пул маблағларининг кўп сарф қилинишига, сифатли ва юкори малакали меҳнатдан манфаатдорликнинг пасайишига, малакали ишчиларнинг ташкилотдан кетиб қолишига олиб келади. Қисқа қилиб айтганда кадрларни танлаш хусусияти

<sup>7</sup> Иванцевич Д., Лобанов А.А. Человеческие ресурсы управления М., Дело, 1993.Б.224

шундаки, ташкилотдаги кадрлар таркибини унинг олдида турган ишлаб чиқариш вазифаларига мос келишини назорат қилишдир.

Ташкилот стратегияси, унинг тузилмаси, фаолиятнинг асосий йўналишлари ва мақбул ташкилот маданияти ҳақидаги ахборотга эга бўлган ҳолда, кадрларни танлаш билан шугулланувчи персонал керакли ходимларни излаш ва танлаш билан шугулланиши мумкин. Ташкилотни кадрлар билан таъминлашнинг ишчи ва ташки манбалари ажратилади:

### **3. Кадрларни психологик саралаш методлари классификацияси**

Психология доим жуда қизиқарли масалалардан бири – мазкур конкрет инсон қандай одам эканлигини белгиларга қараб аниқлаш масаласини ҳал этишга интилиб келган. Бундай ахборот инсоннинг у ёки бу вазиятдаги хулқ-авторини олдиндан айтиб бериш икониятини беради, бу эса инсон ҳәётининг барча соҳаларида жуда муҳим ҳисобланади. Энг кучли психодиагностик инструмент – интеллект тестлари тарихи 100 йил олдинги даврларга бориб тақалади ва Бине ҳамда Симон ишлари билан бошланади. Шунга ўхшаш тарзда шахсни ўрганувчи тестлар ҳам – шахслик сўровномаси ҳам, проектив методикалар ҳам ўзининг узоқ тарихига эгадир. Бу даврга келиб жуда кўп фойдали психометрик усуслар ишлаб чиқилди. Психологик тестлар ёрдамида шахсни тадқиқ этиш – бу психологик тестларни қўллаган ҳолда шахснинг маълум психологик сифатлари ва хоссаларини текширишдир. Психологик тестларни асосан ўқитиш ва тарбиялашни оптималлаштиришда, ишга қабул қилишда, психотерапия ҳамда психологик консультация ўтказишида, психокоррекция учун қўллайдилар.

А.В.Брушлинский (1991) фикрича инсон бу аввало ижтимоий ривожланиш субъекти бўлиб, ўзини ўзи ривожлантиришнинг фаол субъекти ҳамdir. Индивид томонидан фақатгина ижтимоий тажрибанинг ўзлаштирилиши ҳақида гапириш эмас, балки шахсни ижтимоийлашувнинг фаол субъекти сифатида қарашиб мухимdir. Шу нуткаи назардан караганда индивид аввалдан бошлаб ижтимоийлик хусусиятига эга бўлиб, фақатгина ижтимоийликдан индивидуалликка томон эмас, балки турли йўналишларда ривожланишга кодирдир.

Э.Ф.Фозиев (2010) фикрича, ҳар бир шахс ўз ёш даврига хос муайян ижтимоий муносабатлар эгаси ҳамда унга жамият томонидан кўрсатиладиган кўплаб иқтисодий, сиёсий, ҳукуқий, ахлоқий таъсирларнинг обьекти ҳисобланади<sup>8</sup>. (Э.Ф.Фозиев 2002) Шахснинг характеристи, темпераменти, қобилияти руҳий жараёнларни бошдан кечирганда, меҳнат фаолиятида, турмушда ўзини намоён этади. Демак, психик жараёнлар, психик ҳолатлар ва психик хусусиятларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда алоқадорлик, шахснинг психологик тузилишини ташкил этади. Афсуски, биз баъзан инсон ҳақида фикр юритганимизда соғлик, касаллик ва учинчиси соғликка ҳам, касаллика ҳам кўшилмайдиган бир ҳолат ҳақида фикр юритишимизга тўғри келади.

В.Штерн шахсда олтита типни ажратади: а) назарий тип – шахснинг барча интилишлари борлиқни англашга қаратилади; б) эстетик тип – бундай шахс учун обьектив борлиқни англаш ёт бўлиб, у индивидуал танланганликка эга; в) иқтисодчи тип – бундай шахснинг саъи-харакатларидаги шиори қилиб, кўпроқ фойда (натижага) қаратилган бўлади; г) ижтимоий тип – ҳаётининг мазмунини муҳаббат,

<sup>8</sup> Фозиев Э. Умумий психология. Т. 2010.

муомала ва ўзгалар учун яшаш ташкил этади; д) сиёсий тип – бундайлар учун мансабга интилиш, таъсир ўтказиш ва буйруқ бериш хосдир; е) диний тип-хар қандай воқеани ҳам ҳаётнинг ва дунёнинг моҳияти билан ҳаспўшлашга уринади. В. Штерннинг фикрича, ўтиш даври нафақат идеал ва интилишлар, ҳислар ҳамда фикрларнинг йўналғанлиги, балки ҳаракатларнинг ўзига хос сиймоси (образи) ҳамдир.

Кадрларни психологик саралаш методикалари классификацияси бугунги кунга келиб жуда турли-туман кўринишга эга бўлиб, асосан шахсни, унинг психик хусусиятлари, қобилиятлари, кўникма ва малакаларни эгаллашга лаёқатлари ва х.к.ни ўрганишга қаратилган. Шахсни ўрганувчи тестлар – психодиагностиканинг шундай методларики, улар ёрдамида шахснинг турли томонлари ўрганилади: установкалар, қадриялар, эмоционал, мотивацион ва шахсларро муносабатлар, шунингдек хулқ-авторнинг типик шакллари ҳам. Бундай тестларнинг асосий вазифаси индивиднинг мотивацияси, қизиқишилари, эмоционал муносабатларининг намоён бўлишини аниқлашдан иборат, шунингдек унинг маълум вазиятлардаги хулқ-автор хусусиятлари ҳам аниқланади. Бундай психологик хусусиятларни билиш ҳар бир инсонга ўз ишида максимал даражага эришиши учун ишни қандай ташкил этилиши мумкинлигига кўрсатма ҳам бериши мумкин.

Тестларнинг бир неча юз турлари мавжуд бўлиб, уларни тўғри тушуниш, таҳлил қилиш ва натижаларидан масъулият билан фойдаланиш жуда мухимдир.

Шахслик сўровномаларига темперамент, характер тестлари, мотивация тестлари, эмоцияни тадқиқ этиш тестлари, қобилиятларни ўлчаш тестлари, қадриялар йўналишини аниқлаш методикалари ва бошқалар киради. Бошка бир томондан шахсни ўрганувчи комплекс методикаларни ҳам ажратиш мумкин. Бу методикалар шахс ҳақида ва унинг алоҳида хусусиятлари ҳақида ҳар томонлама маълумотлар беради. Шахслик тестлари ўз ичига қўйидаги шкалаларни олиши мумкин: интеллект, тарбияланганлик (этитет ва масофани ушлаб туришга риоя қилиш), оригиналлик (истеъод ва креативлик), экстраверсия – интроверсия (мулоқотмандлик - тортичоклик), қўшилиш – мустакиллик, ўзини ўзи назорат қилиш – импульсивлик, эмоционал муқимлик – безовталаниш, ўқишига мойиллик – инертлик, ишончлилик (жавобларнинг ижтимоий маъқуллиги).

Шахслик сўровномаларининг юзага келиш тарихи 1912 йилда Эдвард Торндайкнинг шахсада устунлик қилувчи қизиқишиларни аниқлашга қаратилган шахслик тестларини ишлаб чиқилиши билан боғлиқ. Бироқ амалий жиҳатдан тан олинган биринчи тест сифатида Роберт Вудвортс томонидан 1919 йилда ишлаб чиқилган ҳарбийларда неврозларни аниқлаш учун шахслик инвентарийси ҳисобланади. Бу сўровнома ҳарбий хизматда невротик симптоматика мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни саралаш учун мўлжалланган эди(9). Ўша асрлардан бўён ўтган йиллар мобайнида сўровномалар шахсни тадқиқ этувчи психодиагностик методлар сифатида кенг оммавийликка эга бўлди.

Сўровномалар — методикаларнинг кенг гурухи бўлиб, улардаги топшириклар саволлар ва тасдиқловчи фикрлар кўринишида келтирилади, текширилувчининг вазифаси эса ўзи ҳақида баъзи маълумотларни жавоб кўринишида мустақил келтиришидир. Бу методнинг назарий асоси ўзини ўзи кузатиш психологияси интроспекционизмдир. Сўровномалар методи дастлаб ўзини ўзи кузатиш тури сифатида қарала бошлаган эди. Бироқ берилган варианtlарда стандартлаштирилган

характер берилган ўзини ўзи кузатиш жуда кўп расмий белгиларига кўра тестлаштиришга яқинлашади. Сўнгги 50 йиллар мобайнида энг оммавий хисобланган шахслик тести – сўровномаси — MMPI (Миннесот кўп тармоқли шахслик сўровномаси)дир. У нисбатан кўпроқ клиник амалиётда қўлланилади. Агар шахслик сўровномаларининг юзага келиш тарихи шарҳини олиб бориладиган бўлса, аҳамиятли методикаларнинг хронологик рўйхати қуидагича бўлиши мумкин::

- 1927 й. — Эдвард Стронг ўзининг “Касбий қизиқишлилар харитасини” эълон қиласди;
- 1926 й. — Гордон Олпортнинг “Устунлик қилиш-бўйсунишга мойиллик” тести юзага келди;
- 1928 й. — “Шахслик қадриятлари тести” Гордон Олпорт ва Филипп Вернон томонидан эълон қилинади;
- 1940 г. — С. Хатавей ва Д. Маккинли MMPI — гарбда энг оммалашган тестларини тақдим этадилар. Шахслик-фаолиятли тестлар деб аталмиш тестлардан биринчилар қаторида иккита проектив типдаги методикаларнинг ишлаб чиқилишини айтиб ўтишимиз мумкин: Герман Роршах томонидан ишлаб чиқилган “сиёҳ доғлари” методикаси ва ТАТ – тематик апперцепцион тест, унинг муаллифлари Г. Мюррей ва С. Д. Морган(9).

Проектив методикалар шахс хусусиятларини ва интеллектни ўрганишга қаратилган. Улар бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, стандартлаштирилган методлардан қуидагича фарқ қиласди:

- стимулли материал хусусиятлари билан;
- респондент олдига қўйилган вазифанинг хусусиятлари билан;
- натижаларни қайта ишлаш ва интерпретация қилиш хусусиятлари билан.

1. Стимулли материалнинг ажратиб турувчи хусусияти бир хил эмаслиги, камтузилмавийлиги бўлиб, проекция принципини амалга оширишнинг зарурӣ шарти хисобланади. Шахснинг стимулли материал билан ўзаро таъсирга киришишида тузилмалаштириш юз беради, унинг мобайнида шахс ўз ички дунёси хусусиятлари, эҳтиёжлари, низолари, хавотирланиш ва х.к.ларни проекция қиласди.

2. Нисбатан тузилмавий бўлмаган масала, у эҳтимолли жавобларнинг чегараланмаган турли-туманлигини назарда тутади – бу проектив методикаларнинг асосий хусусиятларидан биридир. Проектив методикалар ёрдамида респондент унинг жавобида экспериментатор айнан нимани интерпретация қилишини пайқамайдиган қилиб тест олиб боришидир. Проектив методикалар сўровномаларга нисбатан фальсификацияга камроқ берилади.

3. Проектив методикаларни стандартизация қилиш муаммоси мавжуд. Баъзи методикалар олинган натижаларни объектив қайта ишлаш учун математик аппаратга, нормаларга эга эмас. Улар учун шахсни ўрганишда сифатий ёндашув хос бўлиб, уларнинг ишончлилиги ва валидлигини аниқлашнинг адекват методлари ишлаб чиқилмаган. Проектив методикаларнинг бирламчи кўриниши сўзли ассоциациялар методидир. Мустақил сўзли ассоциациялар методининг юзага келиши юқорида зикр этилган Ф. Гальтон (1822—1911) номи билан боғлиқ. 1879 йилда у ўзининг ассоциатив экспериментларини тақдим этди. Текширилувчига сўз-кўзгатувчига мияга биринчи келган фикр билан жавоб беришни таклиф этиб, Гальтон секундомер воситасида жавоб вақтини белгилаб боради. Кейинчалик бу

методика Э. Крепелин (1892), К. Юнг (1906), Г. Кент ва А. Розанов (1910) ҳамда бошқалар тадқиқотларида ривожлантирилади(5).

Ассоциатив эксперимент проектив методикаларнинг шундай гурухининг юзага келишини стимуллаштириди, булар тугалланмаган гаплар методикасидир. Шахсни ўрганиш учун тугалланмаган гаплар методикаси 1928 йилда А.Пейн томонидан кўлланилди.

Ассоциализмдан ташқари проектив методикаларнинг назарий манбаларини психоанализда – онгиззлик тушунчасида учратиш ҳам мумкин. Онгиззлик дастлаб шахсни сирли ҳаракатлантирувчи сифатида, организмнинг чуқурлигига кўр-кўронга ҳаракат қилувчи мотив сифатида қабул қилинган эди. Онгиззликка нисбатан ақл фақат никоблаштирувчи механизм сифатида каралади. Психолог онгиззлик соҳасига кириши учун ундаги сирли тенденцияларни тушуниш керак, экспериментда онгни алоҳида топшириқларни ҳал этишга йўналтириш зарур, улар онгиззликка алоҳида проектив продукцияда – сюжетсиз сўзли ассоциацияларда, расмларда ифодаланган сюжетли фантазияларда, образлар ва хикояларда акс этади. Айнан шундай топшириқлар проектив методикаларга киритилар эди.

Яна бир машхур ва кўпроқ тарқалган проектив методикалардан бири – ТАТ – тематик апперцепцион тест 1935 йилда американлик олимлар X . Морган ва Г. Мюррей томонидан ишлаб чиқилди(9).

Иккинчи жаҳон урушидан кейин гарб амалий психодиагностикаси учун янги лаборатория ишланмаларининг юзага келиши билан бир қатор илмий ишланмалар ва тадқиқотлар ўтказилди. Ҳар қандай янги тестга у илмий жиҳатдан қандай бўлмасин бундай шароитда классик методикалар билан рақобат қилиш қийин эди. Хаттотки янги компьютер тестлари бир қатор афзаллукларга эга бўлишига қарамасдан классик методикалар билан таққослашга ўзларига йўл оча олмадилар. Замонавий компьютер тестларининг жуда кўп намуналари ҳам ўзларигача мавжуд бўлган оддий қоғозу қаламлар билан ишланадиган методикалардан ўта олмадилар. Фарбда шахслик психодиагностикаси соҳасининг янги илмий йўналишларидан бири семантик дифференциал техникаси ҳам ўз тарафдорларини қийинчилик билан ийғди. (Ч. Осгуд,1962; Дж. Келли, 1996)(2).

Психодиагностикада психологик методикалар класификациясининг бир нечта турлари мавжудки. Улардан кадрларни саралашда психологик воситалар сифатида фойдаланиш мумкин. Улар турли мезонларга кўра бирлаштирилганлар. Қуйида улардан бир нечтасин кўриб чиқамиз.

1. Й.Шванцара бўйича психологик методлар класификацияси(9).

Й.Шванцара психодиагностик методларни гурухларга қўйидаги асосларга кўра ажратади:

1. ишлатиладиган материалига кўра (вербал, новербал, манипуляцион, “қалам ва қоғоз” методлари ва бошқалар);
2. олинадиган кўрсаткичлар сонига кўра ( оддий ва мажмуавий);
3. “тўғри жавобли” тестлар ва турли жавоб эктимоллари мавжуд тестлар;
4. синалавчиларнинг психик фаоллигига кўра: интроспектив (синалавчининг ўз шахсий тажрибаси, муносабатлари ҳақидаги матъумотлари), анкета, сухбат; экстроспектив (турли ҳолатларни кузатиш ва баҳолаш); проектив методлар; бажарувчи. Текширилувчи қандайдир ҳаракатни амалга оширади (перцептив, фикран, мотор).

2. В.К.Гайда, В.П.Захаров бўйича психодиагностик тестлар классификацияси  
Мазкур классификациялар муаллифлари психологик методикаларни қуидаги  
асосларга кўра бирлаштирадилар: сифатига кўра – стандартлаштирилган,  
стандартлаштирилмаган. Кўлланилишига кўра:

о умумдиагностика (сўровнома типидаги шахс тестлари (Р.Кеттелл,  
Г.Айзенк, умумий интеллект тестлари);

о қасбий яроқлилик тестлари;

о маҳсус қобилиятлар тестлари (техник, музыка, учувчилар учун тестлар);

о эришув тестлари;

2. синаловчи қўллайдиган материалга кўра:

о бланкли;

о предметли (Коос кубиклари, Векслер тўпламидан "фигураларни тахлаш"  
);

о аппаратурали (дикъат хусусиятларини ўрганиш учун мослам алар);

3. текширилувчилар сонига кўра: индивидуал ва гурухий;

4. жавоб шаклига кўра: оғзаки ва ёзма;

5. етакчи йўналиш бўйича: тезликка оид тест, кучлиликка оид тест, аралаш тестлар. Кучлиликка оид тестларда масалалар жуда қийин ва уларни ечиш вақти чегараланмаган, тадқиқотчини масала ечиш муваффақияти билан бир қаторда уни ечиш усули ҳам қизиқтиради.

6. масалалар бир хиллиги даражасига кўра: гомоген ва гетероген. (шуниси билан фарқ қиласиди, гомоген ҳолатларда бир бирига ўхшайди ва маълум шахслик ва интеллектуал хусусиятларни ўлчаш учун қўлланилади; гетероген тестларда масалалар турли-туман ва интеллектнинг турли характеристикаларини баҳолаш учун ишлатилади.

7. комплекслилигига кўра: изоляциялашган тестлар ва тестлар тўплами (батареяси);

8. масалаларга жавоблар характеристига кўра: олдиндан ёзилган жавобли тестлар, мустақил жавобли тестлар;

9. психикани жамлаш соҳасига кўра: шахс тестлари ва интеллектуал тестлар;

10. ақлий характерлар характеристига кўра: вербал, новербал.

3. А.А.Бодалев, В.В.Столин бўйича психодиагностик методлар классификацияси: улар қуидаги асосларга кўра психодиагностик методларни бирлаштирадилар:

1. мазкур усул асосига қўйилган методик принциплар характеристикасига кўра:

– объектив тестлар (уларда тўғри жавоб эҳтимоли бор);

– стандартлаштирилган ҳисботлар;

– тест-сўровномалар, очик сўровномалар;

– шкалали техникалар (семантик дифференциал (Ч.Осгуд), субъектив классификация;

– индивидуал-йўналтирилган техникалар (идеографик), масалан репертуар панжаралар;

– проектив техникалар;

– диалогик техникалар (сухбат, интервью, диагностик ўйинлар);

2. психодиагностика қилувчи шахснин диагностика жараёнига бевосита киришиши даражасига кўра – объектив ва диалогик. Биринчисида психодиагност психодиагностика жараёнига минимал даражада киришган бўлади, иккинчисида кўпроқ даражада. Киришиш меъёри экспериментатор шахси тажрибаси таъсири, касбий кўнгилмалари ва диагностик муолажанинг ўзи билан характерланади. Кўйида психодиагностик методларнинг объектив кутбдан диалогик кутбгача бўлган континууми келтирилган.

ОБЪЕКТИВ	ДИАЛОГИК
тестлар күп сўровномалар, шкалали техникалар	сухбат интервью диагностик ўйинлар, патопсихологик эксперимент, баъзи проектив методикалар

Хозирги даврға келиб жуда қүп сонли шахслилик сўровномалари ишлаб чиқилган.

- типологик сўровномалар (шахс типлари аниқлаш базасида ишлаб чиқилади ва текширилувчиларни у ёки бу типга мансублигини аниқлаш имконини беради). Уларга Ганс Айзенк сўровномасини киритиш мумкин.

- мотивлар сўровномалари (масалан, А. Эдвардс сўровномаси);
- кизиқишилар сўровномалари (масалан Г. Кюдер сўровнмоалари);

- қадриятлар сўровномалари (масалан Д. Супер сўровномаси);
  - установкалар сўровномалари (масалан Л. Терстоун шкаласи);  
Ишлаб чикиш асосига кўйилган принципларга мос равишда

Аның инші асебенің күннегінде принциптерге мөс разында күннегінде классификациялар мавжуд:

- омилли сүрвөнмалар, улар уз ичига омилли таҳлилни қамраң болады (масалан Р. Кеттелл сүрвөномаси);
  - эмпирик сүрвөнмалар, мезоний-калитли принцип асосида тузилады (масалан, MMP1).

В. Б. Никандров ва В. В. Новочардов сўрвномаларнинг қуидаги классификациясини таклиф этадилар:

- #### 1. тузилиш принципиға күра:

- а) сўровнмоа-анкеталар;

- б) шахслик сўрвномалари.

## 2. Нисбатан қўлланилиш соҳасига кўра:

- а) төр профилли: клиник; профориентацион; ўқитиш соҳасига оид; менеджмент соҳасига оид ва персонал билан ишлашга доир ва бошқалар.

б) кенг құлланиладиган сұровномалар.

3. диагностика қилинаётган психик ҳодиса шаклига кўра:

а) ҳолатлар сўровномалари;

б) хусусиятлар сўровномалари (шахслик сўровномалари);

в) комплекс сўровномалар.

#### 4. Шахсни тасвирлаш принци

а) қирралар принципини амалга оширув

- бир ўлчовли;

- кўп ўлчовли.

б) типовик сўровномалар.

5. баҳоланаётган макрохарактеристикага кўра:

а) темперамент сўровномалари;

б) характер сўровномалари;

в) қобилияtlар сўровномалари;

г) ошаҳснинг йўналғанлиги сўровномалари;

д) аралаш сўровномалар.

6. бериладиган саволлар формасига кўра:

а) очик

б) ёпик.

Проектив методикалар ичida ҳам олимлар кўпроқ Люшер методикаси ва геометрик фигуранлар методикаларини ажратиб қрасатадилар.

Психогеометрия тести шахсни аниқлашдаги энг қулай ва амалий методика бўлиб, А.А.Алексеева ва Л.И.Громоваларнинг фикрича ҳар қандай кишининг характер типи ва психологик қиёфасини тез ва аник ташхис этишга имкон беради(5). Мазкур методика шахснинг характерологик хусусиятларини аник ва равшан бир шаклда тавсиф этиш билан бирга турли ҳаётий вазиятларда киши ўзини қандай тутишини, хатти-харакатларини билишга ёрдам беради .

Психогеометрия методикаси илк бор АҚШда ишлаб чиқилган (5)бўлиб, унинг муаллифи Сюзен Деллингер ҳисобланади. Бинобарин, методикани ўтказиш тартиби жуда оддий бўлиб, унинг талқини ҳам унчалик катта қийинчилик тутдирмайди. Биринчи танлаган шакл бу текширилувчининг асосий, марказий шакли ҳисобланади. Бу шакл унинг устунлик қилувчи муҳим характер хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Колган тўртта шакл биринчи (асосий) шакл хусусиятларини у ёки бу даражада “безаб” туриши мумкин. Охирги шакл эса синалувчининг тегишли хусусиятни рад этишини, яъни унга мос келмаган хислатни кўрсатади.

Демак, ҳар бир шакл ўзида муракаб психологик жиҳатларни қамраб олади ва қўйида уларнинг қисқача психологик тавсифи келтирилади.

Биринчи жаҳон уруши давридан бошлаб психологлар инсонни ўзиги хос сифатларини ўлчашга мўлжалланган методларни хизматдаги мувафаққиятларни, келажагини олдиндан айтиб бериш учун яратган эдилар. Бу методикаларнинг мақсади даражани аниқлаш ва турли мавқеларга нисбатан мос келувчи номзодларни танлашдан иборат эди. Маълумки, индивидуумнинг кучли ва заиф жиҳатларини баҳолаш, унинг қобилияtlари ва лаёқатлари ҳақида маълумоти тўғрисидаги гувоҳномалар ва иш тажрибаси ҳақидаги маълумотлардан кўра кўпроқ нарсани билишга ёрдам беради. Бу соҳадаги кўпгина тадқиқотлар тестларнинг қай даражада аниқлиги, келажакдаги касбий мувафаққиятни белгилашга қаратилган сухбат ва бошқа танлов методларига қаратилган бўлиб, қўйдаги икки фундаментал муаммога эътибор қаратилган эди:

Қандай қилиб кадрлар танлаш бўйича мутахассис кабул килинган ходимларнинг келажакда унумлироқ фаолият юритишига эришиши мумкин?

Қандай қилиб, хизмат масъулияtlари муваффаққияти даражасини кадрлар қарори тўғрилигини баҳолаш орқали ўлчаш мумкин? Дастребки маълумотлар қарама-карши натижаларни берган эди. Бир тадқиқотда белгиланган метод

хизмат вазифаларини бажаришнинг келажагини яхши айта олган бўлса, бошқа тадқиқотларда танлов методи нисбатан ишончсиз натижаларни кўрсатган эди. 1970 йилда бир метод турли шароитда турлича натижка бериши аниқланди. Бу шуни билдирап эдик, хар сафар янги шароитда маҳсус тадқиқотлар ўтиказилганда методларнинг валидлиги аниқланиши зарур. 1980 йилда маълумотларни статистик тахлил этиш соҳасидаги янги ютуқлар ушбу нуктаи назарга эътибор қаратишга мажбур қилди. Танлов методлари натижаларидаги бундай қарама-қарши методлар валидлигини тадқиқ этишда танловлардаги инсонларнинг камлиги билан изоҳланди. Барча мавжуд тадқиқотларнинг натижалари бирлаштириш орқали танлама шакллантирилганда натижалар бирмунча ишончли кўрсаткичларни намоён этади. Бу шуни кўрсатдики, кадрлар танлашнинг кўпгина кенг тарқалган методлари ўрганилаётган лавозим ва инсон характеристикаларига мос келса, етарлича аниқ малумотларни бера олади. Бунга мисол сифатида стажёр-менеджер лавозимиға номзодлар танлаш учун психометрик тестларни кўлловчи «Трафалгар Хаус Груп» деп номланувчи қурилиш бўлимини кўрсатиш мумкин. Аниқландики, тестлардан фойдаланган ҳолда номзодлар танланганда олдинги менеджерларга нисбатан янги менеджерлар ўртасида ишдан бўшаш ҳолати камаяди, шу билан бирга муваффақият даражаси ортади. Бундан кўриниб турибдики, маълум лавозим доирасида систематик равиша ишлаб чиқилган методлар яхши натижка беради.

Шу билан бир қаторда унумлилик тахлили бўйича ишланмалар белгиланган аниқлик билан кадрлар танлашда потенциал молиявий фойда сифатида ҳам баҳоланиши мумкин. Масалан, полицияда катта офицерларни юқори бошқарув курсларига ўқитиш мақсадидаги **танловда ассесмент-центрас** методидан кўлланилганда унумлилик тахлили 800 минг фунт стерлинг микдоридаги фойдани кўрсатди. Бу ютуқлар кадрлар бўйича мутахассисларга бошқа бошқарув соҳалари бўлмиш маркетинг молия, хўжалик бўлимлари ва бугалтериялар билан тенг хукуқли рақобатдошлиқ асосида ташкилотда мавжуд ресурсларни кўлга киритиш имкониятини берди. Афсуски, танлов методлари бўйича ўтиказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўпгина корхоналар классик трио – ариза бланкаси, ихтиёрий тарзда ўтиказилувчи сухбат ва олдинги иш берувчилардан маълумотлар йигишига таянганлар. Бунда маълумотларнинг ишончлилик ва валидлик даражаси камроқ хисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, йирик корхоналар баҳоловчи марказлар ва психометрик тестлаштиришга ўз қизиқишиларини билдирсаларда, танлов методларида кўпгина корхоналар натижаларнинг аниқлиги эмас, балки вақтни тежашга ўз эътиборларини қаратадилар. Тадқиқот натижаларини амалий кўллашда сезиларли ортда қолиш мавжуд бўлса ҳам, психологик тестларга эга бўлиш уларни кўллаш конкрет муассаса учун танлов методикаларини ишлаб чиқиши мақсадида касбий фаолият психологияси бўйича консультантларга мурожаат этиш имконияти мавжуд.

Кадрлар танлаш методикаларини қўллашда аниқ устунликлар мавжуд бўлсада, охирги тадқиқотларда индивидуумнинг психологик ҳолатига бу методикаларнинг натижаси негатив таъсир кўрсатиши мумкинлиги аниқланди. Маълум бўлдики, номзодлар конкрет иш талабларига жавоб берувчи танлов методикаларига катта эътибор қаратар эканлар. Бу фактни хисобга олиш

ташкылтларга белгиланган фойда келтириши мүмкин. Масалан, профессионал вазифаны бажариш тести мавжуд бўлган методикалар номзодларга ўз касбий тайёргарлигини баҳолашга имконият беради, бунинг натижасида кадрлар оқими пасаяди, яхши мотивациялашган инсонларда эса нокулай вазиятлар юзага келишини минималлаштирган холда юқори натижаларга эришишини стимуллаштиради. Бунга қарама-карши равишда номзодларнинг иш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган танлов жараёнларини улар адолатсиз деб биладилар ва уларга бу жараёнлар ёқмайди.

Сўнгги йилларда кадрларни танлашда номзод билан сұхбат ўтказиш ижтиомий ўзаро таъсир жараёни сифатида баҳоланмоқда. Бироқ бу жараёнда сұхбат ўтказувчи томонидан ҳам, номзод томонидан ҳам ўзаро нотўғри фикрларнинг шаклланиб қолиши эҳтимоли жуда кўп тадқиқотчилар томонидан эътироф этилмоқда. Бундай муаммолар анъанавий, тузилмага эга бўлмаган сұхбатларда кўпроқ кўзга ташланмоқда. 1981 йилда атрибуция назариясига таянган холда Хэрриот анъанавий кадрлар танлаш сұхбатларининг жуда паст валидлiği ва ишончлилигини қайд этиб ўтади ва бунинг сабабини катнашчиларнинг ўз ролларини етарлича тушунмасликлари, сұхбат ўтказувчиларнинг номзодлар хулқ-атвори ҳақида нотўғри хуносага боришлири билан боғлайди. Шунингдек, бу ерда номзод ёки сұхбат ўтказувчининг фундаментал атрибуция хатосини, яъни бошқанинг хулқ-атворини шахсллик омилларига боғлашини таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, сұхбат ўтказувчи, яъни кадрларни танлаш билан шуғулланувчи мутахассислар кўпинча номзодларнинг сұхбат пайтидаги безовталанишларини улардаги юқори безовталаниш, бесаранжомлик, бехотиржамлик билан боғлашади, ваҳоланки, кўпинча номзодлар учун ишга олиш пайтидаги сұхбатнинг ўзи стресс ҳисобланади ва безовталаниш бундай ҳолларда табиий. Хэрриот ва Ротвелл (Herriol and RothweU, 1991) тадқиқотларида шу нарса маълум бўлдики, кадрларни танлаш билан шуғулланувчи мутахассислар номзод жуда кўп ўзи ҳақида гапирганини қайд этсалар, аксинча ишга даъвогар номзод улардан ташкылт ва вакант лавозими ҳақида гапириб беришларини кутар экан. Номзодлар ўзлари ҳақида қанчалик кам маълумот берсалар, сұхбат тказувчиларга улар шунчалик кам савол берганлар. Номзодлар қанчалик кам савол берсалар уларни мазкур лавозимга лаёқатли деб топилиш имкониятлари шунчалик юқори бўлар экан. Бу шуни кўрсатадики, инсон ҳақидаги фикр кўпинча унинг хулқ-атвори ролли (*in-role*) ёки ролли эмас (*out-of-role*)ли билан белгиланади. Ролли хулқ-атвор алоҳида аҳамиятга эга номалар, шартшароитларга амал қилишдан иборат, инсон хулқ-атвори унинг шахсий афзал билганлари таъсирида ҳаракат қилишида намоён бўлади. Бироқ сұхбат ўтказиш вақтидаги қоидалар етарлича аниқ эмас ва турли ташкылтларда турлича бўлиши мүмкин, натижада сұхбатда катнашувчи томонлар бир-бирларини ўрнатилган қоидаларни бузган деб ҳисоблашлари мүмкин. Ролли ва ролдан ташқари хулқ-атвор вербал хулқда (нимани гапирайти), новербал хулқда(имо-ишоралар тили), артикулятив хулқда (масалан, овознинг баландлiği, нутқ тезлиги ва х.к.) ва ташки кўринишда (масалан, кийимида) намоён бўлиши мүмкин. Хулқ-атворнинг мазкур барча шакллари ишга жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилишда ёки ташкылт ёхуд номзод томонидан рад жавобининг берилишида катта таъсир кўрсатиши мүмкин. Вербал, новербал ва артикуляцион хулқ-атвор муҳимлигини қараб чиқиши мақсад қилиб қўйган тадқиқотлар реал сұхбатларни кузатиб ѿ шуни

аниқладики, кадрларни танлашда ҳал қилувчи қарор қўпинча гапирилаётган гап асосида чиқарилар экан. Номзоднинг ўзини хотиржам тутиши ва ташки қўриниши ҳам маълум аҳамиятга эга экан. Бироқ қарор қабул қилишда кўз қарашларига қараб ҳам хулоса чиқарилар экан, масалан номзодлар сұхбат пайтида кўзларини олиб қочсалар, кам қулсалар ва беҳаловат ўтирасалар қўпинча ишга қабул қилинмас эканлар. 1990 йилда Нил Андерсон ва Вив Шаклетон томонидан олиб борилган тадқиқотлар номзоднинг ишга қабул қилинишида унинг новербал хулқи, айникса кўз қаралари, мимикаси, кўл ҳаракатлари, танасини ушлаши муваффақият келтирганини исботлаган. Бундан ташқари номзод сұхбат ўтказувчига қанчалик ёкиши у билан мос келиши ҳам муҳим роль йўнаган.

Кадрлар танлашда қўлланиладиган методикалар классификациясида касбий билимларга тестлари ҳам муҳим ўрин тутади. Бунда номзоднинг касбига оид билимлари кўлами баҳоланади. Мазкур тестлар ёрдамида эг муҳим касбий билимларнинг икки тури баҳоланади:

**Ишни бажариш учун зарур бўлган технологик билимлар, иш самарасини таъминловчи жараёнлар ва баҳоловчи мезонларни билиш, булар номзоддаги тажриба ҳамда қобилиятлар ва унинг касбий эришувлари ўртасидаги боғловчи бўғиндир. Бироқ касбий билимлар борасидаги тестлар конкрет лавозим ва унинг турлари учун маҳсус белгиланган бўлиши керак. Масалан, кемасозлик заводидаги пайвандловчи машинасозлик заводидаги пайвандлаш учун мўлжалланган қурилма ва технологияни қўлламайди.**

Юқорида таъкидланганидек, замонавий кадрлар танлаш психологиясида аассессмент-марказ турли ташкилотлар ва ишлаб чиқаришда кадрларни танлашда оммавийлашиб бормокда, улар 60%ни ташкил этмоқда.

Ассесмент-марказлар факатгина кадрларни танлашда эмас, балки ишчиларни аттестация қилиш, хизмат пиллапоясидан кўтаришда ҳам қўлланилмоқда. Мазкур методнинг бундай оммавийлашувини унинг доирасида қўлланиладиган турли-туман баҳолаш методлари, бир нечта экспертларнинг иштирок этиши номзод ҳақида ҳар томонлама ва объектив тасаввурларни тўплаб бериши билан боғлаш мумкин. Таъкидлаш жоизки ассесмент-марказлар танлаш жараёнини тасвирилаш учун қўлланилади. Бунда карларни танлашдаги барча асосий танлов методлари интеграциялашган ҳолда қўлланилади(намунага оид ишни бажариш тести, тузилмавий сұхбат, қобилиятлар, билим, кўнікма ва малакалар ҳамда шахслик сифатларини аниқлаш бўйича ёзма тест), уларнинг натижасида бир номзодга унинг умумий рейтингини кўрсатувчи баённома тузилади. Мазкур метод ёрдамида 6 ёки 8 кишидан иборат гурухларда раҳбарлар ва психологлар иштироқида икки уч кунларда баъзида ҳафта давомида саралаш ишлари олиб борилади. Бунда гурухда баҳолашнинг устунлиги номзодларнинг гурухий динамикасида намоён бўлади ва бунда номзод фаолиятининг турли томонларини баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

Яна бир методлар классификацияси когнитив тестлардир. Жуда кўп мутахассислар фикрича, когнитив тестлар конкрет ташкилот шароитларига йўналган ва етарлича даражада ишончли бўлиши керак. 1970-йилларнинг охиirlарида Джека Хантер ва Фрэнк Шмидт ишлари психологларга кадрлар танлашда қўлланилиши мумкин бўлган ишончли когнитив тестлар мажмуасини қўллаш имконини берди. Бироқ бунда муаммо туғилиши мумкинки, агар кадрлар саралаш билан шугулланувчи шахс

профессионал психолог бўлмаса когнитив тестлар натижаларини интерпретация қилиши жуда мушкул бўлади. Таъкидлаш жоизки, баъзи вазиятларда кадрларни саралашда когнитив тестларни кўллаш ўринсиз бўлади, масалан, олий ўқув юртлари талабаларини ишга саралашда. Бундан ташқари, умумий ақлий қобилияtlар тестларини кўллаш ҳакида қарор қабул қилишга диққат билан қараш лозим.

Биографик маълумотлар методи ҳам кадрларни саралашда кенг қўлланиладиган методлар сирасига киради. Мазкур методда ҳам фақат унинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлар бор. Бошқа методлардан фарқли томони шундаки, ҳаёт давомидаги маълум ҳодисалар ёки номзоднинг хусусиятлари билан бўлажак касбий фаолият ўртасидаги статистик алоқадорлик ҳисобга олинади. Биографик маълумотларни иккита асосий усул орқали олинади: анкеталарнинг стандарт бланклари ва биографик сўровномалар. Бу икки методлар ўртасидаги асосий фарқ олинадиган ахборот сони ва типидадир. Анкеталарнинг стандарт бланкларида маълумотлар кўламининг етарлича чегараланган криниши берилади, масалан ёш, оиласвий ахвол ва аввалги иш жойлари ҳакида маълумотлар. Биографик сўровномалар асоси да эса номзод ҳаёти ҳакида тўлиқ ва батафсил маълумотга эга бўлиш мумкин. Мазкур сўровномалар шунингдек баъзи психологик компонентларни, масалан назорат локусини, номзоднинг мустақиллиги, интилувчанлигини ҳам аниқлаб бериши мумкин, шу тариқа биографик сўровнома шахслик тестлари ролини ҳам бажариши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, замонавий рекрутментда кадрларни саралаш методлари класификацияси жуда кенг қўламга ва мазмунга эга бўлиб, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

#### 4. Кадрларни психологик саралаш мезонлари

Кадрлар танлаш муаммосини илмий жиҳатдан америкалик олим Ф.Парсонс ўргангандан бўлиб, 1908 йилда у қўйидаги тамоилиларни ишлаб чиқади(1,4):

- 1) инсон ўз индивидуал сифатлари, энг аввало касбий ахамиятли қобилияtlар бўйича айнан битта касбга мос келади.
- 2) касбий мувофақият ва касбдан қониқиш индивидуал сифатлар ва касб талабларининг мос келиши билан боғлик.
- 3) Касбий танлов англанган жараён бўлиб, бунда инсоннинг ўзи ёки касбий консультант психологик ёки физиологик сифатлар мажмуасини белгилайди ва уни касб талаблари билан солишиди. Касбий саралаш характеристикалари ичидан Ф.Парсонс аввалимбор, англанганлик ва рационалискни ажратади ҳамда уларни индивиддаги қобилияtlар, кизиқишилар ва қадриятлар ҳамда уларни турли касбларда амалга ошириш имконияти ўртасидаги келишув сифатида тушунади. Айнан мана шу назария асосида жуда кенг профессиографик материал тўпланди ва

тахлил қилинди, касблар классификацияси ишлаб чиқилди, касбий танлаш ва инсоннинг у ёки бу касб талабларига мос келиши даражасини аниклаш максадида касбий саралаш принциплари ва схемалари ишланди.

Кадрларни саралашдаги йирик ва туб ўзгаришлар XX асрнинг 20-йилларида юз берди, бунда ишлаб чиқаришда Тейлор томонидан илгари сурилган меҳнатни ташкил қилиш тизими кенг кўлланилди. Тейлор тадбиркорнинг максимал даромадини ҳар бир ишчининг максимал муваффакияти билан боғлашни таъминлаш зарурлигини таъкидловчи концепцияни илгари суради. Тейлор концепцияси асосида инсонларни бошқариш меҳнатни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим масаласи ётади. Тейлор алоҳида эътиборни кадрларни излаш ва саралаш, шунингдек раҳбар касбий компетенциясини баҳолашга қаратади. Тейлор тизимида тўртта асосий принципи ажратиш мумкин(1,3,4):

1. Бутун персоналнинг малака ва кўнимкамаларини умумлаштириш классификациялаш;
2. Илмий ўрнатилган белгилар асосида қатъий саралашни амалга ошириш;
3. ходимларни рағбатлантиришнинг изчил ўйлаб чиқилган тизими;
4. ишчилар ва бошқарувчи ўртасида меҳнат ҳамда масъулиятни тақсимлаш.

Тейлор фикрича, инсон ишлаб чиқаришда аниқ талабларга, қатъий иерархия ва меҳнатнинг изчил тақсимланишига эга бўлган тузилмавий муҳитга тушиши керак. Бунда моддий манфаатдорликни бозор иқтисодиёти шароитидаги меҳнатнинг рационал мотиви сифатида кўллаб, ишнинг оптималь режимига ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш мумкин. Маълумки, АҚШ, Германия, Францияда Тейлор тизими асосида кадрларни танлашнинг хусусий тизимлари ишлаб чиқилган. Рационал ёндашув ҳали хануз замонавий бошқарувда, айниқса конвейерли технологияларда кенг кўлланилмоқда.

Ф.Тейлорнинг “илмий менежмент” концепцияси асосида М.Вебернинг меҳнатни ташкил этишининг социологик назарияси, А.Файолнинг административ назарияси ва Л.Гюлиқ, Дж. Муни ҳамда Л.Ф.Урвик(3) томонидан бошқарувнинг синтетик концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур ёндашувларни классик ёндашувлар деб баҳоласа бўлади. М.Вебернинг социологик концепциясида ташкилот шахсиз механизм ҳисобланиб, асосий қоидаси аниқ ва хатосиз ишлаш ҳамда бунда максимал даромад олишдир. Вебер назарияси асосида кўйидаги холатлар илгари сурилади:

- 1) ташкилот ўз мақсадларига эришиш усусларини танлашда мустакилликка эга;
- 2) индивидлар бир-бирини ўрнини босадиган бўлиши керак;
- 3) ташкилотдаги меҳнат индивид мавжудлигининг асоси бўлиши керак;
- 4) индивид хулқ-атвори аниқ ва битта схема орқали белгилаб қўйилган бўлиши керак.

А.Файолнинг административ концепциясида 14 та “максим” ажратилади, масалан, меҳнатнинг тақсимланиши, ягона раҳбарлик принципи, умумий манфатларнинг хусусий манфаатлардан устунлик қилиши, штатлар жадвалининг муқимлиги  
ва  
х.к.  
Л.Гюлиқ, Дж. Муни ва Л.Ф.Урвик ишлаб чиқаришни ташкил этишининг учта принципини таклиф этадилар: мутахассисликка йўналтириш, назорат ва ягона

рахбарлик.

Инсоний муносабатлар концепциясига Э.Мейо томонидан илгари суралган машхур Хоторн экспериментлари асос бўлди. Мазкур экспериментлар давомида ишлаб чиқаришнинг турли омиллари ўрганилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, меҳнатни ташкил этишининг объектив омиллари ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас экан. Тадқиқотчилар ишчилар учун кутилмаганда улар меҳнати шароитларини яхшиладилар – иш давомида қўшимча танаффуслар ташкил қилишди, компания ҳисобига иккинчи нонушта беришди, иш кунини кисқартиришди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб борди. Бироқ мазкур имтиёзларни бекор қилишганда ишлаб чиқариш самарадорлиги пасаймади. Ишчилардан нима учун улар яхши ишлашда давом этаётганларини сўрашганда улар “ахир сиз бизлар ҳакимизда шунча қайғуриб, ғамхўрлик қилдингиз-ку” деб жавоб беришди. Шундай хулосага келиндики, меҳнат самарадорлигига раҳбарлик усуллари ва ўзаро муносабатлар мароми таъсир кўрсатар экан. Э.Мейо томонидан олиб борилган кейинги экспериментларда одамларнинг ижтимоий хулқ-атвори фақатгина турли гурухий нормалар функцияси эканлиги маълум бўлди. Кизиги шундаки, Ф.Тейлор ҳам гурухий ишнинг мазкур феноменига эътибор қаратган эди.

Маълумки, кадрларни саралашда энг аввала унинг мотивларини ҳисобга олиш муҳимдир. Хулқ-атвор ва фаолият мотивацияси муаммоси психологиядаги етакчи муаммолардан бири ҳисобланади. Уни тадқиқ этиши психология назарияси учун ҳам, амалиёт учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мотивация жаҳон психологиясида кенг ўрганилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, мотивация борасидаги Э.Гозиев, З.Фрейд, X.Хекхаузен, К.Левин, Дж.Аткинсон, Т.Мерфи, А.А.Файзуллаев ва бошқалар ишлари мавжуд.

Муваффақиятга эришиш мотивацияси борасида Корнадт (1990), X.Хекхаузен (1990), М.Мюррей(1998), В.Орлов,(1990), Мак-Келланд(1998) бошқалар тадқиқотлар олиб боргандар(13,14).

Кўпгина муаллифлар ишларида мотив эҳтиёжларнинг акс этиши ва намоён бўлиши сифатида қаралган. Мотивация соҳаси ўз ичига ундашнинг барча турларини қамраб олади: мотивлар, эҳтиёжлар, қизиқишилар, интилишилар, мақсадлар, майллар ва х.к. Кенгроқ маънода олиб қараганда мотивация умуман хулқ-атвор детерминациясидир.

Психолог-тадқиқотчилар ишларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, улар мотивацияни тушуниш ва унга таъриф беришда мотивациянинг динамик ва мазмуний томонлари бирлиги ҳақидаги ҳолатдан келиб чиқадилар.

Э.Гозиев фикрига кўра инсонларга алоқадор мотив ва мотивация тушунчалари қўзгатувчилар ва қўзғовчиларнинг барча турларини ўз ичига олади, чунончи, мотивлар, эҳтиёжлар, қизиқишилар, мақсадлар, интилишилар, мотивлашган установкалар ва бошқалар.<sup>9</sup>

С.Л.Рубинштейн (1990) фикрича “мотивация бу психика орқали амалга ошириладиган детерминациядир... бу унинг акс эттирилиши воситасида инсон хулқ-атворининг субъектив детерминация қилинишидир”<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> Э.Гозиев, А.Жабборов. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси. Т. 2003. 11-бет

<sup>10</sup> С.Л.Рубинштейн. Основы общей психологии. М. 1990. 232-бет

Инсонлар фаолият мотивациясини ўрганиш психологиянинг кўпгина йўналишлари ичida энг қизикарлиси ҳисобланади, чунки фаолият натижалари кўпинча инсонни фаолиятга нима ундашига боғлик бўлади. Тадқиқотчилар фикрига кўра, ижод мотиви сифатида инсоннинг фаолият натижаларини яхшилашга интилиши тушунилади, у муваффакиятга эришиш мотивацияси деб аталади.

Ю.М.Орлов фикрича, бу муаммода инсоннинг фундаментал ижтимоий эҳтиёжларидан бири – муваффакиятга эришиш эҳтиёжи ётади. Бу эҳтиёж инсоннинг илгари эришган даражасидан ўзб кетища, аввал бажарган ишини бу сафар яхшироқ бажариш, муаммони оригиналроқ ечишга интилиш борасида доимий ўз-ўзи билан мусобақалашиш кетади. Бу эҳтиёж инсонни узоқроқ мақсадларни кўзлашга ва уларни амалга оширишда изчил харакат қилишга ундаиди.

Муваффакиятга эришиш эҳтиёжлари улуғ бўлган шахслар “Эришувчи шахслар” деб аталади, бундай одамлар қандайдир фаолиятнинг аввалги ва кейинги бажарилиш даражаси ўртасидаги тафовутларни идрок этишдан қоникиш ҳосил қиласидилар, чунки бу тафовут улар учун эмоционал жихатдан алоҳида аҳамият касб этади.<sup>11</sup>

Инсон ҳаёт тарзи, унинг касби, бўш вақтида нима билан шуғулланишига боғлик равища муваффакиятга эришишга эҳтиёж кенг диапазонда намоён бўлиши мумкин. Ю.М.Орлов фикрича “Эришувчи шахс ихтиро, рационализаторлик таклифи, янги назария яратиш устида мавқе учун ёки расмий тарзда ёхуд моддий рағбатлантириш учун ишламайди, балки бу фаолият унга биринчи навбатда улкан қоникиш бериши учун ҳам харакат қиласиди. Бундай одамлар фаолияти ҳар оим ҳам тан олинмайди ва мукофотланмайди.

Муваффакиятга эришиш эҳтиёжларини шаклланиши ҳакида гап кетганда шуни таъкидлаш жоизки, бу эҳтиёж ижтимоий эҳтиёждир. Олимлар муваффакиятга эришиш мотивациясининг шаклланишида бир қанча омилларни санаб ўтадилар.

Муваффакиятга эришиш ва муваффакиятдан қочишга мотивлаштирилган одамлар хулқ-атвори қуидагича тафовутланади. Муваффакиятга эришишга йўналган одамлар одатда ўз олдиларига фаолиятда муваффакият деб ҳисобланадиган ижобий мақсад қўядилар. Уларда интилиш аниқ намоён бўлади, қандай бўлмасин улар ўз фаолиятларида факат муваффакиятга эришишга харакат қиласидилар шундай фаолиятни излайдилар, унга фаол киришадилар, қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган воситаларни ва харакатларни маъқул танлайдилар. Бундай одамларда когнитив соҳада одатда муваффакиятни событлик билан кутиш мавжуд. Қандайдир ишга киришганда улар албатта муваффакиятни ҳисобга оладилар ва унга эришишларига ишондилар. Улар қўйилган мақсадларига эришиш учун йўналтирилган харакатларининг қўллаб-кувватланишини кутадилар, булар билан боғлик ишлар уларда ижобий эмоцияларни юзага келтиради. Бундан ташқари улар учун ўзларининг барча захираларини тўла ишга солиш ва эътиборини қўйилган мақсадга қаратиш ҳосдир. Муваффакиятсизликдан қочиш мотивацияси устунлик қилган одамлар ўзларини бошқача тутадилар. Уларда фаолиятдаги аниқ мақсад муваффакиятга эришишда эмас, муваффакиятсизликдан қочишда намоён бўлади. Уларнинг барча фикрлари ва харакатлари ана шунга бўйсундирилган бўлади. Дастрраб муваффакиятсизликка мотивлашган инсон ўзида ишончсизликни

<sup>11</sup> Ю.М.Орлов. Потребность в достижении. Хрестоматия по общей психологии. М. 1998 й. 65-бет

намоён қилади, муваффакиятга эришишига ишонмайды, танқиддан күркәди. Айникса муваффакиятсизликка учраш эхтимоли бўлган ишлар билан унда салбий эмоционал кечинмалар боғлиқ бўлади, у фаолиятдан кўнгли тўлмайды, фаолият унга малол келади. Натижада у голиб эмас, омадсиз бўлиб қолади. X. Хекхаузен(1994) фикрича, муваффакият мотивацияси устунлик қилган одамлар тез, лекин кам фойда берадиган ҳамда узок муддатли, лекин катта фойда берадиган иш ўртасида танлаш юзага келганда кўпинча иккинчисини танлайдилар, муваффакиятга мойиллиги паст одамлар эса ҳозирги ишга боғланиб қоладилар. Шунингдек, таъкидланадики, муваффакиятга мотивлашганлар “катта мақсадлар”га эътиборларини тўплайдилар, улар узок вақтни ўз ичига олган, режалаштиришни таақозо этадиган, қарор қабул қилиш жараёнини ўз ичига олган топширикларни афзал кўрадилар. Улар муваффакиятга бирданига эришиши хуш кўрмайдилар, бинобарин улар етарлича кута оладилар. Муваффакиятга эришиш ва муваффакиятсизликдан қочиш мотивациялари етакчилик қиласиган одамларда ўз муваффакиятлари ва омадсизликларини тушунтиришда ҳам тафовутлар кузатилади. Муваффакиятга интилевчи ўз ютуғини ўз қобилиятларига боғлиқлигини таъкидласа, муваффакиятсизликдан қочишга интилевчилар ўз қобилиятларини қарама-қарши ҳолатда таҳлил қиласиганлар. Муваффакиятдан хавфсираганлар ўз муваффакиятларини тасодифий ҳолатларга боғлб тушунтирадилар, муваффакиятга интилевчилар эса ўз омадсизликларини шундай тушунтирадилар. М.Ш. Магомед-Эминов(1996) фикрича, мотивациянинг маълум механизмлари мавжуд бўлиб, у мўлжалларни амалга оширишни бошқарувчи ва назорат қилувчи вазифаларни бажаради. Уларга қуидагилар киради: рациоал стратегиялар, эмоционал таъсиirlар, вазиятни назорат қилиш вақтни тақсимлашни назорат қилиш. Бунда муваффакиятга интилиш мотиви мавжуд синалувчилар ўзини ўзи назорат қилишнинг қуидаги усулларини қўллайдилар:

1) амалий фаоллик – ҳаракатнинг аҳамиятини қўтаришга йўналтирилган рационал стратегия;

2) долзарб вазиятда билиш ва эмоционал жараёнларни йўналишини ушлаб туришга мажбур қилувчи ўз ўзига берилган йўриқномалар;

3) фаолликка йўналтирилган эмоционал назорат (ўз-ўзидан қониқмаслик, жахл ва х.к.).

Муваффакиятсизликдан қочиш мотивларига эга бўлган синалувчилар ўзини ўзи назорат қилишни қуидаги усулларидан фойдаланадилар:

1) умумий мақсаднинг аҳамиятини қадрсизлантирувчи рационал стратегиялар;

2) вазиятнинг ноактуал жабхаларига чалғимасликка мажбур қилувчи ўз-ўзига йўриқномалар;

3) релаксацияяга (хотиржам бўлиш, ўз-ўзига ишонч ва х.к.) йўналтирилган эмоционал назорат. Эришиш мотиви шахснинг барқарор характеристикаси сифатида биринчи маротаба Г.Мюррей томонидан ажратилган ва ниманидир тез ҳамда яхши қилишга, қандайдир ишда маълум даражага эришишга интилиш сифатида тушунилган. Кейинги тадқикотлар жараёнида бу мотивнинг Д. Мак-Клелланд ва X. Хекхаузен томонидан ўрганилиши икки мустақил мотивацион тенденция аниқланди: муваффакиятга интилиш ва муваффакиятсизликдан қочиш. Эришиш мотиви бу холатда инсон ўз имкониятлари даражасини оширишга қанчалик интилишини кўрсатади. Россия психологиясида эришиш мотивацияси М.Ш.

Магомед-Эминов, Т.В. Корнилова, И.М. Палей ва бошқа бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. Мамлакатимизда Э.Ф.Фозиев, М.Г.Давлетшин, А.А.Файзулаевлар бу муаммо юзасидан тадқиқотлар олиб боргандар.

Г. Миоррей фикрича, мұваффақиятга эришиш әхтиёжи қуйидаги түшунчалар билан характерланады: қандайдыр кийин ишни бажариш; жисмоний объектлар, одамлар ёки ғояларга нисбатан бошқариш, манипуляция қилиш, ташкил қилиш; буни иложи борича ёлғиз ўзи ва тез қилиш; түсікіларни енгіб ўтиш ва мұваффақиятга эришиш, такомиллашиш, бошқалар билан рақобатлашиш ва улардан ўзиді кетиш, іқтидорини амалға ошириш ва бу билан ўзини ўзи хурмат қилишни ошириш.

М.Ш. Магомед-Эминов мұваффақиятта эришиш мотивациясини аффектив ва когнитив жараёнларнинг ягона интеграциялашған функционал тизими сифатида баҳолайды, бу тизим фаолият жараёнини унинг бутун амалға оширилиш жараёни давомида бошқарып турады. Фаолиятни мотивациян бошқариш жараёнида маҳсус вазифаларни бажарувчи тузилмави компонентларни санаб ўтиш мүмкін: долзарблаштириш мотивацияси (фаолиятта ундаш ва ташаббус күрсатыш) селекция мотивацияси ( мақсадни ва унга мос ҳаракатни танлаш) амалға ошириш мотивацияси ( ҳаракатнинг бажарылышы ва мүлжайларны амалға оширишни назорат қилишга қаратылған), кейинги мотивация( ҳаракатни тұхтатышга ва бир ҳаракатни бошқаси билан алмаштырышга йұналтирилған жараёнлар). Экспериментал тадқиқотлар шуну күрсатады, эришиш мотивациясини долзарблаштирувчи асосий механизмлардан бири вазиятни эмоционал-мотивацион баҳолаш бўлиб, у вазиятнинг мотивациян ахамиятлилігі ва эришиш вазиятида баҳолаш компетентлігі асосида шаклланади. В.Н. Вилюнас (1989) фикрича мұваффақият эмоцияларини функционал белгилаш шундан иборатки, улар мақсадга бирламчи ундашни кучайтиради ва қўллаб-қувватлайды, мұваффақиятсизлик эмоциялари эса бу ундовчини ушлаб туради ёки инкор этади.

Чет эл психологларидан Дж.Аткинсон (1999) мұваффақиятта эришиш мотивациясининг биринчи расмийлаштирилған моделини илгари суради, бу модель мазкур соҳада ишлаб чиқилған кейинги моделларга асос вазифасини ўтади. Аткинсон ёндашувининг манбалари К.Левин майдон назариясига бориб тақалади. Аткинсон олдинга ахамиятли қадам ташлайды, яъни у кутилма - қадрият ўзгарувчиларига учинчи мотивацион ўзгарувчини қўшади. Бу мотивлардаги индивидуал тафовутларнинг хулқ-атвор динамикасига таъсирини ҳисобга олиш имконини беради. Дж.Аткинсон бўйича мақсадга эришишга йұналтирилған хулқ эришишнинг натижавий тенденциясига кўра аниқланади, бу тенденция мұваффақиятта интилиш ва мұваффақиятсизликдан қочиш тенденцияларининг биргалиқдаги ўзаро таъсирида юзага келади. Муаллиф мотивларни шахсни умумлашған нисбатан турғун диспозициялари сифатида тушунади. Мұваффақият әхтимолининг ўсиши унинг қадриятини оширади ва аксинча. Дж.Аткинсон К.Левин ва бошқаларнинг маълум чегараларда мұаффақият қадри топшириқ мураккаблигининг ҷизикли функцияси эканлиги ҳақидаги ғояларини ривожлантиради: топшириқ мураккаблиги ортиб борган сары унинг қадри ҳам ортиб боради. Инсон ўзига осон түюлган ишни бажаришдан катта хурсандчилик ҳис этмайди ва аксинча жуда қийин ишни бажарғанда ўзи учун жуда катта ғуурни ҳис қиласи.

В.И.Степанский (1998) фаолиятни бошқаришга муваффакиятга эришиш ва муваффакиятсизликдан қочиш мотивациясининг таъсирини ўргана туриб, шундай хуносага келадики, эришиш эҳтиёжи муваффакиятга эришиш интилишга ягона ундовчи эмас ва уни ана шу интилиш жадаллиги орқали ўлчаш тўғри бўлмайди. Шунингдек, унинг фикрича, аниқ ифодаланган муваффакиятга муваффакиятсизликдан кўркиш билан биргаликда ҳам кечвиши мумкин, айниқса муваффакиятсизлик субъект учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса.

Шундай қилиб, хуоса қилиш мумкинки, кадрларни психологик саралашда шахснинг мотивацион соҳасини тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади, зеро кадрларнинг фақатгина бирламчи эҳтиёжлари, яъни яхши маош, қулай иш ўрнига эга бўлиш эҳтиёжларидан ташқари юқори даражали эҳтиёжлар, хусусан, муваффакиятга эришиш мотивацияси ҳам кадрлар танлаш психологиясидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланиб, жуда кўп тадқиқотчилар мазкур муаммо борасида тадқиқотлар олиб борганлар. Ҳозирги вактда учта назария мавжудки, улар инсонни ҳаракатга ундовчи мотивларни тушунтиришга ҳаракат қиласи:

- 1) Муваффакиятга эришиш эҳтиёжи назарияси;
- 2) Атрибуция назарияси;
- 3) Максадга эришиш назарияси.

Мазкур назарияларни муҳокама қилиб чиқамиз.

1) Муваффакиятга эришиш эҳтиёжи назарияси: мазкур назария ҳам шахслик, ҳам вазиятли омилларни хулқ-атворнинг энг муҳим кўрсаткичлари сифатида ҳисобга олувчи мажмуавий моделдан иборат. Бу назарияни бешта компонент ташкил қиласи:

а) шахслик омиллари ва мотивлар. Ҳар қандай инсон учун муваффакиятга эришишнинг иккита асосий мотиви ҳарактерлидир, булар муваффакиятга эришиш ва муваффакиятсизликдан қочиш мотивлари. Муваффакиятга эришиш мотиви у ёки бу ҳаракатни бажаришдан қоникиш ёки ғуурни ҳис этиш имконияти сифатида таърифланса, муваффакиятсизликдан қочиш – муваффакиятсизлик натижасида уят ёки камситилишни ҳис қилишдир. Мазкур назарияга асосан бизнинг хулқ-атворимиз ана шу мотивларнинг ўзаро мутаносиблиги орқали аниқланади. Хусусан, юқори муваффакиятларга эришган инсонлар учун муваффакиятга эришиш мотивациясининг юқори кўрсаткичлари ва муваффакиятсизликдан қочиш мотивациясининг паст кўрсаткичлари хосдир. Улар ўз қобилиятларини баҳолашни ёқтирадилар, муваффакиятсизлик ҳакида ўйлаб ўтирумайдилар. Юқори муваффакиятларга эришмаган шахслар учун эса, муваффакиятга эришишнинг паст кўрсаткичлари ва муваффакиятсизликдан қочишнинг юқори кўрсаткичлари хосдир. Улар доим муваффакиятсизлик ҳакида ўйладилар ва ундан кўрқадилар.

б) вазиятли таъсиirlар. Шахснинг ҳаракетли хусусиятларининг ўзи асосида хулқ атворни аниқ прогноз қилиш мумкин эмас. Вазиятни эътиборга олиш зарур. Муваффакиятга эришиш эҳтиёжи назарияси иккита моментни ўз ичига олади: вазиятда муваффакият эҳтимоли ва муваффакиятнинг ундовчи аҳамияти. Муваффакият эҳтимоли ким билан мусобақалашишга ва топширикнинг қийинлигига боғлиқ бўлади.

в) натижаловчи тенденциялар. Муваффакиятга эришиш эҳтиёжи назариясининг учинчи компоненти натижаловчи бихевиористик тенденция бўлиб, у инсон муваффакиятга эришиш моти даражаларини маълум вазиятга нисбатан қараб

чиқиши билан белгиланади. Мазкур назария муваффақиятнинг 50 га 50 эҳтимолли прогнозлашда самаралидир. Юкори муваффақиятларга эришган одамлар бундай вазиятдан илҳомланадилар, чунки уларга тенг келадиган ракиблар билан мусобақалашиш ёки енгил бўлмаган вазифаларни бажариш ёқади. Катта муваффақиятларга эришмаган инсонлар енгил вазифаларни ёқтиришади, чунки уларнинг фикрича бунда муваффақият кафолатланган. Баъзида улар жуда қийин вазифаларга интиладилар, чунки улардан ҳеч ким муваффақият кутмайди. Муваффақият эҳтимоли 50га 50 бўлгандага улар ҳаддан ташқари ҳаяжонланиш ва безовталаниш ҳис қиласидар, бу эса заиф қатнашиш эҳтимолини оширади. Улар бу вазиятдан қоча олмасалар, муваффақиятсизликдан қочиш эҳтиёжининг юкорилиги туфайли ҳаяжонга тушиб қоладилар

г) эмоционал реакциялар (гурур ва шармандалик). Юкори муваффақиятларга эришадиган одамлар ҳам, эришмайдиганлар ҳам табиийки, ғуурни ҳис этишни маъқул кўрадилар, бироқ уларнинг шахслик хусусиятлари вазиятли омиллар билан турлича ўзаро таъсирга киришади, бунда ё ғуурда ёхуд шармандаликда кўпроқ дикқатни тўплашга мажбур қиласиди. Биринчилари кўпроқ ғуурда, иккincinnilari эса шармандалика ўз эътиборларини тўплайдилар.

д) Муваффақиятга эришиш хулқи. Муваффақиятга эришиш эҳтиёжи назариясининг бешинчи компоненти аввалги тўртта компонент хулққа қандай таъсир кўрсатишини кўрсатади. Катта муваффақиятларга эришган одамлар кўпроқ мусобақавий топшириклирни излайдилар, оралиқ таваккални ёқтирадилар ва баҳоловчи вазиятларда яхшироқ қатнашадилар. Катта муваффақиятларга эришмайдиган одамлар мусобақавий вазиятлардан қочадилар.<sup>12</sup>

## 2) атрибутив назария:

Бу назария одамлар ўз муваффақиятлари ва ютқазишларини қандай тушунтиришларига асосланган. Мазкур назарияга асосан муваффақият ва муваффақиятсизликни ҳар қанака тушунтиришнинг минглаб вариантларини бир нечта категорияга бўлиш мумкин. Асосий категория бу ерда мукимлик нисбатан доимий ёки доимий бўлмаган омил), каузаллик ёки сабабийлик (ички ва ташқи омил) ва назорат (назорат остида бўлган ёки бўлмаган омил). Спортчилар ўз натижаларини қандай тушунтиришлари уларнинг кутилмалари ва эмоционал реакцияларига таъсир кўрсатади, бу эса ўз навбатида муваффақиятга эришиш мотивациясига таъсир кўрсатади.

## 3) мақсадга эришиш назарияси:

Мақсадга эришиш назариясига мувофиқ, учта омил ўзаро таъсир этган ҳолда инсон мотивациясини белгилаб беради: эришиш мақсадлари, таъсирчанлик ва эришиш хулқи. Инсон мотивациясини тушунтириш учун унинг учун муваффақият ва муваффақиятсизлик қандай аҳамиятли эканлигини аниқлаш зарур.<sup>13</sup>

Шундай қилиб, том маънода мотивация – бу кенг тушунча бўлиб, ўз ичига ҳаракатлар йўналиши ва жадаллигини бошқариш жараёнини олади. Мотивация ҳакида реал тасаввур олиш учун спорт фаолиятига номотивацион таъсирларни

<sup>12</sup> Гогунов Е.Н. Психология физического воспитания и спорта: учебное пособие для студентов высш. пед. учеб заведений./ Гогунов Е.Н., Мартынов Б.П. – М.: Издательский центр «Академия», 2002. 47-49-бетлар

<sup>13</sup> Ўша ерда. 49-бет.

аңглаш зарур, шунингдек мотивацион омилларнинг тез ўзгариш имкониятини аниқлашни ўрганиш лозим. (Ю.А.Коломейцев, 2004).

Мотив – маълум фаолликка, эхтиёжларни маълум усул билан қондиришга ундаш. Агар эхтиёж фаоллик манбаи бўлса, мотивлар бу фаолликка маълум йўналиш беради ва инсонни мазкур йўл доирасида ушлаб туради. Мотивлар нима учун айнан у ёки бу мақсадлар кўйилаётганлигини, уларга эришишга интилиш кучаяётганлигини тушуниш имконини беради. Спорт фаолияти учун мотивларнинг турли-туманлиги характерлидир. Бу жисмоний ва руҳий зўриқишилар билан тушунтирилиши мумкин, инсон нима учун зўриқаётганини билиши зарур.

Херцбергнинг касбий эхтиёжлар класификацияси ҳам мотивацион-гигиеник модель сифатида баҳолаиб, унга кўра ишдан қониқиши қўйидаги омилларга боғлиқ эканлиги таъкидланади:

- муваффакиятлар (малака) ҳамда муваффакиятнинг тан олиниши;
- шунчаки иш (ишга ва берилган тиширикка қизикиш);
- масъулиятлилик;
- хизмат пиллапояларидан кўтарилиш;
- касбий ўсиш имконияти. Мана шу омилларнинг хаммасини Херцберг “мотиваторлар” деб атайди.

Ишдан қониқанликка қўйидагилар таъсир кўрсатади:

- бошқарув усули;
- ташкилот ва маъмурият сиёсати;
- меҳнат шароитлари;
- иш жойидаги шахслараро мунсоабатлар;
- меҳнат ҳақи;
- иш муқимлигига ишонмаслик;
- ишнинг шахсий ҳаётга таъсири.

Мазкур ташки омиллар “контекст омиллари” ёки “гигиеник” омиллар номига эга бўлди.

Кадрларни саралаш мезонлари ҳақида гап борар экан, таъкидлаш жоизки, мотивацион соҳадан ташқари, ҳар бир касб учун зарур бўладиган маҳсус шахслик хусусиятлари, қобилиятлар, кўнукма ва малакаларни эгаллашга лаёқат даражалари ҳам ҳисобга олинади. Масалан, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун кўйиладиган талабларга келсак, эмоционал барқарорлик, сабр-токатлилик, касбий компетентлилик, болалар психологиясини яхши билиш, коммуникатив қобилият тақт,

эмпатия ва

бошқа хусусиятларни келтириш мумкин. Умуман социономик типдаги касбларда, яъни “субъект-субъект” тизимига асосланган касбларга ишга кирувчиларда ана шу хислатлар биринчи ўринда талаб этилиши ҳеч кимга сир эмас. Хуқуқ-тартибот органларига ишга қабул қилинувчи номзодларга ўзига хос талаблар кўйилади, масалан, шахслик хусусиятларидан ташқари яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлиш, стрессга барқарорлик, қатъиятлилик, мардлик, кутилмаган вазиятларда ҳаракат қила билиш, бир катор когнитив хусусиятлар талаб этилади. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган фирма ва компанияларда жамоада ишлай олиш қобилияти, коммуникатив хусусиятлар, тадбиркорлик, стрессга барқарорлик ва шунга ўхшаш зарур хислатлар номзодда бўлиши афзал кўрилади.

## **5. Кадрларни саралаш методларини амалиётда татбиқ этиш, уларни амалга ошириш тартиби ва алгоритми**

Одатда кадрларни саралаш биргина эмас, балки уларни атрофлича ўрганишга мүлжалланган бир неча усуллари мавжуд. Номзодларни саралашнинг комплекс методлари ўзида қуидагиларни қамраб олади:

- Олдиндан саралаш (белгиланган шаклда номзод ҳақидаги ахборотлар тўплаш, дастлабки сұхбат ва интервью);
- Номзод ҳақида ахборот тўплаш (ўзга кишилар ёрдамида);
- Шахслик сұровномалари;
- тестлар: интеллект, махсус қобилиятлар, қизиқишилар, касбша яроқлилик ва бошқалар;
- кадрларни гурӯхий методлари;
- муаммони ҳал этиш;
- ишни синааб қўриш;
- ўзини ўзи қайд этиш;
- сұхбат, интервью.

Методлар кадрликка номзоднинг танлашга ёндашувга боғлиқdir. Улар ҳар хил бўлади. Масалан, бугунги кун тажрибажаларда американча ва японча ёндашув мавжуд (26)

### **Америка фирмалари:**

Номзодни талаб этиладиган иш ўрнига мос келиши;  
-лавозим, мажбурият, меҳнат шароитига; меҳнатдаги хулқ-авторга мослиги.

### **Япон фирмалари:**

-ходимнинг таълим олганлик ва шахслик имкониятларига йўналтирилган;

Кадрларни саралаш ҳам ташки, ҳам ички бўлади.

Кадрни ички саралаш мавжуд меҳнатта муносабатини ўзгаришига қараб амалга оширилади:

- ички жойлашув, кадрнинг мақсадли ривожланиши, резервларни шакллантириш ва фойдаланиш;
- ишни ташкил этишдаги ўзгаришлар; юқори даражали татбиқ этиш, кўп сменали иш тартиби.

Кадрларни ташки саралаш йўли:

- ходимни ижара ҳақидаги шартномасини тузиш;
- сараплашда воситачилик, вербовка, традицион методлар, эълон, меҳнат биржаси орқали янги меҳант шартномаларини тузиш орқали.

### **Дастлабки интервью**

Бўш ўринларга номзодларни излаш дастлабки сұхбат- кадрлар хизмати (ахборот алмашиниш билан бошланади (котиб), кадрлар бўлими инспектори, кадрлар бўйича менеджер) билан лавозимга даъвогар ўртасида ахборот алмашишиниш тарзда амалга оширилади. Дастлабки интервью орқали амалга оширилган маълумотлар номзоднинг бўш ўринга мос қобилиятга эгами ёки йўқлигига боғлиқdir.

Дастлабки сұхбатнинг яна бир мақсади номзоднинг иш ва муассасага бўлган қизиқиши билан боғлиқdir.

Дастлабки сұхбат, номзоднинг ўзи ҳақидаги маълумотлар шаклини тұлдеришидан олдин ёки ундан кейин амалга оширилиши мүмкін.

Сұхбат одатада кадрлар сарашлишнинг маркази ва асосий методи саналади. Сұхбатни амалга ошириш бир қатор факторларға бояғып бўлади. Сұхбатни ўтказишга тайёргарлик учта таъсир кўрсатувчи манбаларни ҳисобга олиб амалга оширилади:

- номзод томонидан;
- иш берувчи ташкилот томонидан;
- интервъер томонидан.

#### **Сұхбатни ташкил этишда иштирок этувчилардан талаб этиладиган жиҳатлар**

<b>Номзод томонидан</b>	<b>Муассаса томонидан</b>	<b>Интервьюер томонидан</b>
<p>1) ёши, жинси, миллати ва бошқалар</p> <p>2) саломатлиги .</p> <p>3) маълумот даражаси</p> <p>4) иш тажрибаси</p> <p>5) касбий қизиқиши.</p> <p>6) Мавқега интилиши.</p> <p>7) психологияк характеристикалар: интеллект, мотивация ва бошқаларга қаратилган .</p> <p>8) Саралаш сұхбатига иштирок этиши тажрибаси.</p> <p>9) Номзоднинг иш, компания ва бошқаларга муносабати</p>	<p>1) Ташкилотнинг сиёсий, иктисадий ва хукукий жиҳатлари .</p> <p>2) Бошқарув тизимида ходимларни саралаш жараёндаги ўрни.</p> <p>3) Саралаш тизимида сұхбатнинг ўрни.</p> <p>4) Кадрларни саралашда сұхбатдан амалий фойдаланиш.</p> <p>5) Жисмоний шарт-шароитлар: сұхбатга вазиятни қўйлайлиги, конфиденциаллик, сұхбатлашувчилар миқдори ва бошқалар .</p> <p>6) Сұхбатнинг структурали типлари.</p> <p>7) Ушбу вакансияга қанчалик тез тұлдериш.</p>	<p>Жинс, ёш, миллат ва бошқалар Аҳволи.</p> <p>Психологик характеристикалар: интеллект, мотивация ва бошқаларга қаратилган . Ишга талабни идрок этиш</p> <p>Номзод билан илк танишув.</p> <p>Интервюнинг мақсади. Бу тоифа сұхбатларни ўтказиш тажрибаси Қарор қабул қилиш ваколати.</p>

Номзод билан интервью атрофлича ўйлаб режалаштирилган бўлиши лозим.  
**Интервью типлари.**

Кадрларни саралаш мақсад ва вазифаларга боғлиқ тарзда ҳар хил интервью типлари бўлади:

—структуралашган (бир қатор қайд этиб бориладиган саволлар тўплами асосида);

—структуралашмаган (эркин шаклда ўтказидиган);

—эмоциоанал зўриқиши шароитда интервью (махсус стрессли вазият ташкил этилади);

—панелли (махсус тузилган комиссия ўтказидиган);

—гурухий (номзодлар гурухи билан интервью);

—биттама битта.

Интервьюдан ташқари кадрларни саралашнинг яна бир қатор методлари мавжуд. Улар қуидаги жавдалдаги тарзда амалга оширилади.

#### 1-жадвал

#### Кадрларни саралашда ҳар хил усулларни ташки қўлланиш частотасининг фоиз хисобида

Саралаш усуллари	Малакасиз ходимлар	Ўқитиш учун сараланган ёшлар		Малакали ходимлар	Рахбарликка тайинламаётган ходимлар	Ёш мутахассислар	Ҳар хил раҳбарлик лавозими учун ходимлар таркиби		
		Техник	Савдо-сотик				Кўйи	ўрга	Юкори
Номзодларнинг аризасини баҳолаш	80	93	99	89	97	95	98	97	93
Қўшимча маълумотлар-тавсиялар	12	6	4	14	19	11	37	64	68
Кадрлар бўлими томонидан режалаштирилган сухбат	19	48	62	39	60	68	57	58	49
Кадрлар бўлими томонидан режалаштирилмаган сухбат	52	28	28	41	41	28	40	47	35
Мутахассислик бўйича режалаштирилган сухбат	11	15	20	21	32	32	36	37	35
Мутахассислик бўйича режалаштирилмаган сухбат	52	25	19	56	65	40	53	48	45
Гурӯхдаги сухбат ёки дискуссия	0	18	35	1	10	33	17	12	11
Шахсни тестдан ўтказиш	2	10	10	3	6	7	7	8	5
Психофизик характеристикалар	5	39	40	5	5	11	4	3	2
Ақлий қобилиятлар	2	28	35	0	5	8	4	2	0
Биографик сўров	9	10	12	12	11	17	16	15	15

Ишни бажаришини синаб кўриш	8	27	12	22	17	12	9	9	8
Тиббий экспертиза	71	70	60	72	54	53	52	53	53

Юқоридаги ҳолатлардан қўринаядики кадрларни саралаш билан боғлиқ вазиятларда кўпроқ номзодларнинг аризасига алоҳида эътибор қаратилар экан ёки кадрлар билан боғлиқ сухбатни амалга оширилиши белгиловчи рол ўйнар экан.

#### 2-жадвал

#### Кадрларни муассаса ичida саралашда қўлланиладиган методларнинг қўллаш частотаси фоиз ҳисобида

Саралаш усуллари	Малакасиз ходимлар	Малакали ходимлар	Ўргача салоҳиятили ходимлар	Ён мутахассисларни	Ҳар хил раҳбарлик лавозими учун ходимлар таркиби		
					Қўйи	Ўрта	Юқори
Сухбат (интервью)	70	78	91	72	83	84	77
Бевосита раҳбарнинг тавсияси	64	73	70	48	86	83	74
Ходимларнинг фикри	36	43	66	59	73	72	57
Топширикларни синов муддатли бўйича бажариши	14	32	34	26	40	34	20
Ишни бажаришини синаб кўриш	8	18	11	5	5	3	2
Шахсни тестдан ўтказиш	20	18	7	7	5	7	8

Кадрларни саралаш билан боғлиқ жаҳон тажрибасида бир хилликни кузатиш қийин. Шу сабабли биз ўрганган маълумотларда жаҳон тажрибасида қуйидаги ҳолатларни келтириб ўтиш мумкин бўлади.

#### 3-жадвал

#### Жаҳон мамлакатларининг айримларида кадрлар саралаш бўйича фойдаланиладиган методикаларнинг аҳамиятлик кўрсаткичи (фоиз ҳисобида)

Методикалар	Мамлакатлар (%)	
	Франция	Англия

Кобилият тестлари	49	70
Шахслилик тестлар	42	64
Баҳолаш марказлари	19	39
Графология	77	3
Астрология	25	0

Агар юқоридаги баҳолаш даражаларидан келиб чиқиб ва психодиагностикада фойдаланиладиган қобилиятларни баҳолаш методларини қуидаги жавдал бўйича келтириб ўтамиш:

4-жадвал

	Қобилиятлар	Мухим баҳолаш методлари
1.	Иқтидор: — интеллект — кўриш ўткирлиги — реакция ва бошқалар	Интеллект тестлари, моторикани баҳолаш тестлари ва сенсор қобилиятни баҳолаш тестлари
2.	Иқтидор: интеллект кўриш ўткирлиги реакция ва бошқалар	Интерактив методлар (сұхбат, гурухда дискуссия ўтказиш )
3.	Мотивация: — таваккал қилишга тайёрлик — «бирдан ҳаракатланишга тайёрлик» ва бошқалар	1. Натижаларга эришганлик мотивацияларини баҳолаш тестлар 2. Номзоднинг ҳужжатлари 3. Интервью
4.	Шахслик хусусиятлари: Эмоционал барқарорлик ва бошқалар	1. Тестлар ( сўровномалар) 2. Стресс-интервью
5.	Касбий қобилиятлар ва билимлар	1. Тестлар ( ишни бажаришини синаб кўриш) 2. Номзоднинг ҳужжатлари (дипломни баҳосига ва бошқалар)
6.	Касбий тажриба	1. Номзоднинг ҳужжатлари (мехнат фаолияти) 2. Сұхбат

Ходимликка номзодларни излаш ва уларни топиш билан боғлиқ ҳолатни қуидаги тартибда амалга ошириш мухимdir:

### 1-схема. Номзодларни саралаш мазмуни

Номзодни излаш: Ушбу мутахассисга бўлган талабни аниклаш

Дастлабки маълумотлар: Биографиси билан танишиш; Малакасини ўрганиш;  
Телефон орқали алоқага чиқиш; Маълумотларни гурухлаш;


Номзодлар билан сұхбатлашиш: касбий тайёргарлик даражасини аниклаш; психологияк қиёфасини ўрганиш

100



Номзодларни саралашнинг навбатдаги холатини эса уларнинг саралаш босқичларини қуийдаги тартибда амалга оширишни мақсадга мувоғиқ деб ҳисоблаймиз.

### **2-схема. Номзодларни саралаши босқичлари**



## **Номзод шахсини психологик таҳлил қилиш технологияси**

### **5-жадвал**

**Кадрлар билан ишлаш жараёнида уларнинг меҳнат мухити  
талабаларига жавоб беришини баҳолаш учун  
“Ўзини ўзи баҳолаш шкаласи” тавсия этилади:**

**Ф.И.Ш. Б. С.**

*Шахслилик, ишчанлик ва касбий фаолиятни белгиловчи сифатлар*

№	Хулқ-автор кўрсаткичлари	Баҳо шкаласари									
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Хизмат тошириқларини бажариш								+		
2.	Ишнинг сифати								+		
3.	Лавозимга компетентлиги								+		
4.	Ишни мустақил бажара олиши					+					
5.	Тартиб-интизомга риоя қилиши								+		
6.	Ишончлилиги						+				
7.	Юқлатилган мажбуриятларни бажариш							+			
8.	Меҳнатга муносабати								+		
9.	Касбга муносабати										
10.	Эҳтиёткорлиги								+		
11.	Малакасини оширишга интилиши						+				
12.	Ҳамкасларига муносабати								+		
13.	Жамоат ишларига иштироки									+	

**Жами балл: 115 балл**

Ўзини ўзи баҳолаш бўйича хулосалар:

Номзоднинг имзоси:

Танишиб чиқилди: \_\_\_\_\_ раҳбарнинг имзоси

күрсаткичининг 88 % ташкил этди. Ўзини ўзи баҳолаш нуқтаи назаридан унинг ишга қабул қилиш мумкин.

Ушбу тақдим этилаётган маълумотнинг холислигини таъминлашда эса мазкур методиканинг эксперт баҳолаш усули асосида баҳолаш тавсия этилади. Бунинг учун ходимнинг учта яхши биладиган муассасанинг раҳбар ходимлари баҳолашлари сўралади. Уларнинг натижаси навбатдаги профилни ифодаловчи б-жадвалдан кузатиш мумкин.

## **6-жадвал**

**Кадарлар билан ишлаш жараёнида уларнинг меҳнат мухити талабаларига жавоб беришини баҳолаш учун “Аттестация учун баҳолаш шкаласи” тавсия этилади:**

Ф.И.Ш. *БС*

## *Шахслилик, ишчанлик ва касбий фаолиятни белгиловчи сифатлар*

Жами балл:202/ 101-78 %

- 1.Ходим баҳоси:104-80 %**
- 2.Бўлим бошлиги:98-75%**
- 3. Муассаса раҳбари \_\_\_\_\_**

### **Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришни фаоллаштириш методикаси (Н. ПРЯЖНИКОВ)**

Методиканинг мақсади-юкори синф ўқувчиларида касб-хунар меҳнатига тайёрлигининг англашини ривожлантиришдан иборат.

Методикадан гурухий ҳамда индивидуал маслаҳатларда фойдаланиш мумкин. Гуруҳда иш олиб бориш ўқувчининг касб-хунарни танлашга тайёрлигини аниқлашда қўйл келади. Индивидуал тарзда иш олиб борилганда эса ўқувчининг касб-хунарга қобилиятини, бирор бир фаолиятга мотивациясини, бирор бир касб-хунарни танловини ёки шахсий англаш даражасини ёритиши имконини беради.

“Тайёр бўл!” методикасини бошқа фаоллаштирувчи сўровномалар сингари ҳеч қачон кескин психодиагностик восита сифатида қараш ярамайди. Унинг асосий мақсади –инсоннинг ўзини билиши ва шахсий имкониятлари ҳақидаги фикрларини фаоллаштиради, шундай ёки ўзгача ўз тақдирини ўзи муваффақиятли белгилашини таъминлайди.

#### **Методикани ўтказиш тартиби**

Ўқувчилар психологнинг ёрдамида тоза оқ варақ катакларида жавоблар бланкасини чизади. Сўнгра психолог ўқувчиларга йўриқномани тушунтиради. У ўқувчиларга ҳар хил меҳнат ҳаракатлари акс эттирилган рўйхатини тақдим этишини айтади. Ўқувчилар ўзининг камолотининг ушбу босқичида ҳаракатлардан ҳар бирини муваффакиятли бажара олишини баҳолашлари керак. Бунда ўзини ўзи баҳолаш учун 0 дан 10 гача бўлган балл шкаласидан фойдаланилади. Агар у ёки бу ҳаракатни бажариш ўқувчиларда кийинчлилк туғдирса, унга паст балл қўядилар. Мабодо улар бу ҳаракатни енгил бажара оламан деб ҳисобласалар, акс ҳолда юқори балл беради. Бу ерда ўқувчиларнинг хоҳиш-истагларига эмас, балки уларнинг имкониятлари ва қобилиятлари ҳақида сўз бораётганлигига эътибор қаратишлари зарур бўлади. Барча баллар “ўзини ўзи баҳолаш” графасидаги тасдик рақамининг ўнг томонига ёзилади.

Психолог “Меҳнат ҳаракатлари рўйхати”ни ўқийди, ўқувчилар жавоблар бланкасида ушбу ҳаракатлардан ҳар бирини бажаришга қанчалик тайёр эканликларини баҳолайдилар. Бошқа фаоллаштирувчи методикалар билан қандай ишлашда психолог алоҳида тасдиқларни ойдинлаштириши ва шарҳлаши мумкин. Мазкур методикани шарҳлаш бундай ҳолга йўл қўйиб бўлмайдиган “замонавий тестлардан” фарқ қиласади. Бир қатор тасдиқларни ўқишида, масалан, “Ифлос, исқирт” ишни бажариш (нохуш ҳид, чанг,

шовкун кузатиладиган (№17)) ўқувчилар мақсадга мувофик айнан уларнинг қобилияtlари ҳақида сўз бораётганлигини эсга тутган ҳолда баҳолашлари тўғри келади. Ҳаттоқи, агар “ифлос” иш (ёки бошқа яққол ўзига жалб қилмайдиган меҳнат ҳаракатлари) кимгадир жуда нохуш, бироқ у ҳаммаси шундай бўлса ҳам уларни енгил бажара олса юқори балл кўйиши кузатилади. Аксинча, агар бирор бир ҳаракат ёқса-ю, аммо уни ҳозирча яхши бажара олмаса, жавоблар бланкасида паст балл кўядилар.

Сўнгра психолог ҳар бир меҳнат ҳаракати бўйича қизлар ва ўсмирлар учун алоҳида мўлжалланган тахминий меъёрларни ўқиди. Ўқувчилар бу вактда жавоблар бланкасидаги “Меъёрнинг мувофиқлиги” графасида балларни ушбу меъёрига мослигига қараб белгилайдилар. Агар уларнинг кўрсаткичи меъёрга мос келса “0” кўядилар, меъёрдан катта бўлса- “+1”, агар меъёрдан кам бўлса, “-1” кўядилар. Масалан, агар биринчи саволга ўсмирлардан бирортаси ўз имкониятини олти баллда баҳолади, ушбу савол бўйича ўсмирлар учун меъёр 4 дан 8 гача бўлган балл интервалига мувофиқдир, у ҳолда “0” кўйилади.

Сўнгра ўқувчилар ўз балларининг (+1, -1, 0) алгебраик йифиндисини ҳисоблайдилар ва жавоблар бланкасининг пастки қисмida ёзиб қўядилар. Шу тарзда олинган натижа ҳам ҳамма учун умумий бўлган меъёр билан таққосланади. Бундай меъёр -5 дан +6 баллгача бўлган натижалардан иборат. (Албатта ўзини ўзи юқори ёки паст баҳолаш ҳақидаги хулосалар шартли ҳарактерга эга, ахир бир қатор ўсмирлар ҳар хил ҳаракатларни муваффақият билан бажаришга қобилияtlидирлар. Айниқса методикадаги келтирилган меъёрлар камолотдан йироқ ва қанчалик ўсмирни ўз-ўзини билишини фаоллаштириш учун психодиагностика учун шунчалик хизмати тегмайди.

Бироқ бу хулосалар кейинчалик ўқувчининг аниқ қасб-хунарга тайёрлигини умумий баҳолашида, ўзини ўзи баҳолаш ҳақидаги хулосаларга келишида қўл келади.

Психолог синфга мурожаат қилиб, ўқувчиларни тайёрликларини текшириб кўришлари учун қасб-хунар номини айтишларини сўрайди. Натижада доскада 8-12 қасб-хунарлар рўйхати шакллантирилади.

Сўнгра “Касблар менюси” ёрдамида методикада шундай қасблар мавжудлиги аниқланади. Агар мавжуд бўлса, қасб-хунарлар ёзилган қаторида рўйхатдан тартиб рақами қўйилади. Мабодо, ана шу қасб ўсмирни қизиқтирса-да, рўйхатда бўлмаса, ўқувчи билан келишган ҳолда унга яқин бўлган қасб-хунар кўриб чиқилади.

“Касблар менюси”да инсон фаолиятига анъанавий бўлмаган бир қатор фаолият турлари масалан, дайди, тиланчи, квартира ўғриси, фохиша, рэкетир, наркотик сотувчи қасблари ҳам киритилган. Бироқ бугунги кунда ўспириналор орасида айнан ушбу ўйлар билан пул топишга қизиқадиганлар мавжуд. Психолог бу “қасб-хунарлар”га эътибор қаратиши ҳамда педагогик билан биргаликда ўспириналор бундай фаолият турларини мухокама қилиши лозим. Ўсмирлар билан ушбу қасб-хунарлар тўғрисида сўхбатлашишдан кўркмаслиги керак. Ахир улар ўз давраларида ушбу масалаларни жонли

мухокама қилишади. Яхиси ушбу мухокамани профессионал психолог ўзининг назорати остига олиши лозим.

### **Методикани бажариш учун намуна**

Сўнгра психолог касбга тайёрликни аниқлашни мисол асосида тушунтиради. Ўқувчилар психологнинг ортидан мос ҳисоблашни амалга оширадилар. Кейин уларнинг ўзлари қизиқадиган касбларига тайёрликларини мустакил аниқладилар. Ҳар бир ўқувчи ўзининг касбга тайёрлигини камида тўрта касб-хунар бўйича текшириб кўриши мумкин. Жавоблар бланкасининг ўнг қисми тўрта тенг бўлакка ажартилади (1-жадвал) ва уларнинг ҳар бир бирор бир касбга тайёрликни баҳолайди.

Куйида “дастурчи” касбига тайёрликни батафсил ҳисобланиши “дастурчи” касбига тайёрликни ҳисоблаш намунаси” жадвалида келтирилган.

Бошланишида бланкада касбнинг номланиши- “дастурчи” ёзилади. Сўнгра “Касблар тўплами” рўйхатидан “дастурчи” касбининг меҳнат ҳаракатларига мувофиқ келувчи рақами ва бу ҳаракатларнинг муваффақиятли бажариш учун аҳамиятини балли ифодаси излаб топилади. Барчаси жавоблар бланкида мос графада ёзиг кўйилади.

Сўнгра ҳаракатнинг аҳамиятлик кўрсаткичлари билан бир қаторда ўқувчи ўз бланкасида олдин кўйган жавобини ёзиг кўяди. Масалан, биринчи меҳнат ҳаракати (асбоб-ускунадаги кўрсаткичларни кузатиш)-7 балл, учинчи (ҳисоб-китобни бажариш)-5 балл; ўн саккизинчи (монотон ҳаракатни кўчириш)-3 балл ва ҳакозо. Сўнгра аҳамиятлилик кўрсаткичлари ўсмирларнинг ўзини ўзи баҳолаш балларига мувофиқ кўпайтирилади. Сўнгра олинган натижалар йиғиндиси топилади. Ўсмирнинг касбга тайёрлигининг умумий кўрсаткичи фоизли ифодаланиб, жавоблар варақасининг паст қисмига ёзиг кўйилади. Агар у 60–70% дан паст бўлса, у ўқувчининг ушбу касбга тайёрлигига шубҳа уйғотади.

Шунингдек, ўсмирнинг ўз-ўзига берган баҳосини ҳисобга олиш зарур. Агар у юкори бўлса, “дастурчи” касбига тайёргарлик бўйича олинган натижаси тузатувчи коэффициент 0.7 га кўпайтирилади. Агар паст бўлса, 1,3 га, меъёрда бўлса ҳеч қандай тузатишни амалга ошириш шарт бўлмайди. Келтириб ўтилган мисолда юкори бўлмаган тайёргарлик кўрсаткичи, 47 га тенг бўлиб, у 1,3 тузатиш коэффициентига кўпайтирилган ва натижада 61,1 % олинди. Бу “Дастурчи” касбига яхши тайёргарликни билдиради.

Ўқувчилар ҳам шу тарзда ўзлари қизиқадиган бошқа касбларга тайёрликларини мустакил ҳисоблаб топадилар. Баъзан кимдадир 6-8 та ва ундан ортиқ касбларни кўриб чиқиши хоҳиши пайдо бўлиб қолади (у ҳолда ўқувчилар жавоблар бланкасида кўшимча варак кўшиб ҳисоблашни бажаради). Бундай холатда индивидуал тартибда касбларга қизиқувчи ўсмирларнинг кўрсаткичларини ҳисобга олади.

### **Индивидуал тарзда иш олиб борилганда**

Индивидуал мақсадда методикадан фойдаланишда (ёки 3-5 кишилик микрогрупах билан ишлашда ёки) ўтказишнинг умумий тартиби сакланиб қолади, аммо аҳамиятли кўшимчалар қилиш имконияти пайдо бўлади.

Үқувчиларга у ёки бу ҳаракатларни бажариш имкониятлари (“уддалайман”)ни баҳолабгина қолмай, балки бу ҳаракатларни бажариш хоҳишилари (“хоҳлайман”) ва ҳаттоки бундай ҳаракатларни бажаришнинг зарурлигини баҳолаши тавсия қилиш тарзда кенгайтирилади. Ўқувчининг ҳар бир меҳнат ҳаракатларини психолог ўқигандан кейин жавоблар варақасининг учинчи устунчасида 0 дан 10 баллга бўлган шкаладан фойдаланиб мувофиқ келадиган ўзини ўзи баҳолаш қўйилади. Афсуски, якуний жамланмага келиш учун, хусусан, методикадаги ўзини ўзи баҳолашни анқилаш учун ўқувчиларнинг қобилиятларига боғлиқ намунавий меъёрлар тақдим этилади («Намунавий меъёрлар» жавдалига қаралсин). Бироқ хоҳишистаклари бўйича психолог ўзининг миңтақаси учун шундай меъёрлар олиши мумкин (Бундай меъёрларни олиш учун қуидаги қўлланмаларни тавсия этилади: Словарь-справочник по психологической диагностике. Бурлачук Л.Ф., Морозов С.М. Киев: Наукова думка, 1989; Общая психодиагностика / Под ред. А.А. Бодалева, В.В. Столина. М.: Изд-во МГУ, 1987.)

Индивидуал ишларни баҳолашда фақат қобилиятлар эмас, балки хоҳишистак ва ушбу кўринишдаги ишни бажариш зарурлиги ҳам баҳоланади.

#### 1-жадвал

#### Жавоблар бланки

Ҳаракат ракамлари	Ўз-ўзини баҳолаш	Меъёрга мувофиқлик	Тўрта касб-хунар	
1			1. _____	2. _____
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				
9				
10				
11				
12				
13				
14			3. _____	4. _____
15				
16				
17				
18				
19				
20				
21				
22				
23				
24				

25		
26		
27		
28		
29		
30		
31		
32		
33		
34		
Жами		

#### **Мәхнат ҳаракатлары рўйхати**

1. Асбоб-ускуналарнинг кўрсаткичларини, экрандаги ахборотларни кузатиш.
2. Матн билан ишлаш (кўп ўқиш, ниманидир ўрганиш).
3. Ҳисоб-китобларни бажариш (ЭҲМда, микрокалькуляторда, ақлда).
4. Кўп чизиш, расм чизиш.
5. Ёзишмалар юритиш, компьютерда матн киритиш.
6. Кўп сўзлаш, аудитория олдида маъруза қилиш, одамлар билан суҳбатлашиш.
7. Хизмат кўрсатишга шайлик, мижозларга ёкиш ва хизмат кўрсатиш.
8. Мәхнат тартиб интизомига ва субординацияга риоя қилиш (бўйсуниш қоидаларига).
9. Техникани бошқариш (машинада, станокда, агрегатларда).
10. Ниманидир кўлда ёки оддий мосламалар ёрдамида қайта ишлаш.
11. Кўпинча очиқ ҳавода, табиат кўйнида (хар қандай шароитда) ишлаш
12. Ишнинг боришига кўра кўп ёдга олиш .
13. Кўпинча сафарга бориб-келиш (хизмат сафари, экспедиция).
14. Ўзгарувчан вазиятларни тез сезувчанлик, дикқатни тақсимлай олиш ўқуви.
15. Нимани ва кимнидир текшириш, назорат қилиш, баҳолаш, диагноз кўйиши.
16. Эҳтиёткор бўлиш ва келажакни кўзлаб иш кўриш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш (ақл билан таваккал қилиш).
17. «Кир, ифлос» ишни бажариш (нохуш хидли, чанг, шовқун кузатиладиган жойларда)
18. Бир хил, монотон ишни кўчириш.
19. Истеҳзо ва кўполлилка чидамлилик.
20. Узоқ жисмоний юкламаларни бошдан кечириш (кўп юриш, хар хил ҳаракатларни бажариш, босимни, вибрацияни кўчириш, температурани кўтарилиб тушиши ).
21. Ташкиллаштириш ўқуви, одамларни бошқариш.
22. Хорижий тилда сўзлашиш.
23. Низоли вазиятлардан чиқиш, ўз шаънини ҳимоя қилиш ўқуви.

24. Бошқаларни ва ўзини алдамаслик (бундай гапириш хаммага берилмаган).

25. Ҳамма нарсани юрагига яқин олмаслик ўқуви (сизнинг ишингиз тўфайли кимгадир ёмон бўлишидан хаяжонланмаслик).

26. Кўпинча кечаси ва дам олишларсиз ишлаш.

27. Мухим қарорларни мустақил қабул қилиш ўқуви (уларнинг якунига ҳам мустақил жавоб бериш).

28. Ҳамкаслари билан ҳамкорликда бўлиш ўқуви, жамоада ишлаш (жанжалларсиз ва фитнасиз).

29. Хотиржам ва вазмин фикрлаш.

30. Ўзини доимо кузатиш, машқ қилиш, шуғулланиш ва яхши иш формасида бўлиш.

31. Муқаддас нарсага ишониш (буюк ғоялар, худога, севимли кишига, раҳбарга)

32. Ишга доимо нимадир янгилик киритиш ва ноодатий фикрлаш.

33. Гўзалликни яратиш, гўзалликни қадрлаш ўқуви.

34. Уддабурон бўлиш, тез ишлаш ўқуви.

## **6-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛЛИК ТЕСТЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ПСИХОЛОГИЯДА ҚҰЛЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧИ.**

Күпчилик психологлар хозирги кунда интеллект тестлари шахсларнинг таълим даражасига ва уларнинг табиий қобилиятларига боғлиқ бўлган муайян интеллектуал қўникмаларнинг шаклланиш даражасини ўлчашларини сътироф етадилар. Тест натижаларида бирини иккинчисидан ажратиш мумкин емас.

Тест балларининг атроф-мухитга боғлиқлиги уларнинг номутаносиблиги, ўзгарувчанлигини билдиради. Буни тушуниш тестнинг асосий мақсади ўзгаришига олиб келади. Агар илгари интеллектуал тестлар бўйича ўлчовлар кўпинча мавзуларни тоифаларга ажратиш ва узок муддатли прогнозлар учун ишлатилган бўлса, енди Ғарб психологлари орасида ёрликларни ёпиш тенденциясини рад етиш мавжуд. Интеллектуал тест натижаларига кўра шахсларнинг қаттиқ, ўзгармас таснифи оғир салбий оқибатларга олиб келди, чунки паст 1 () болага нисбатан камсуқумлик белгиси қолдириди, бошқаларнинг унга бўлган муносабатини ўзгартириди ва шу билан ривожланишининг ноқулай шароитларини саклаб қолишига ёрдам берди.

Хозирги кунда ақлий тестлар асосан мактаб фаолиятини башорат қилиш ва ўқувчиларни ҳар хил турдаги мактаблар бўйлаб тарқатиш учун ишлатилади. Шундай қилиб, Amerika Кўшма Штатларида бир бола иқтидорли учун мактабга олиш учун, у Стенфорд-Бинет синов камида 1С олиш керак.

Лекин бу тор соҳада ҳам 1С таҳминларга асосланган башоратлар) ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Немис психологлар, мактаб қобилияциз нисбатан интеллектуал тест бир вақтнинг ўзида амал Amerika тадқиқотлар таҳлил сўнг, 1С ўлчаш асосида деган хulosага келди), у чекланган даражада мактаб ютуқларини башорат қилиш фақат мумкин, тест натижалари ва мактаб муваффакият ўртасидаги ўртача боғлиқлик, одатда атрофида жойлашган, чунки 0.50 ъ. Бу кўрсаткич 0.25 аниқлаш коеффициентига мос келади, яъни мактаб ютуғидаги ўзгарувчиларнинг фақат 25% разведка тестларини бажаришдаги фарқлар билан тушунтирилади.

Шундай қилиб, ақлий тестлар асосида мактаб ютуқларини баҳолаш ва башорат қилиш турли хил қўшимча омиллар таъсири туфайли қийинлашади, улар орасида енг мухими оиланинг таъсири ва енг мухими, талаба шахсининг таъсири. Барча бу 1С ортиқ мактабда академик бажариш катта таъсир кўрсатади).

1С) нинг предметли қийматининг пасайиши қўргина психологлар томонидан кўрсатилади. Бундан ташқари, А. Анастаси томонидан

айтилганидек, ҳатто Д. тест балини синаб күриш вақтида шахснинг ақлий ривожланишига етарли баҳо бериш етарли емас. Бунинг учун тест натижаларини бошқа манбалардан олинган маълумотлар билан тўлдириш лозим: кузатишлар, биографик маълумотлар, ўқитиш методларини таҳлил қилиш ва бошқалар.:

- тестларни бажаришда мавзунинг ўқитилганлик даражаси ҳақида;
- тестни яқунлаш мотивацияси ҳақида;
- синов пайтида хиссий ҳолат ҳақида;
- экспериментатор шахсининг синов балларига таъсири тўғрисида;
- тестдан олдинги мавзу фаолияти ҳақида ва бошқалар.

Атроф-мухитнинг ақлий синов натижаларига таъсири шунчалик каттаки, улар ёрдамида кўп ёки кам муваффақиятли прогноз қилиш учун психологлар маҳсус екологик индексларни жорий етишга ҳаракат қиласидар. Бу узоқ маҳсус тестлар орқали аниқланган деб аталмиш ўкув қобилиятларини ўртacha даражаси ва қатор коллежлари ўртасида кенг фарқ қиласидар. Аммо психологларнинг фикрича, коллежлар психологик иқлим, назарий ва амалий йўналишнинг ўзига хос оғирлиги, ўқувчиларнинг синфдан ташқари, режадан ташқари ишларда иштирок етиш даражаси, жамоат фаолиятига қизиқиш ва халқаро муаммолар ва бошқа кўплаб кўрсаткичлар билан фарқланади[1]. Шу боис америкалик психологлар таълим муассасаларининг хусусиятларини ҳисобга олувчи индексларни жорий етишга ҳаракат қилмоқда.

Оилавий мухит шароити, хусусан, ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий даражасини ҳисобга олишда ҳам худди шундай тенденсиялар кузатилади. Бу мақсад турли кўламли ижтимоий-иқтисодий шароитлар учун-енг оддий ва хом дан, факат бир ўзгарувчини жалб (масалан, ота ёки ота-оналар таълим даражаси ишғол ҳақида маълумотлар), кўпроқ нозик ва табакалаштирилган учун, ота-оналар нафақат хусусиятларини ўз ичига олган, балки бундай уй ҳажми сифатида ахборот, замонавий қулийлар мавжудлиги, китоблар мавжудлиги, журнallар, газета, нон-расмий таълим шакллари (масалан, мусика дарслари). Шундай қилиб, Б. га кўра. Ота-оналарнинг таълим даражаси ҳисобга олинса, 7 ва 16 ёшдаги разведка тестлари бўйича баллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар 0,58 дан 0,92 гача оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, қўшимча манбалардан олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ва тест натижалари бўйича кўплаб таъсиirlарни ҳисобга олган ҳолда, баъзи кўникмалар ва қобилиятларнинг ҳақиқий ҳолатини тавсифлаш учун ақлий тестлардан фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари, интеллектуал тест натижаларига кўра, сиз одамнинг ақлий ривожланишидаги ўзгаришларни кузатишингиз мумкин.

Ўсиш ёки камайишга ёрдам берадиган кўплаб шароитлар мавжуд бу кўрсаткич атроф-мухитдаги тасодифий силжишлар натижасида ҳам, режалаштирилган ташқи аралашувлар натижасида ҳам ўзгариши

мумкинлигини таъкидлаш мухимдир. Психологлар болаларда сезиларли ходиса ва езилган (£1) қуидаги сабабларга кўра сабаб бўлиши мумкин, деб топдик:

- оила тузилишидаги ўзгаришлар
- - оила даромадининг ошиши ёки камайиши,
- янги яшаш жойига ўтиш —
- болалар боғчасига қатнаш ва ҳоказо.

IQ нинг ўсиши компенсатор ўкув дастурларининг натижаси бўлиши мумкин, унинг асосий мақсади турли ҳаёт шароитларида болаларнинг ақлий ривожланишиш даражаларини маҳсус тайёргарлик ёрдамида бир-бирига яқинлаштиришдан иборат еди. Биринчи компенсатор дастурлар 1960-йилларда ижтимоий-иктисодий даражаси паст оиласларнинг болалари учун қўшма Штатларда яратилган. Ҳозирги кунда ёш болаларнинг ақлий ривожланишини рағбатлантиришга ва шу билан нокулай муҳитнинг мактаб таълимига таъсирини чеклашга ҳаракат қилувчи қатор компенсатор дастурлар устида ишлаш бўйича тажриба кўп.

Бундай дастурлардан фойдаланишнинг дастлабки натижалари 1968-йилда чоп етилган "ерта ўрганиш" тўпламида маълум қилинган. Шундай қилиб, Peabody лойиҳа дастури фойдаланиш натижаларига кўра, мактабгача таълим ривожлантаришда иштирок болалар назорат гурухи билан солиштирганда тест синовлари бўйича сезиларли даражада юқори балл топилди (шу экологик параметрлари билан болалар, шу жумладан,, лекин ким таълим иштирок қилмади). Бу болалар мактаб таълимининг бошланишида ўз устунликларини сақлаб қолдилар.

Бу муаммо ҳақида баъзи маълумотлар Л томонидан берилган. У 3-4 ойлик болаларга қўлланиладиган компенсатор машғулотларга уриниб кўради, оналар 70 остида IQ баллари бор эди. Маҳсус тарбиячилар томонидан олиб борилган машғулотлар 4 йил ўтиб 135 га яқин айрим болаларда 84-116 меъёра IQ балл олиш имконини берди. Ўртacha уларнинг кўрсаткичлари назорат гурухидагидан 33 балл юқори бўлди. Ушбу тадқиқот ҳам қизиқарли, чунки у билвосита генетик компонентнинг ва атроф-муҳитнинг иқ га нисбатан таъсири ҳақида савол беради. Интеллектуал тест натижалари асосида одамларнинг шахсий фарқларида таълим ва тарбиянинг мухим аҳамияти тасдиқланади.

Тест мақсадларига қайтадиган бўлсақ, прогрессив психологлар миқдорий индексни таъминловчи восита, маданий аралашув даражасининг кўрсаткичи, дисфункционал ижтимоий-иктисодий вазият сифатида тестларга катта умид боғлаганликларини қайд етамиз. Ва бу нокулай муҳитлардан болалар яхши-офф оиласларнинг болалар мактаб фаолиятини яқинлашиш имконини беради дастурлари ва ўқитиш усуллари бундай тузатиш биринчи қадамдир.



## **7-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. КОМПЬЮТЕР ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ.**

**Амалий машғулотнинг амалга ошириш тартиби:**

*1. Тақдим этилаётган материаллар билан танишинг ва компьютер психодиагностика, психодиагностика ривожланишининг ҳозирги тенденциялари бўйича таҳлилий материал тайёрланг.*

*2. Касбий фаолиятингизда фойдаланилган ёки компьютерда дастурлаштирилган диагностика методикалардан хабардор бўлган маълумотларингиз асосида уларнинг рўйхатини шакллантиринг.*

Сўнгги йилларда психологларнинг амалий ишларида туб ўзгаришлар рўй берди. Бу эса "қалам ва қофоз"нинг анъанавий тест усулларига нисбатан компьютер психодиагностик воситаларидан фойдаланиш сезиларли даражада ошгандилиги билан боғлик. Психодиагностикада компьютер технологияларидан фойдаланиш, асосан, аниқ дисциплинлерараси ишларни талаб қиласи, аста-секин компьютер психодиагностикаси деб аталағидан мустақил тадқиқот соҳасида шаклланди.

Компьютер психодиагностикасининг асосий мақсадлари психодиагностик воситалар, жумладан, компьютер психодиагностик методларини яратиш ҳамда тажрибанинг тубдан янги турлари ва експериментал психологик ахборот билан ишлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Компьютер психодиагностикасининг асосий вазифаси психологларни янги ахборот технологиялари асосида яратилган юқори сифатли психодиагностик воситалар билан таъминлаш деб ҳисоблаш мумкин.

Компьютер психодиагностикаси соҳасидаги тадқиқотларни икки йўналиш: психодиагностика ва компьютер фанлари кесишган жойларда жойлашган дисциплинлерараси хавфсиз равишда киритиш мумкин. Икки фаннинг ижодий интеграцияси психодиагностик тадқиқотларнинг янги сифати ва амалий психологлар учун бутунлай бошқача иш услубига олиб келди.

Энг умумий шаклда ахборот дэганда ҳар қандай маълумотларнинг мазмуни (маъноси), ахборот технологиялари эса ахборотни қайта ишлаш учун ишлатиладиган технологик элементлар (курилмалар, усуллар) мажмую тушунилади. Ҳозирги кунда психодиагностикада маълумотларни таҳлил қилиш, билимлар инженерияси ва Интернет технологиялари каби ахборот технологиялари фаол қўлланилмоқда. Бу технологияларнинг ҳар бири ўзига хос психодиагностик вазифаларнинг асоси бўлиб, компьютер психодиагностикаси соҳасидаги ишларнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

1. Маълумотларни таҳлил қилиш технологияси асосида анъанавий психометрик парадигма доирасида психодиагностик методларнинг курилиши.

2. Психосемантик методларнинг қурилиши ва маълумотлар таҳлилиниң предмет парадигмаси асосида психосемантик эксперимент доирасидаги предметларни ўрганиш.

3. Психологнинг иш тажрибаси ёрдамида фанларнинг тест натижаларини компьютерга "тиккан" ҳолда изоҳлайдиган билимлар инженерияси технологияси асосида компьютер психодиагностик методларини ишлаб чиқиши.

4. Стимул материалининг ташкилотчиси сифатида компьютердан фойдаланадиган компьютер психодиагностик методларини яратиш, яъни адаптив, ўйин, масофавий ва мультимедиали тест тизимларини амалга ошириш.

5. Компьютер ёрдамида психодиагностика санъатини ўрганиш.

Бу ҳолат психологлар учун маълум қийинчиликларни туғдиради ва уларга янги муаммоларни қўяди. Энг катта қийинчилик-тадқиқот мақсадларига, компьютер психодиагностик воситаларига жавоб берадиган етарли танловдир. Шу муносабат билан кўпинча саволлар берилади: фанларни ўрганиш натижасида қандай усуслар ва қандай мақсадларда энг яхши фойдаланилса, қандай компьютер психологик хуносаларни олиш мумкин ва компьютер психодиагностик воситалари психологнинг амалий ишида қандай фойдали бўлиши мумкин.

Бугунги кунда энг муҳим таъсир тест натижаларини қайта ишлаш учун компьютер имкониятларидан фойдаланиш ҳисобланади.

